TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# TURKOLOGIYA
# TURKOLOGY

**XALQARO ILMIY JURNAL**

**ISSN 0077-7700**

**2020 1**

ISSN 0077 – 7700

# TURKOLOGIYA
# TURKOLOGY

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI
ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

1

2020

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рўйхатидан ўтган
(№ 1129, 11.11.2020 й.) **ISSN 0077 – 7700**

**Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчеҳра Шавкатовна**
*филология фанлари номзоди, доцент*

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

| | |
|---|---|
| **Қ. Омонов** | *филология фанлари доктори, профессор (бош муҳаррир ўринбосари)* |
| **Х. Хамидов** | *филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (масъул котиб)* |
| **Б. Тўхлиев** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Қ. Содиқов** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Ш. Усмонова** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Ҳ. Дадабоев** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Н. Раҳмонов** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Б. Каримов** | *филология фанлари доктори, профессор* |
| **Дж. Шабанов** | *филология фанлари номзоди, доцент* |
| **У. Идиров** | *сиёсий фанлар доктори, профессор* |
| **Н. Абдуллаев** | *сиёсий фанлар номзоди, доцент* |
| **А.Назаров** | *сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)* |
| **М. Исҳоқов** | *тарих фанлари доктори, профессор* |
| **Д. Сайфуллаев** | *тарих фанлари доктори, доцент* |
| **Х. Файзиев** | *тарих фанлари номзоди, доцент* |
| **З. Алимов** | *тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)* |
| **Т. Расулов** | *иқтисод фанлари доктори, профессор* |
| **Н. Холматов** | *иқтисод фанлари номзоди* |
| **З. Қодирова** | *иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)* |
| **М. Воҳидова** | *иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)* |
| **Р. Баҳодиров** | *фалсафа фанлари доктори, профессор* |
| **Д. Пўлатова** | *фалсафа фанлари номзоди, профессор* |
| **А. Шоназарова** | *АҚШнинг Колумбия университети профессори* |
| **А. Гурер** | *Туркиянинг Анкара университети профессори* |
| **Ҳ. Байдемир** | *Туркиянинг Отатурк Университети профессори* |
| **Ю. Кўч** | *Туркиянинг Хожитепа Университети профессори* |
| **Н. Телицин** | *СПбГУ Туркология кафедраси мудири, профессор* |

**Нашрга тайёрловчилар:**

***Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова***

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz
web-site: www.tsuos.uz

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2020

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

***Гулчеҳра Рихсиева.*** «Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналининг илк сони ........ 5

**“Қутадғу билиг” илмий нашрларининг таҳлили**

***Temur Xo‘ja O‘gli.*** Abdurauf Fitratning turkologiyada e’tibordan chetda qolgan «Qutadg‘u Bilig» matn nashri (1928) ........ 7

***Gülden Sağol Yüksekkaya.*** R. R. Aratnıng «Qutadg‘u Bılıg» nashrıda mukammallıknı ızlashı ........ 19

**“Қутадғу билиг” ва шарқ адабиётларида анъана масаласи**

***Benedek Péri.*** Two Central Asian Turkic texts and their relationship to the persian literary tradition. Yūsuf Ḫāṣ Ḥājib’s *Qutadġu Bilig* and Ḥaydar Ḫvārizmī’s *Gulšan al-Asrār* ........ 32

***Elçin İbrahimov.*** Türk dünyasında dil politikalarının oluşmasında eserlerin rolü: *Kutadgu Bilig‘in* araştırılma tarihi ........ 39

***Ramiz Asker.*** Kutadgu Bilig bibliyografyalari. Библиографии по «Кутадгу билиг» ........ 47

**“Қутадғу билиг”нинг тил ўзгачаликлари**

***Содиқов Қосимжон.*** “Қутадғу билиг”да кечган “нутқ” ва “ёзма адабий тил”ни англатувчи сўзлар семантикаси ........ 54

***Aynur Öz Özcan.*** Kutadgu Bilig‘de eş anlamli fiiller ........ 64

***Boltabayev Saidbek.*** “Qutadg‘u bilig”da xitob yuklama va undovlari asosida o‘zbek tilidagi ba’zi so‘zlarning etimologiyasi ........ 71

**“Қутадғу билиг” поэтикаси**

***Тўхлиев Боқижон.*** Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг маънавий камолоти ҳақида ........ 80

***Ayşe Yücel Çetin.*** Ideal people and their characteristics in Kutadgu Bilig ........ 87

***Ismet Çetin.*** Kutadgu Bilig as a source of values education ........ 94

***Нигмонов Абдулазизхон.*** “Қутадғу билиг”да синтактик параллелизмлар ........ 99

**“Қутадғу билиг”нинг шарқ цивилизацияси ва фалсафий- маънавий қарашлар юксалувидаги ўрни**

***Козубаев Осконбай.*** Онтология этического учения Юсуфа Баласагуни: опыт философской реконструкции ........ 107

***Абдуқодир Зоҳидий.*** Юсуф Хос Ҳожиб давлатчилик фалсафий таълимотининг негизлари ........ 114

***Баратов Данияр.*** К философии первоэлементов (anâsir-i erbaa) и учению о влагах (ahlât-i erbaa), отраженных в «Кутадгу Билиг» ........ 123

**“Қутадғу билиг”нинг талқин ва ўгирмалари**

***Аврутина Аполлинария.*** Творческое наследие Сергея Николаевича Иванова – переводчика Юсуфа Баласагуни на русский язык ........ 134

***Сидиқов Қосимжон.*** Юсуф Хос Ҳожиб афоризмлари ва уларни таржимада қайта яратиш муаммолари ........ 139

**Тақриз ва муносабат**

***Омонов Қудратулла.*** «Қутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи: Қосимжон Содиқов – Тошкент: «Akademnashr», 2020. . ........ 144

# «TURKOLOGIYA. TURKOLOGY» **ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК СОНИ**

Ташқи сиёсатдаги кўп қиррали очиқлик тамойиллари янгиланаётган Ўзбекистоннинг ижобий имижига айланмоқда. Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Марказий Осиё ва турли минтақаларда яшаётган илдизи, тили, қадрияти бир бўлган туркий тилли ўлкалар билан кенг миқёсдаги ҳамкорликда намоён бўлмоқда.

Жаҳон геосиёсий саҳнасида туркий тилли мамлакатларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётир. Туркий халқлар қадим кезлардан ўзига хос давлатчилик анаъналари, улкан маданий, маърифий қадриятларни яратган, Евроосиёнинг марказий минтақаларидаги кенг ҳудудларда ерлашган ҳамда 250 миллионга яқин нуфусга эга энг йирик этнослардан биридир.

Ҳозирги глобаллашув шароити ва у билан боғлиқ ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида тобора чуқурлашиб бораётган ахборотлашув жараёнлари Шарқ ва Ғарб маданиятлари таъсир доирасининг кенгайиши туркий тилли элларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий мулоқотини янада кенгайтиришни, дунё ҳамжамиятида ягона сиёсий, иқтисодий, маърифий платформа билан қатнашишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистоннинг 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг еттинчи саммитида тўлақонли аъзо давлат сифатида қатнашуви ҳам ана шу эҳтиёжларни қондириш йўлидаги мустаҳкам қадам бўлди.

Туркий маданиятнинг бешиги ва туркий давлатчиликнинг ўқ томири бўлмиш Ўзбекистондек давлатнинг Кенгашга кириши уюшмани тугал сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ташкилотга айлантирди.

Шундай шароитда мамлакатимизнинг асосий стратегик шериклари туркий давлатлар йўналишида туркшунос мутахассисларга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Ушбу соҳалар бўйича мутахассис тайёрлаш иши Тошкент давлат шарқшунослик университетида йўлга қўйилган. Бу таълим ўчоғида туркшунослик бўйича дунё тан олган катта ўқув ва илмий мактаб шаклланган. Айниқса, университетда янги туркшунослик факультетининг очилганлиги ва туркшунос кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш вазифасини ушбу факультетга юкланиши айни муддао бўлди.

Галдаги вазифа университетда туркшунослар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш баробарида илмий-тадқиқот ишларини ҳам янада ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда туркшунослик изланишлари бўйича ўзбек туркологлари жиддий ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг илмий изланишлари натижаларини чоп этиб бориш ва мутахассисларнинг баҳсу мунозара майдони сифатида доимий махсус нашри бўлиши муҳим масала саналади. Айни масалалар эътиборга олиниб, Тошкент давлат шарқшунослик университетида йилнинг чорагида бир изчил чоп этиб бориладиган «Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журнали тузилди.

Туркшунослик тадқиқотларига бугуннинг кўзи билан қараш янги илмий мулоҳазалар, ёндашувлар асосида таҳлил ва тадқиқ этиш журналнинг бош вазифасидир.

Ушбу халқаро журнал ўзбек ва жаҳон туркшуносларининг илмий майдони ўлароқ XXI юзйил туркологияси қайси илмий йўлдан кетади, туркшуносликка доир изланишлар қайси ўлчовларга таяниб олиб борилади, қандай илмий ишларга эътибор кучаяди сингари туган ва унинг илмий ечимларига урғу берилади. Шунингдек, журналда туркшуносликнинг муҳим йўналишлари: тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик, туркий халқлар тарихи, фалсафаси, маданияти, ижтимоий ва сиёсий тараққиёти, иқтисоди сингари соҳаларнинг муҳим масалалари ва илмий янгиликлари ёритилади.

«Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналидаги мақолалар ўзбек, турк, инглиз ва рус тилларида чоп этилади. Журналнинг маслаҳат ва таҳрир кенгашига Тошкент давлат шарқшунослик университети ва унинг ҳамкор ўқув, илмий ва дипломатик муассасалари - Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Истанбул, Хожи Байрам Вали, Мармара, Хожитепа, Анқара, Ғозий, Карабук, Отатурк университетлари, Турк дил қуруми, АҚШнинг Индиана университети, Голландия Лейден университети, Венгриянинг Этвош Лоран университети, Санкт-Петербург давлат университети, Германиянинг Берлин университети, Озарбайжоннинг Баку давлат университети, Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Бишкекдаги қирғиз-турк Манас университетининг етакчи туркшунос мутахассислари жалб этилди.

Ушбу халқаро илмий журналнинг илк сони 2020 йил 27-28 ноябрь кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университетида бўлиб ўтган “Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари асосида чоп этилди.

“Қутадғу билиг” илк ўрта асрларда турк дунёсидагина эмас, бутун Шарқ адабиётида шоҳ китоб сифатида довруғ қозонди. Шу боис ҳам асар бир неча авлод туркологлар томонидан мунтазам равишда ўрганилиб, тадқиқ этиб келинмоқда. Чунончи, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган халқаро конференция ҳам асарни ўрганиш бўйича муҳим илмий минбар сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Янги чиқаётган илмий журнал ишларига улкан ютуқлар тилайман. Журналда чоп этиладиган мақола ва хабарлар дунё туркологияси олдида турган муҳим муаммоларни ечишга кўмаклашади дея умид қиламан.

***Гулчеҳра РИХСИЕВА,***
*Тошкент давлат шарқшунослик университетининг ректори.*

# ABDURAUF FITRATNING TURKOLOGIYADA E’TIBORDAN CHETDA QOLGAN «QUTADG‘U BILIG» MATN NASHRI (1928)

***TEMUR XO‘JA O‘GLI***
*Мичиган давлат университети (Michigan State University)*

**Kirish:** O‘zbek turkshunos olimi Abdurauf Fitrat (1886-1928) 1927-yildagi *Eng eski turk adabiyoti namunalari* nomli asarida Mahmud Koshg‘ariyning *Divonu lug‘ati’t-turk* asaridagi adabiy parchalarni, 1928 yildagi *O‘zbek adabiyoti Namunalari* asarida esa qadimiy turk dostonlari va Orxun yozuvidan *Boburnoma* asarigacha ko‘p sonda turkiy adabiyoti qatorida *Qutadg‘u bilig* asaridan 80 baytli bir parchani 1923-1928-yillari orasida ishlatilgan “Yangi alif” deb otalgan O‘zbek tili talaffuziga moslashtirilgan arab alifbasiga asoslangan alifboda nashr qilgan edi. Fitratning *O‘zbek adabiyoti Namunalari* asari haqida ko‘plab maqola va asarlarda ma’lumot berilib kelingan bo‘lsa-da, *Qutadg‘u bilig* matni bo‘yicha ilmiy ish olib borgan olimlar negadir Fitratning *Qutadg‘u bilig‘*dan tanlagan bu 80 baytli matnini Fitratdan keyingi nashrlar bilan solishtirib bu haqda ma’lumot berishmagan. Holbuki Fitratning o‘sha 1928- yilidagi matn nashri, o‘zidan oldingi H.Vambery va V.Radlov yoki Fitratdan keyingi R.R.Arat (1947) va S.E.Malov (1948, 1951) kabi olimlarning matn nashrlaridan ba’zi jihatlardan yanada mukammalroqdir. Bu masalaga ham bugungacha biron kishi toxtalib, Fitratning matn nashrini boshqa olimlarning nashri bilan solishtirgan emas.

Özbekistonning dastlabki turkshunos olimi Abdurauf Fitrat 1938- yilda otib o‘ldirilganidan keyingi qatog‘on paytida uning nomi va asarlari uzoq yillar men’ qilingani tufayli, Sovet Ittifoqida va chet ellardagi turkshunos olimlar, Fitratning 1928- yildagi mazkur asarida *Qutadg‘u bilig‘*dan 80 ta baytning matnini ishlab chiqqanidan yo xabarsiz qoldilar yoki xabarlari bo‘lsa da bu haqda ma’lumot berishdan tortindilar. Lekin o‘zbek olimi Qayum Karimov 1971- yildagi Qutadg‘u bilig matni ilmiy nashrining “Qutadg‘u bilig asari haqida” sarlavhali bo‘limida boshqa olimlar qatarida Fitratning 1928- yildagi ilmiy ishi haqida ham qisqacha ma’lumot beradi:

... o‘zbek olimi Fitrat 1924- yilda Muhammadhoji Eshon Lolareshdan mazkur nusxani olishga muyassar bo‘ladi va shu yilning o‘zidayoq bu nusxani Toshkent asosiy kutubxonasiga keltiradi. Oradan bir yil o‘tgach, “Maorif va o‘qitg‘uvchi” jurnalida “Qutadg‘u bilig”ning namangan nusxasi haqida Fitratning maqolasi bosilib chiqadi. 1928-yilda esa u bu asarning ayrim parchalarini zarur izohlar bilan nashr qiladi (Karimov 1971, s. 11).

Qayum Karimov 1971- yildagi bu asarida qatag‘on qilingan Fitratning ismini va asarini tilga olishi tufayli o‘sha paytda u so‘roq qilinib ancha qiynoqlarga uchragani hammaga ma’lumdir. Fitratning Qutadg‘u bilig matnidan transkriptsiya qilgan 80 ta bayti haqida o‘sha davr taqozasi bilan Karimov fikr bildirolmagan bo‘lsa ham, o‘z matn transkripsiyasida Fitratning matnidan ham faoydalanganini ayta olamiz. Buni bu maqola davomidagi namunalarda ko‘rsataman.

Shu ma’ruzamda men Fitratning 1928- yilda *O‘zbek adabiyoti namunalari* asaridagi *Qutadg‘u bilig‘*dan 80 baytning faqat 10 tasini Radlov (1910), R.R. Arat (1947), Qayum Karimov (1971) va S.E. Malov (1951) nashrlari bilan muqoyasa qilaman. Bu ma’ruzamdan keyin boshqa bir maqolamda esa, Fitratning o‘sha 80 baytli matnini turkshunos Aratdan toshqaori O‘zbekistonda nashr etilgan ayrim *Qutadg‘u bilig* matnlari bilan qiyoslashni ham ko‘zda tutmoqdaman.

Navbatdagi solishtirishda shunday usulni qo‘llayman: Fitrat u matn nashrida *Qutadg‘u bilig‘*ning faqatgina Toshkent (Farg‘ona) qo‘lyozmasidan foydalangan, uni Viyana va Qohira qo‘lyozmalari bilan solishtirmagan. Shu sababdan bu ma’ruzada, har bir bayt uchun oldin uning Toshkent qo‘lyozmasidagi baytning surati, undan keyin Fitratning *O‘zbek adabiyoti namunalari* asaridagi arab yozuvidagi transktripsiya matninin surati va uning hozir O‘zbekistonda turkiy matnlar uchun ishlatilayotgan ilmiy trantskripsiya alifbosiga yoqin bir lotin alifbosidagi transkripsiya va uning o‘ng tomonida R.R.Arat (1947) yil nashri va ostida Q. Karimov (1971) nashridagi baytlarning suratlari beriladi. Har bir baytning ostidagi “Izohlar” bo‘limida shu muqoyasa to‘g‘risidagi mulohazalar o‘rin oladi (bu baytlardagi lotin transkriptsiya o‘zbek turkshunos olimi Qosimjon Sodiqovning 2010- yildagi *Qutadg‘u bilig”ning uyg‘ur yozuvli Hirot nusxasi* asaridagi lotin transkripsiyasiga judo oxshash bo‘lsa-da, undan bir ikkita harfda farq bor (Sodiqov 2010, s. 29-74).

Fitrat qo‘llangan arab yozuvidagi unli tovushlarning harflari o‘rniga qaysi lotin harflari ishlatilgani quyidagi jadvalda ko‘rsatiladi:

| Arab | Lotin | Izoh |
|---|---|---|
| ا ئا | **A** | *til orqa keng*<br>*boshda* ئا*, o‘rtada*-ozirda ا |
| ه | **ä** (ə) | keng a *(til oldi keng)* |
| ې ئې | **é** (e) | *yopiq e (til oldi o‘rta keng)* |
| ى | **ı – i** | *ı (ï - ы) til orqa tor (yo‘g‘on)*<br>*i til oldi tor (ingichka)* |
| ي | **Y** | *yonma-yon iki no‘qtalı* ***ye*** *harfi* ***y*** *unsiz tovushi* |
| او و | **o** | *boshda – o‘rtada*<br>*til orqa o‘rta keng (yo‘g‘on)* |
| ائو ئو | **ö** | *boshda – o‘rtada*<br>*til oldi o‘rta keng (ingichka)* |

| | | |
|---|---|---|
| وُ اوُ | **u** | *boshda – o‘rtada*<br>*til orqa tor (yo‘g‘on)* |
| ئوُ ائوُ | **ü** | *boshda – o‘rtada*<br>*til oldi tor (ingichka)* |

Fıtrat 1921-1928 *Qutadg‘u bilig‘*dagi ذ (zel) harfini aynan olgan:

| Qutadg‘u biligda | Fıtratda | Lotin transkripsiyada |
|---|---|---|
| ذ | ذ | z̠ |

**Muqoyasa:**

Fitratning *O‘zbek adabiyoti namunalari* asaridagi 80 ta baytning dastlabgi 10tasi üstida tahlillar:

**( 1 )**

Toshkent qo‘lyozmasida: 9b /10



V.Radlov, 1910, s. 17:



Тоҕардын öзä кäлдi öңдiн jäli,
Аңун äткӱгä ачты уңмак јолы.

Fitrat 1928, s. 79



تۇغاردىن ئەسە كەلدى ئوڭدۇن يېلى
ئاژۇن ئىتكوگە ئاچتى ئوشتماخ يولى

Fitrat (Transkripsiya)

Tuğardın* ésä käldi* öñdün yéli
ajun étgüka[3] açtı uştmax yolı

Karimov (1971, s. 72)

Arat 1947, s. 23



61 toğardın ese keldi öñdün yili
ajun itgüke açtı uştmah yolı

62 Туғардын эсә кэлди өңдүн йэли
Аӂун этгүкә ачты уштмаҳ йолы

*Izohlar:*

*Fitrat (1928) domla bu so‘zni **tuğardın** deb to‘g‘ri yozgan bo‘lsa-da, Arat (1947) esa Radlov (1910) ta’sirida qolib **toġardın** deb o‘qigan. Karimov (1971) Fitrat izidan borib **tuğardın** deb qabul qilgan.

**kéldi** KB Toshkent qo‘lyozmasida: bu so‘z كلدى deb yozilgan. Fitrat birinchi bo‘g‘inda (hajada) yopiq e unli tovushi uchun كېلدى (kéld) yozish o‘rniga كه لدى keldi deb keng ä bilan yozgan bo‘lishiga qoramay, keyin 0273 sonli baytda bo‘lsa **yopiq** é bilan yozgan: كېلدى **kéldi**:



“mesel kéldi ( كېلدى ) türkçe muñar meñzetür”

Shu sababdan bu baytdagi كه لدى yozilgani matbuotdagi bir imlo xatosi bo‘lishi mumkin? Karimov (1971) bu yerda yopiq é’ni to‘g‘ri yozgan..

Fıtrat doimiy ravishda *Qutadg‘u bilig‘*dagi yopiq **é** larni ko‘rsatgan bo‘lsa-da, tatar-turk olimi Arat esa, yopiq **é** larni umuman qabul qilmagani tufayli o‘zining matn nashrida yopiq **e** o‘rniga yo keng **e** [**ä**] yoki **i** unli tovushini ko‘rsatuvchi harflarni ishlatgan: **e**se (**é**sä), k**e**ldi (k**é**ldi), y**i**li (y**é**li), **i**tgüke (**é**tgükä) yozilishi kerak edi. Qadimiy va zamonaviy borcha turkiy adabiy tillarda mavjud bo‘lgan yopiq **e** tuvushini ko‘rsatmaslik albatda to‘g‘ri emas, lekin turkiyadagi olimlarning bir qismi bunu ishlatmaydi.

Bu til oldi yopiq **é** masalasida V.Radlov bilan S.E.Malov ham o‘z matn nashrlarida yopiq e [**é**] o‘rniga faqat keng **ä** harfini ishlatishgan:

V.Radlov, 1910, s. 17:

Тоҕардын öзä кäлдi öңдiн jäli,
Аџун äткÿгä ачты уџмак jолы.

S.E.Malov, 1951, s. 240:

N, 15; W, 12$_{3-6}$

Sävüg savćy ydty baγyrsaq ädi[10],
Budunda talusy,[11] kišidä kädi!

Fitrat domla esa, 1923-1932- yillar orasidagi ilmiy matn nashrlarida bu yopiq **e** ni ishlatgan. Bu ham Fitrat domlaning 1928- yildagi *Kutadg'u bilig* dan 80 ta bayt nashrining turkshunoslik jihatidan ahammiyatga ega ekanligini isbatlaydi.

**( 2 )**

Toshkent qo'lyozmasida: 9b /11



Fıtrat 1928, s. 79


ياغىز يېر يىپار تولدى كافۇر كېتب
بەزەنمەك تىلەر دۇنيا كۆركىن ئېتب

Fitrat (transkripsiya) | Arat 1947, s. 24

yağız yér yıpar toldı kafur kétib
bezänmäk tilär dunya körkin[1] étib


64 yağız yir yıpar toldı kafur kitip
bezenmek tiler dünya körkin itip

Karimov (1971, s. 72):


63 Йағыз йэр йыпар толды кафур кэтиб
Бэзәнмәк тиләр дунйа көркин этиб

*Izohlar:*

Türkshunos olim Aratning barcha yopiq **e** [**é**] lar o'rniga keng **e** [**ä**] yoki til oldi tor **i** transkripsiya harflarini ishlatishi ham *Qutadg'u bilig* matni hamda umumiy Qoraxoniylar davri turk tilining fonetikasiga to'g'ri kelmaydi. Shu sababdan Arat matnidagi bu xatoliklar aslida uning transkripsiyasini transliterasyonga, ya'ni fonemalerning tovushlarni emas, faqatgina harflarning arab alifbosidan lotin alifbosiga ko'chirilib yozilishiga aylantiradi: yir, kitip, itip sıng'ari. Arat transkripsiya matni yana bir jihatdan xatoli, u bo'lsa, **-ib** gerundiysini Turkiya turk tilida bolgani kabi **-ip** deb yozganidir: kitip, itip kabi. Fitrat (1928) va Karimov (1971) esa bularni arap alifboli transkripsiyasida to'g'ri yozganlar: **كېتب kétib**, **ئېتب étib**.

**( 3 )**

Toshkent qo'lyozmasida: 9b /12



Fıtrat 1928, s. 79

ئەرىنجىك قىشىغ سۆردى يازقى ئەسىن
يارۇق ياز يانا قوردى دەۆلەت ياسىن

Fitrat (transkripsiya) — Arat 1947, s. 24

érinçig kışığ sürdi yazqı äsin
yaruq yaz yana qurdı dävlät yasın

65 irinçig ķışıģ sürdi yazķı esin
yaruķ yaz yana ķurdı dẹvlẹt yasın

Karimov (1971, s. 72):

64 Эринчиг қышығ сүрди йазқы эсин
Йаруқ йаз йана қурды давлат йасын

*Izohlar:*

Fitratning bu birinchi misra oxiridagi **äsin** ئه سن yozgani xatoli, keng **ä** o‘rniga yopiq **e** ishlatishi kerak edi: ئېسن **ésin** (esin). Arat ham bu sözni keng **e** (**ä**) bilan yozgan: **esin** (**ä**).

**( 4 )**

Toshkent qo‘l yozmasida: 9b /13


یشوق یندی بولغای ینا اورنیکا
بالیق قوذروقیندین قوزی بورنیکا

Fitrat 1928, s. 79

ياشىق ياندى بولغاى يانا ئورنىگە
بالىق قۇذرۇقىندىن قوذى بۇرنىگە

Fitrat (transkripsiya) — Arat 1947, s. 24

yaşıq yandı bolğay yana ornığa
balıq qudruqındın quzı burnığa

66 yaşıķ yandı bolġay yana ornıñġa
balıķ ķuḏruķındın ķozı burnıñġa

Karimov (1971, s. 72):

65 Йашық йанды болғай йана орныка
Балық кудруқындын қозы бурныка

*Izohlar:*

Turkshunos olim Arat mısra oxirlaridagi **ornınga** va **burninga** so‘zlarini xatoli yozgan, bu so‘zlar Fitrat domla yozgani kabi ornıǧa (o‘rnig‘a) va burnıǧa (burnig‘a) yozilishi kerak edi. Biroq, Aratning to‘g‘ri ravishda **qozı** (qozi) yozganini negadir Fitrat domla **quzı** (quzi) deb xatoli yozgan.

Karimov (1971) **qozı** deb yozadi.

**( 5 )**

Toshkent qo‘lyozmasida: 10a /1



Fıtrat 1928, s. 79



Fitrat (transkripsiya)

qurımış yağaçlar tunandı yaşıl
bäzändi yipün al sarıǧ, kök, qızıl

Arat 1947, s. 24

67 ķurımış yıǧaçlar tonandı yaşıl
bezendi yipün al sarıǧ kök ķızıl

Karimov (1971, s. 72):

10*a* 66 Қурымыш йығачлар тонанды йашыл
Бэзэнди йапун ал сарығ көк қызыл

*Izohlar:*

Turksuhunos olim Arat **yıǧaç**, Fitrat domla esa, uni **yağaç** deb yozgan. Agar bu so‘zning talaffuzi yıǧaç bo‘lsa edi, unda *Qutadg‘u bilig‘*da bu so‘z qo‘sh “**y**” harfi bilan yozilar edi.

U yerda Fitrat domlaning **به زه ندى bäzändi** deb dastlabki bo‘g‘inda keng **ä** yozishi xatolidir, shunday yozishi kerak edi: **بيزه ندى** . Arat ham buni keng **e** (**ä**) bilan yozgan.

**( 6 )**

Toshkent qo‘lyozmasida: 10a /2



Fıtrat 1928, s. 79



Fitrat (transkripsiya)

yağız yér yaşıl torqu yüzkä badı
xıtay arqışı yaẕtı tafğaç éẕi

Arat 1947, s. 24

68 yaġız yir yaşıl torḳu yüzke badı
ḫıṭay arḳışı yaḍtı tav̇ġaç eḍi

Karimov (1971, s. 72):

67 Йағыз йэр йашыл торқу йүзкә бад̇ы
Хытай арқышы йад̇ты тав̇ғач ид̇и

*Izohlar:*

Qutadg‘u bilig dagi **a**rapça ۏ f harfini Aratning lablanmagan w (v̇) transkriptsiya harfi bilan **tawğaç** deya yozgani to‘g‘ridir, Fitrat esa, buni f harfi bilan yozgan: **tafğaç**. Fitratning ikkinchi misradagi **yaẕtı** trankriptsiyasi esa to‘g‘ridir.

Fitratning **éẕi** deya **ẕ** bilan yozganini Arat esa **ḍ** bilan eḍi (**äḍi**) yozgan. O‘sha yerda Arat yana keng **ä**’ni ishlatgan. Bu yerda ham Fitrat va Arat o‘rasida **ẕ** bilan **ḍ** transkriptsiya farqi bor. Karimov esa Arat (1947) kabi **ḍ** harfini qabul qilgan.

**( 7 )**

Toshkent qo‘lyozmasida: 10a /3



Fıtrat 1928, s. 80



Fıtrat (transkripsiya) | Arat 1947, s. 24

yazı, tağ, yér, oprı töşändi yazıb
étindi qolı, qaşı kök, al käẕib

69 yazı tağ ḳır oprı töşendi yaḍıp
itindi ḳolı ḳaşı kök al keḍip

Karimov (1971, s. 72):

68 Йазы тағ йэр обры тѳшэнди йаḍыб
Этинди қолы қашы кѳк ал кэḍиб

*Izohlar:*

Arat Toshkent qo‘lyozmasida **yér** deb oqilishi kerak bo‘lgan so‘zni, boshqa nusxalarga qarab **qır** deb yozgan, Fıtratning **étindi** deb to‘g‘ri yozgan so‘zini Arat itindi deya xatoli yozgan. Lekin Fitrat ikkinchi misra oxiridaki til oldi tor é (e) bolışı kerak sözni esa كه ذ ب **käẕib** deya til oldi keng **ä** bilan xatoli yozgan.

Bu yerda ham Fitrat va Arat o‘rasida **ẕ** bilan **ḍ** transkriptsiya farqi bor. Karimov esa Arat (1947) kabi **ḍ** harfini qabul qilgan.

**( 8 )**

Toshkent qo‘lyozmasida: 10a /4



Fıtrat 1928, s. 80



Fıtrat (transkripsiya) | Arat 1947, s. 24

tümän tü, çéçäklär yazıldı külä
yıpar toldı kafur ajun yıẕ bilä

70 tümen tü çiçekler yazıldı küle
yıpar toldı kafur ajun yıḍ bile

Karimov (1971, s. 72):

69 Тγмэн тγ чэчэклэр йазылды кγлэ
Йыпар толды кафур ажун йыḍ билэ

*Izohlar:*

Bu yerda ham Fitrat va Arat oʻrasida **ẕ** bilan **ḍ** transkriptsiya farqi bor. Karimov esa Arat (1947) kabi **ḍ** harfini qabul qilgan.

**( 9 )**

Toshkent qoʻlyozmasida: 10a /5



Fıtrat 1928, s. 80



| Fıtrat (transkripsiya) | Arat 1947, s. 24 |
|---|---|
| saba yéli qobtı qaranful yıdın<br>ajun barça bütrü yıpar burdı kin | 71 ṣạba yili ḳoptı ḳaranfịl yıḍın<br>ajun barça bütrü yıpar burdı kin |

Karimov (1971, s. 72):

70 Саба йэли қопты қаранфул йыд̣ын
Ажун барча бүтрү йыпар бурды кин

*Izohlar:*

Fitratning Markaziy Osiya turk talaffuziga koʻra “qaranful” deb oʻqiganini Arat qaranfil deya Anatoliya turk tiliga mos yozgan. Yana Arat qob- feʼlini Anatoliya turk tiliga muvafiq “p” bilan **qop-** deya va **yél** sözini da **yil** deb xatoli oʻqigan. Karimov (1971) Fıtratga oʻxshash qaranful yozsa-da, Fitrat **qob-** deb yozgan feʼlni esa, Arat (1947) kabi “p” bilan **qop-** deb qabul qilgan.

**( 10 )**

Toshkent qoʻlyozmasida: 10a /6



Fıtrat 1928, s. 80

قاز، ئوردەك، قۇغۇ، قىل، قالىقىغ بودى
قاقىلا يوقىنار يوقارى قۇذى

| Fıtrat (transkripsiya) | Arat 1947, s. 24 |
|---|---|
| Qaz, ördäk, quğu, qıl qalıqığ budı<br>qaqılayu qaynar yoqaru quẕı | 72 ḳaz ördek ḳuġu ḳıl ḳalıḳıġ tuḍı<br>ḳaḳılayu ḳaynar yoḳaru ḳoḍı |

Karimov (1971, s. 74):

71 Қаз әрдәк қуғу қыл қалықығ туды
Қақылайу қайнар йуқару қуḋы

*Izohlar:*

Fitrat birinchi satır oxiridagi so‘zni xato ila “budı” deb yozgan, chap tomonga qoyrilgan qosh nuqtaga e’tibor bermay, Arat esa, “tudı” so‘zini deya to‘g‘ri yozgan eridagi **quẕı** so‘zida Fitrat va Arat o‘rasida ham **ẕ** bilan **ḍ** va ham **u** bilan **o** transkriptsiya farqlari bor. Karimov (1971) esa, xato qilib **quḍı** yozgan **quẕı** o‘rniga (Karimov arabcha so‘zlarda ذ harfini **ḍ** bilan yozganda to‘g‘ri bo‘lsa-da, turkiy so‘zlarda Fitrat kabi **ẕ** yozishi to‘g‘riroq bo‘lardi).

**Xulosa.** Bu ma’ruzadagi asosiy maqsad olimlarning e’tiboridan chetda qolgan bu ilmiy ishga diqqatni jalb qilib, 1928- yildagi bu matnning qanday ahammiyatga ega ekanligini bildirishdir. Bir boshqa maqolamda Fitratning bu 80 baytlik tola matnini *Qutadg‘u bilig* borosidagi boshqa matn nashrlari bilan solishtirmoqchiman. Fitrat bu matnni mundan 92 yil oldin nashr qilgan edi. Shu buyuk turkshunos olimimiz 1938- yilda o‘ldirilmaganida, balki *Qutadg‘u bilig*‘ning to‘la matnini ham ishlab chiqqon bo‘lardi. Buyuk turkshunos olimimiz Abdurauf Fitratning aziz xotirasi oldida bosh egaman.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Arat, Reşir Rahmeti. *Kutadgu Bilig I: Metin*. İstanbul: Milli Eğitim Basımevi, 1947.

2. Boltaboev, Hamidulla. *Fitrat va jadidchilik*. Toshkent: O‘zbekiston Milliy Kutubxonasi Nashriyoti, 2007.

3. Fitrat, Abdurauf. *O‘zbek adabiyoti namunalari*, I. cild. Toshkent-Samarqand: O‘znashr, 1928. [Shu nom bilan O‘zbek Kirilitsa alifbosida qayta nashrini tayyorlovchi: Arzigul Hamroeva. Toshkent: Mumtoz So‘z, 2013].

4. Karimov, Qayum. *Qutadg‘u bilig (Soadatga yo‘llovchi bilim)*. Toshkent: O‘zbekiston SSR Fan Nashriyoti, 1971

5. Kocaoğlu, Timur. “Türkistanlı Bilgin Abdurrauf Fıtrat'ın Türkoloji Sahasındaki Unutulmuş Eserleri" *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleten 1982-1983*. Ankara: Türk Dil Kurumu, 1986; s. 101-112.

6. Malov, S.E. *Pamyatniki Drevnetyurkskoy Pis'mennosti, Tekst' i Issledovaniya*. Moskva-Leningrad: Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR, 1951.

7. Sodiqjon, Qosimjon. *Qutadgu Bilig'ning uygur yozuvlı Hirot nusxasi*. Toshkent: Toshkent Davlat Sharqshunoslık Instituti, 2010.

8. Radloff, W. *Das Kutatku Bilik des Jusuf Chass-Hadschib aus Bälasagun. Theil II: Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo*. [II. Lieferung: p. 95-185 der Wiener Handschrift]. St. Petersburg: Commissionaire der kaiserlichen Akademie der Wissenschten, 1910.

9. Vámbéry, H. *Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku Bilik. Uigurischer Text mit Transscription und Übersetzung nebst einem uigurisch-deutschen Wörterbuche und lithografirten Facsimile aus dem Originaltexte des Kudatku Bilik*. Innsbruck: Druck der Wagner'schen Universitäts-Buchdruckerei, 1870.


ئۇزبېكستان دەۋلەت علمی كېگەشی

ئۇزبېك ئەدەبىياتى نەمۇنەلەرى

I نچى جىلد

تۈزگەنى: فىترەت

ئۇزنەشر
تاشكەنت 1928 يل سەمەرقەند

Abdurauf Fıtrat, *Özbek ādābiyyatı nāmuālāri* [O'zbek adabiyyoti Namunalari], Toshkent-Samarqand: *Öznāshir* [O'znashr], 1928.

# R.R. ARATNING «QUTADG‘U BILIG» NASHRIDA MUKAMMALLIKNI IZLASHI

***GÜLDEN SAĞOL YÜKSEKKAYA***
*Prof. Dr., Marmara Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi*
*Türk Dili ve Edebiyatı Bölümü, İstanbul*

Yusuf Xos Hojibning Bolasog‘unda yozishni boshlab, 462 / 1069-1070 yillarda Koshg‘arda tugatgan *Qutadg‘u bilig* i, islom dinining turkiy xalqlar orasida tarqalganidan keyin yozilgan eng qadimiy asardir. Shaxsning jamiyat va davlat oldidagi vazifalarini belgilab beruvchi hayotiy falsafani o'rnatgan Yusuf Xos Hojib bu ishni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan mentalitet, bilim va fazilatlarni badiiy ifoda etadi.

Turkiy tafakkurdagi o‘zgarish jarayonini ko‘rsatadigan va mumtoz turkiy she‘riyatning barpo bo‘lishini ta’minlagan *Qutadg‘u bilig* faqat turkiy til va adabiyotninggina emas, balki turk madaniyati tarixining ham eng muhim asarlaridandir. Ammo ushbu muhim asarning muallif nusxasi bizgacha yetib kelmagan, biz nusxalarning hech biri Yusuf Xos Hojib nazorati ostida yozilmagan va uchalasi ham asar yozilgan kundan asrlar o'tib ko'chirilgan[1]. Bundan tashqari, nusxalar orasidagi farqlar shuni ko'rsatadiki, ular vaqt o'tishi bilan sezilarli o'zgarishlarga duch kelgan.

Pyer Amedey Jober 1825- yilda *Qutadg‘u bilig* ni ilmiy dunyoga tanitdi. R. R. Arat 1947 yilda *Qutadg‘u bilig* ning tanqidiy matnini tayyorladi, 1959 yilda matnni turk tiliga tarjima qildi, bularni qilish jarayonida matnga ko'plab o'zgarishlar kiritdi.

R.R. Arat o‘zi tayyorlagan tanqidiy matnning kirish qismida *Qutadg‘u bilig* ning mavjud nusxalari asar yozilgan kundan keyingi davrlarga tegishli ekanini, uchta nusxa o‘rtasida juda ko'p tafovutlar borligini va ko'p jihatdan qolgan ikkitasiga qaraganda ancha diqqat bilan yozilgan Farg'ona nusxasida ham til tarixi jihatidan yangi shakllar ko‘rilishini, nusxalardan birontasini asl nusxa sifatida qabul qilish mumkin emasligini ta‘kidlaydi. Shu sababli, u matnni aniqlashda uchta nusxadan bir xil tarzda foydalangan holda asl nusxa matni uchun mos bo‘lishi kerak bo‘lgan shakllarni tanlab olganini, nusxalar taqdim qilgan materiallar doirasida qolishi sharti bilan asl nusxaga yaqin nusxani tayyorlashga harakat qilganini bildiradi (Arat 1947: V).[2] Aratning ushbu so'zlaridan anglashiladiki,

---

[1] Nusxalari haqida batafsil ma'lumot uchun qarang: Sağol Yüksekkaya 2016 I: 52-53.

[2] Sir Gerard Clauson va Robert Dankoff nusxalar o'rtasidagi munosabatni ham baholadilar (Gürsoy Naskali 1992: 157-159; Dankoff 2015: 270). R. Dankoff, ehtimol, XIII asrda Farg'ona nusxasi va X nusxasi yaratilgan, keyin X nusxasidan ikki xil nusxa olingan, bu nusxalardan biri 1367 yilgacha ko'chirilgan Qohira nusxasi, ikkinchisi Y nusxasi va bundan 1439 yilda Hirot nusxasi ko'chirilganligini aytdi (Dankoff 2015: 270).

*Qutadg'u bilig* tanqidiy matnini tayyorlash jarayonida muallif nusxasiga erishishni maqsad qilib olgan.

Muallif nusxasi tadqiqotchilar uchun muhim boshlang'ich nuqtadir. Muallif nusxasi bo'lmagan asar ustida ishlaydigan tadqiqotchi nusxalarning shajarasini ishlab chiqishi kerak va turli imlolar, nomuvofiqliklar, nusxa ko'chiruvchining xatolari, ko'p nusxali asarlarda ketma-ketiga yanglishlar, o'zgargan til elementlari va boshqalarga duch keladi. Tanqidiy nusxaning maqsadi benuqson va mukammal nusxani yaratish emas, balki muallif nusxasiga eng yaqin nusxani ochib berishdir, [1] ammo bizda *Qutadg'u bilig* nusxalari muallif nusxasiga yetib borishga qodir emas. *Qutadg'u bilig* kabi muhim asarlarda barcha nusxalarning xususiyatlarini aniqlagandan va shu xususiyatlarni ko'rsatuvchi nashrlarni amalga oshirgandan keyingina asl shakllar haqida taxminlar qilish mumkin. Shu o'rinda filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqovga Viyana nusxani va *Qutadg'u bilig so'zligi* ni nashr etgani uchun minnatdorchilik bildirmoqchiman.

Garchi R.R. Arat nusxalar orasidagi bog'liqlikni sezsa-da, asos sifatida qabul qilinadigan nusxani aniqlash paytida barcha nusxalarga teng masofadan qarashni afzal ko'radi. Eng qadimgi nusxasi, ehtimol, XIII asrning oxiri, XIV asr boshiga tegishli bo'lsa-da, muallif nusxasiga erishish uchun matnni taxminlar bilan tuzatishga va XI asrga olib borishga harakat qiladi. Biroq, tanqidiy nusxaning maqsadi benuqson va mukammal nusxani yaratish, boshqacha qilib aytganda, tanqidchining nusxasini yaratish emas, balki muallif nusxasiga eng yaqin nusxani ochib berishdir. Ammo *Qutadg'u bilig* ning nusxalari muallifning nusxasiga yetib borishga imkon beradigan darajada emasligi sababli, faqat XIII-XIV asrlardagi namunaviy matni ilgari surilishi mumkin edi.

Albatta, R.R. Aratning tanqidiy matnida ko'p sonli to'g'ri tanlovlar bor, ammo qoraxoniylar davri turkiy til haqidagi ma'lumotlar asosan *Qutadg'u bilig* ga asoslanganligini hisobga olsak, nusxalarda Arat afzal ko'rgan xususiyatlar soha tadqiqotlariga ham katta ta'sir ko'rsatishi shubhasizdir[2]. Tanqidiy matnda A. Ateş, G. Clauson, R. Dankoff, S. Tezcan, G. Doerfer, T. Tekin, M. Erdal, İ. Taş, E. Uçar, G. Sağol Yüksekkaya va boshqa tadqiqotchilar tomonidan Aratning o'qishi va afzalliklari to'g'risida yangi takliflar berildi[3].

Ushbu tadqiqotda R.R. Arat *Qutadg'u bilig* ning tanqidiy matnini tuzayotganda muallif nusxasiga erishish uchun nusxaning shajarasiga rioya qilmay,

---

[1] Tanqidiy nashr etish tamoyillari uchun qarang: Ateş 1940-42, Tulum 1983, Kortantamer 1993, Tulum 2000, Özçelik 2017, Maas 2011, va b.

[2] Tanqidiy matnining kirish qismida R.R. Arat boshqa filologlarga nisbatan fanning yangi sohasi bo'lgan turkologiya sohasida ba'zi tadqiqotlar olib borilgan bo'lsa-da, ushbu tadqiqotlar natijalarini o'z ichiga olgan qo'llanmalar hali yaratilmaganligini va ushbu sohalar bilan bog'liq bo'lgan turkologiyaning o'z sohalari va fanlari o'rtasida yaqin hamkorlik o'rnatilmaganligini, va boshqalar ta'kidlaydi (Arat 1947: VII-VIII). Aratning ushbu so'zlarini tanqid qilish uchun qarang: Ateş 1949.

[3] Tanqidiy matnida R.R. Aratning o'qishlari va afzalliklari asosida yangi takliflar uchun qarang: Ateş 1949, Nadelyaev 1969, Clauson 1972, Dankoff 2015, Tezcan 1981 ve 2011, Doerfer 1983, Tekin 1988, Erdal 2011, Taş 2009, Uçar 2012, Sağol Yüksekkaya 2016a, 2016b, 2019, 2020, vb.

nusxalarning xususiyatlariga e’tibor bermay, matnning asl nusxadan kelib chiqish chizig‘ini subyektiv andozalar bilan topishga harakat qilib, qoraxoniylar davri turkiy til qanday bo‘lishi kerakligi haqidagi fikrlari asosida qarorlar qabul qilganligi yoki nusxalarda mavjud bo‘lmagan shakllarni yaratgan, hattoki o‘sha davrning so‘z boyligini o‘z ichiga olgan *Devonu lug’ati-t-turk* dagi shakllarni hisobga olmagani borasida misollar keltiriladi:

**1.** 922- bayt:

R.R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*kim edgüg yirer erse isiz bolup / tiler men ay edgü sini men kolup* (Arat 1947).

“Ey iyi, kötü seni istediği kadar hakir görsün, ben seni isteyerek ararım” (Ey yaxshi, yomon seni istagancha xo'rlasin, men seni istab izlayman) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot 37: *kim edgü birer erse esiz bolup / tiler men ay edgü seni men kolup*



Farg’ona 77: *kim edgü kılur bolsa ésiz bolup / tiler men ay edgü anı men kolup*



Qohira –

Ma'lum bo'lishicha, Arat bu baytni umuman Hirot nusxasiga ko'ra joylashtirgan, ammo Hirot nusxasidagi *edgü* ni *edgüg* ga, *birer* ni *yirer* ga, *seni* ni *sini* ga o'zgartirgan. Aratning bunday o‘zgarishi sahifa ostida havolalarning ko‘payishiga sabab bo'ldi. Boshqacha qilib aytganda, Aratning tanqidiy matnidagi ba’zi havolalar Aratning afzalliklari tufayli shakllangan.

Bayt Farg’ona nusxasi bo'yicha shakllantirilgan va shunga muvofiq tarjima qilingan bo‘lishi kerak:

*kim edgü kılur bolsa ésiz bolup / tiler men ay edgü anı men kolup*

“Ey iyi, kim kötü olduğu hâlde iyilik yaparsa ben onu tercih ederim” (Ey yaxshi, kim yomon bo‘la turib yaxshilik qilsa, men uni afzal ko‘raman).

**2.** 3223- bayt:

R. R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*bilig birle yakgıl bayat tapgınga / bilig tamga bolur tamu kapgınga* (Arat 1947)

“Tanrı ibâdetine bilgi ile yaklaş; bilgi cehennem kapısını mühürler” (Tangri ibodatiga bilim bilan yondosh; bilim do‘zax eshigini muhrlaydi) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot –

Farg’ona 237: *bilig birle ögren bayat tapgınga / bilig tamga bolur kamug kapgınga*



Qohira 186: *bilig birle yakkıl bayat tapgınga / bilig tamga boldı tamug kapgınga*



*Tamu* so‘zining *tamug* shakli keyinroq paydo bo‘ldi, ammo bizda *Qutadg‘u bilig* nusxalarining ko‘chirilish sanalarini hisobga olsak, so‘zning ushbu shaklini topish odatiy holdir.

Aratning baytni Qohira nusxasiga binoan tuzishi, *tamug* ni olishi va so‘zni *tamu* ga aylantirishga urinishi keraksiz aralashuvdir. Baytning Farg‘ona nusxasiga muvofiq shakllantirilishi va Farg‘ona nusxasidagi *kamug* ga ustunlik berilishi kerak. Bundan tashqari, Aratning birinchi misrada yana Qohira nusxasida afzal ko‘rip *yakgıl* o‘qigan so‘z, Qohira nusxasida *yakkıl* shaklidadir. Mahmud Koshg‘ariy bu qo‘shimchaning faqat oxiri *g‘ayn* bilan tugagan so‘zlarda *qof* va *lam* bilan bo‘lishini aytgan bo‘lsa-da (Kosh. 288), ammo *Devonu lug‘ati-t-turk* da *bakkıl, yakkıl* kabi misollar mavjuddir.

Bundan tashqari, Farg‘ona nusxasida *ögren* so‘zi ham kontekstga mos keladi. Agar Arat baytni Farg‘ona nusxasiga muvofiq tashkil qilgan bo‘lsa edi bunday aralashuvga ehtiyoj qolmas edi.

Bayt Farg‘ona nusxasiga binoan tuzilishi va shunga muvofiq tarjima qilinishi kerak:

*bilig birle ögren bayat tapgınga / bilig tamga bolur kamug kapgınga*

“Tanrı’ya ibadet etmeye bilgi ile alış. Bütün kapı(lar)ına bilgi damga olur” (Tangriga ibodat qilishga bilim bilan odatlan. Bilim sening barcha eshik(lar)ingga muhr bo‘ladi.)

Xuddi shunday holat 6307- baytda ham mavjud.

**3.** 1312- bayt:

R. R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*tilingni küḏezgil közüngni küḏez / boguzung küḏezgil halal yigil az* (Arat 1947)

“Dilini ve gözünü gözet, boğazına dikkat et; az ye, fakat helâl ye” (Tilingni ve ko‘zingni saqla, tomog‘ingga e‘tiborli bo‘l; oz ye, lekin halol ye) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot 54: *tilingni küḏezgil közüngni küḏez / boguznı küḏezgil halal yegil*[1] *az*



[1] Tuzatilgan, *yegil* yoki *yegin* o'qish mumkin.

Farg‘ona 106: *tilingni küḏezgil közüngni küḏez / boguznı küḏezgil halal yégil az*



Qohira 60: *tilingni küḏezgil közüngni küdez / boguzung küdezgil halal yégil az*



Arat Qohira nusxasi asosida *boguzung* o‘qigan so‘z, Hirot va Farg‘ona nusxalarida *boguznı* shaklidadir. *boguznı* degan so‘z, Qohira nusxasida ehtimol nusxa ko‘chiruvchi (kotib) tomonidan *boguzung* deb tuzatilgan. Tanqidiy matnning maqsadi mukammal nusxani yaratish emas, balki muallif nusxasiga erishishdir. Bu holatda Arat tomonidan ushbu bayt ikki nusxada so‘z *boguznı* shaklida yozilgani nazarda tutılgan holda tanqidiy matnga yozilishi kerak edi. Aratning havolada esa ikki nusxada ham *boguznı* yozilganiga ko‘ra Qohira nusxasida bu so‘z ehtimol kotib tomonidan tuzatilgani, ammo aslida yozilishi kerak bo‘lgan shakl *boguzung* bo‘lishini qayd etishi lozim edi.

Bayt quyidagicha shakllantirilishi kerak:

*tilingni küḏezgil közüngni küḏez / boguznı küḏezgil halal yégil az*

“Dilini, gözünü ve boğaz(ın)ı gözet, az ama helal ye” (Tilingni, ko‘zingni va tomog‘ (ing)ni nazorat ostida saqla, oz, lekin halol ye).

**4.** 656- bayt:

R.R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*Baka tursa artuk anın korku tur / Kalı korkmasa sen küçün korkıtur* (Arat 1947)[1].

“Sana fazla bakarsa, onun bakışından kork; eğer korkmazsan, o seni korkmağa mecbur eder” (Agar u senga juda ko‘p qarasa, uning qarashlaridan qo‘rq; agar qo‘rqmasang, u seni qo‘rqishga majbur qiladi) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot 33: *Baka berse artuk anın korkudur / Kalı korkmasa sen küçün korkıtur*



Farg’ona 57: *Baka tursa artuk anı korkıtur / Kalı korkmasa sen küçün korkıtur*



[1] Ushbu bayt tarjimada xato bilan raqamlanmagan (Arat 1959: 58).

Qohira 25: *Baka tursa artuk anın korkutur / Kalı korkmasa sen küçün korkıtur*



Baytni tahrirlash paytida Arat nusxalardagi topilgan *korkıtur/korkutur* so‘zlarini kiritmagan, ularni havolaga bergan va nusxalarda yo‘q bo‘lgan *korku tur* ni matnga qo‘yib, shunga muvofiq tarjima qilgan. Holbuki, *korku tur* o‘rniga *korkıtur/korkutur* kontekstga ko‘proq mos keladi.

Ushbu bayt nusxalardagi so‘zlar bilan tuzilishi va shunga muvofiq tarjima qilinishi kerak:

*baka tursa artuk anın korkıtur / kalı korkmasa sen küçün korkıtur*

“Fazla bakarak (bakarsa) onunla korkutur, eğer korkmazsan zorla korkutur (korkmaya mecbur eder)” (Ortiqcha qarab (qarasa), bu bilan qo‘rqitadi, agar qo‘rqmasang, zo‘rlik bilan qo‘rqitadi (qo‘rqishga majbur qiladi)).

**5.** 735- bayt:

R.R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*mening bu özüm me bu yanglıg turur / ara bar bolur ma ara yok bolur* (Arat 1947).

“Benim de tabiatım bunun gibidir; bazan var, bazan da yok olurum” (Mening ham tabiatim shunday; goh bor, goh g‘oyib bo‘laman) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot 40: *Mening bu özüm me bu yanglıg turur / Ara bar bolur men ara yok bolur*



Farg‘ona 63: *Meniñ (?) bu özüm me bu yanglıg turur / Ara bar bolur men ara yok bolur*



Qohira 30: *Mening bu özüm me bu yanglıg turur / Ara bar bolur men ara yok bolur*



Uch nusxada ham *men* mavjud bo‘lsa-da va ushbu format kontekst uchun mos bo‘lsa ham, Arat nusxalardagi shaklni havolaga yozib, *ma* ni matnga kiritdi.
Bayt aralashuvga ehtiyoj sezmasdan quyidagicha tuzilishi va shunga muvofiq tarjima qilinishi kerak:

*mening bu özüm me bu yanglıg turur / ara bar bolur men ara yok bolur*

“Benim de tabiatım bunun gibidir; bazen var, bazen yok olurum” (Mening ham tabiatim shunday; goh men bor, goh g'oyib bo'laman).

***6.*** 752- bayt:

R.R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*tiler erdim emdi sini teg kişi / bayat birdi arzu ay erde başı* (Arat 1947)

“Ben de şimdi senin gibi bir insan arıyordum; ey insanların ileri geleni, Tanrı dilediğimi verdi” (Men endi senga o‘xshagan odamni izlayotgan edim; ey odamlar boshi, Tangri men xohlagan narsani berdi) (Arat 1959).

Bayt nusxalarda quyidagicha:

Hirot 40: *Tiler erdim emdi sening teg kişi / Bayat berdi arzu ay erde başı*



Farg‘ona 64: *Tiler erdim emdi séni teg kişi / Bayat bérdi emdi ay erde başı*



Qohira 31: *Tiler érdi emdi séni teg kişi / Bayat bérdi emdi ay érde başı*



Birinchi misrani Farg‘ona nusxasiga ko‘ra tuzgan Arat, ikkinchi misrada Hirot nusxasini afzal ko‘rgan va ikki nusxada, garchi *emdi* yozilgan bo‘lsa ham, Hirot nusxasidagi *arzu* ni matnga kiritgan[1].

Bayt shunday shakllantirilishi va tarjima qilinishi kerak:

*tiler erdim emdi séni teg kişi / bayat bérdi emdi ay erde başı*

“Ey insanların ileri geleni! Ben şimdi senin gibi bir insan arıyordum, Tanrı şimdi (dilediğimi) verdi” (Ey odamlar boshi, endi senga o‘xshagan odamni izlayotgan edim, Tangri hozir (istaganimni) berdi).

**7.** R.R. Arat nashrida 905 va 906- bayt sifatida ko‘rsatilgan to‘rtlik:

R.R. Arat ushbu to‘rtlikni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*agış teg bu eḍgü agumaz kişi / tegip tegme yalnguk kılumaz işi*

*agır neng kamugı agır kılguka / kılumaz bu işni biligsiz buşı* (Arat 1947)

“İyi – yokuşa çıkmak gibidir, her kes yükselemez; uğraşmakla değme insan bu işi yapamaz. Değerli olan her şeyin yapılması güçtür; bilgisiz ve değersiz kimse bu işi yapamaz” (Yaxshi, bu tepalikka ko‘tarilishga o‘xshaydi, hamma ham ko‘tarila olmaydi; har bir inson harakat qilsa ham bu ishni bajara olmaydi. Qimmat bo‘lgan hamma narsani qilish qiyin; bilimsiz va qadrsiz odam bu ishni qila olmaydi) (Arat 1959).

To‘rtlik nusxalarda quyidagicha:

[1] Ikkinchi misrada Hirot nusxasidagi *arzu* so'zi o'rniga Farg’ona va Qohira nusxalarida *emdi* so'zi yozilganligi havolada ko'rsatilmagan.

Hirot 36[1]: *agış teg bu edgü agumas[2] kişi / tegip tegme yangluk kılumaz işi*
Hirot 37: *agır neng kamugı agır kılguka / kılumaz bu işni biligsiz buşı*



Farg'ona 76: *agış teg bu edgü agulmaz kişi / tegip tegme yangluk kılumaz işi*
*agır teg kamugı agır kılguka / kılumaz bu işni biligsiz kişi*



Qohira –

Birinchi misrada R.R. Arat *agumaz* deb o'qigan shakl, Hirot nusxasida *agumas* va Farg'ona nusxasida *agulmaz* dir.

Ikkinchi misrada Arat *yalnguk* o'qigan shakl ikkala nusxada *yangluk* dir. "Inson" ma'nosini anglatuvchi so'z aslida *yalnguk* bo'lsa ham, *yangluk* shakli metatezga misol sifatida qabul qilinishi va so'z nusxalardagi formatga muvofiq o'qilishi kerak[3]. Nusxalarda "inson" ma'nosida *yangluk* shaklida yozilgan so'z har doim Arat tomonidan havolaga olingani va tanqidiy matnga *yalnguk* shaklida kiritilgani sababli, "inson" ma'nosidagi *yangluk* so'zi asar indeksiga qo'shilmagan.

To'rtinchi misrada Hirot nusxasi asosida Arat afzal ko'rgan *buşı* so'zi o'rnida Farg'ona nusxasida *kişi* bor. Bundan tashqari, Arat "yomon", "jangovar, g'azablangan" degan ma'noni anglatuvchi *buşı* so'ziga "befoyda" ma'nosini bergan. Holbuki, Farg'ona nusxasidagi *kişi* so'zi to'rtlikning ma'nosiga mos keladi va Aratning o'zi ham tarjimani *kişi* so'ziga mos ravishda amalga oshirgan.

To'rtlikning quyidagicha shakllantirilishi va shunga muvofiq tarjima qilinishi kerak:

*agış teg bu edgü agumas kişi / tegip tegme yangluk kılumaz işi*
*agır teg kamugı agır kılguka / kılumaz bu işni biligsiz kişi*

"İyi, yokuş(çıkmak) gibidir, herkes çık(a)maz; herkes ulaşmayı beceremez. Değerli olan her şeyin yapılması zordur, bilgisiz kişi bu işi yapamaz" (Yaxshi, bu tepalikka ko'tarilishga o'xshaydi, hamma ham ko'tarila olmaydi; har kim ham unga

---

[1] R.R. Arat nashrida ushbu ikki satr Hirot nusxasining 37-bet 31-satrida joylashganligi yozilgan, ammo qo'lyozmada ushbu satrlar 36-sahifaning 31-satrida joylashgan.
[2] R.R. Arat *agumış* o'qiydi va uning *agumas* shaklida ham bo'lishi mumkinligini aytdi, ammo qo'lyozmada *agumas* yozadi.
[3] Qarang: Anonim Orta Asya Tefsiri *yañlık ~ yañluk* "insan" (Borovkov 2002: 309-310).

erisha olmaydi. Qimmatli hamma narsani qilish qiyin, bilimsiz kishi bu ishni bajara olmaydi).

**8.** 6307- bayt:

R.R. Arat ushbu baytni shunday tartibga solgan va tarjima qilgan:

*bu kad̲gu üçün birsü tengri muyan / bayattın sewinç bul tamudın aman* (Arat 1947).

“Tanrı sana bu felâketin ecrini versin. Tanrı senden râzı olsun ve cehennemden korusun” (Tangri senga bu falokatning ajrini bersin. Tangri sendan rozi bo‘lsın va do‘zaxdan asrasin) (Arat 1959).

Hirot va Farg‘ona nusxalarida bo‘lmagan ushbu bayt Qohira nusxasida quyidagicha:

Hirot Farg‘ona –

Qohira 375: *bu kad̲gu içün bérsü tengri muyan / bayatdın sewinç bul tamugdın aman*



Ushbu bayt faqat Qohira nusxasida mavjud. Bunday holda, u havolada yozilishi va matnga kiritilmasligi kerak. Biroq, Arat mavjud bo‘lgan barcha uchta nusxaga teng masofadan yaqinlashgani uchun, u faqat Hirot nusxasida yoki Qohira nusxasida topilgan baytlarni kiritgan. Bunday holatda, R.R. Arat Qohira nusxasida *tamu*ning nisbatan yangi shakli *tamug*ga duch kelganida, u so‘zni vaznni ham nuqsonli qilgan *tamu* ga almashtirish o‘rniga, havolada so‘zning XI asrda kutilgan shaklining *tamug* emasligini tushuntirishi yetarlidir.

Bundan tashqari, R.R. Arat nusxadagi *bayatdın* shaklini *bayattın* shakliga aylantirdi. Boshqacha qilib aytganda, u qo‘shimchaning shaklini havolada ko‘rsatishni va undosh tovushlar uyg‘unligiga mos bo‘lgan *+tın* ni esa matnda yozishni afzal ko‘rgan. Aratning ushbu tanlovlari shuni ko'rsatadiki, u muallif nusxasini emas, balki mukammal nusxani yaratishni maqsad qilgan[1].

Bayt hech qanday o‘zgarishsiz Qohira nusxasi bo‘yicha yozilishi kerak:

*bu kad̲gu içün bérsü tengri muyan / bayatdın sewinç bul tamugdın aman*

*Yana čïqtï oγlan, ayïttï sözin, / Qayun kelmišin ham tiläkin, özin.* – «Ўғлон яна чиқди, сўзини [яъни, маълумот, хабарларини] сўради, / Қаердан келганини ҳамда мақсадини, ўзини (сўради)» (QBN.214a,2).

(12) «асар; китоб»: *Tügäl on sekiz ayda aydïm bu söz.* – «Бу сўзни тугал ўн саккиз ойда айтиб тугатдим [яъни, бу асарни / китобни ўн саккиз ойда тугал ёзиб тугатдим]» (QBQ.10b,10).

(13) сўзнинг муқаддас ва илоҳийлиги англашилади: Юсуф Хос Ҳожиб «Сўз қўнғир ерга яшил кўкдан инди» (*Yašïl kökdin indi yaγïz yerkä söz*) деб ёзади (QBN.14b,15).

Бунинг билан олим икки нарсага: (1) сўзнинг улуғлиги, илоҳийлиги; (2) Қуръони карим оятлари, уларнинг кўкдан инганига (нозил бўлганига) ишора қилмоқда.

«Қутадғу билиг»да *söz* атамаси сўз бирикмалари шаклида ҳам ишлатилган. Масалан:

***awučqa sözi*** – «қария сўзи», яъни «мақол»ни англатади:

*Nekü ter ešitkil awučqa sözi, / Awučqa sözi-ol yigitlär közi.* – «Қария сўзини эшитгин, нима дейди, / Қария сўзи йигитлар кўзидир» (QBN.111a,6).

***qumaru söz*** дейди, бу бирикма «панд-насиҳат; оталар сўзи»ни англатади:

*Kišidin kišikä qumaru söz-ol, / Qumaru sözi tutsa, asγï yüz-ol.* – «Кишидан кишига (қоладиган) мерос сўздир, / Мерос сўзни [яъни, оталар сўзини] тутса, фойдаси юздир» (QBN.14a,8).

***kečki söz*** шаклида келиб, «таъбир; мақол; матал» маъноларини билдиради. Бирикма таркибидаги *kečki* сифатлари *söz* нинг қадимийлигига ишора қилади:

*Eδi kečki söz-ol, masalda kelir: / «Ata ornï, atï oγulqa qalïr».* – «Масалда келадиган жуда эски таъбир бор: «Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади» (QBN.11a,12).

Юсуф Хос Ҳожиб «адаб; адаб илми; сўз илми», яъни ҳозирги тушунчамиздаги «адабиёт»ни ***söz bilig*** деб атаган. Мана, ўша байт:

*Muŋar meŋzätü sözlamiš söz bilig, / Bu söz iškä tutγïl, ey qïlqï silig*. – «Сўз илмида [яъни, адаб илмида] бунга мослаб сўз айтилган, / Бу сўзга амал қилгин, эй хулқи мулойим» (QBN.152b,11).

Қадимги туркий тилда *bilig* – «билим» дегани. Бу атама билим соҳаларини англатади. Масалан, буддизм таълимотида саккиз хил билимнинг номи ана шу сўз билан ясалган: *köz bilig* – «кўз билим», яъни кўз билан кўриб билиш; билимнинг бошланғич кўриниши; элементар билим; *til bilig* – «тил билими»; *tuymaq bilig* – «туймоқ билими», яъни туйиб билиш; билимнинг энг юқори босқичи; *bilgä bilig* – «донолик; донишмандлик», шунингдек, «чин билим; олий ҳақиқат билими» сингари маъноларга эга (*қаранг:* ДТС,99–100).

Энди Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган *söz bilig* атамасининг ясалишига эътибор қилинг-а: русчадаги *литература* сўзи *литера,* яъни «ёзув, матн»га боғланади; арабчадан ўзлашган *адабиёт – adab* сўзидан олинган; эски туркий тилдаги *söz bilig* – «сўз билими»; чин маъноси билан «адабиёт; сўз санъати»ни англатади. Бундан-да аниқ ва теран тушунчага эга атама борми?

***ič söz*** – «яширин сўз; сир-асрор» дегани: *Bitigčikä ayγu keräk ič sözin. –* «(Бег) ич сўзларини [яъни, сирларини] котибга айтса бўлади» (QBN.100b,3).

Бу сўздан бошқа сўзлар ҳам ясалган:

***sözči*** – бу «сўзчи, вакил» дегани: *Qatïγ arzuladï seni körgükä, / Meni sözči ïdtï oqïp eltgükä*. – «Сени кўришни қаттиқ орзулади, / Чақириб, олиб боришга мени вакил қилиб юборди» (QBQ.149a,14).

***sözlä-*** – асарда икки хил маънода ишлатилган:

(1) «сўзла-, гапир-»: *Öküš sözläsä, yaŋšadï ter tilig.* – «Ортиқча сўзласа, тилни эзма(ланди) дейилади» (QBN.13b,7).

(2) «иғво қил-»: *Boδun tili yawlaq, seni sözlägäy.* – «Халқнинг тили ёмон, сени иғво қилади [*сўзма-сўз.* сўзлайди]» (QBN.13a,14).

***sözlämäk*** – сўзнинг масдар шакли, «сўзламак»: *Sözlämäktü yegräk azy šük turmaqtu?* – «Сўзламак яхшироқми ёки жим турмоқ?» (QBQ.5a,6).

Эски туркий тилда нутқ жараёни билан боғлиқ ***aγïz*** сўзи ҳам бор. «Қутадғу билиг»да бу сўз икки маънода ишлатилган:

(1) «оғиз»: *Küyär ot-teg-ol bu keräksiz sözüŋ, / Aγïzdïn čïqarmaγu, küygäy özüŋ*. – «Кераксиз сўзинг куяр ўт сингаридир, / (Уни) оғиздан чиқариш керак эмас, жонинг куяди» (QBN.100b,15).

(2) «нутқ; сўз, гап» англамида ҳам ишлатилади: *Uδïsa bu yalŋuq tüšär-ök, bu tüš / Yora bilsä, terkin kelir aγzï tüš*. – «Бу инсон ухласа, туш кўради, бу тушни / Таъбир қила билса, албатта гапи тўғри келади» (QBN.158a,6).

Бундан ***ayïz ač-*** , яъни «оғиз оч-» феъли ҳам ясалади: *Köŋüldä nekü ersä arzu-tiläk, / Ayïz ačsa barča tilin sözdä-ol.* – Кўнгилда нима орзу-тилак бўлса, / Оғиз очса, барчаси нутққа чиқади» (QBQ.150a,7).

Ёки ***ayïz tut-*** дейди, бу «оғиз жуфтла-, сўзла-» деганидир: *Boyun ber qaḑāqa, köni tut ayïz.* – «Қазога бўйин бер, тўғри тут оғиз [яъни, тўғри сўзла]» (QBN.58a,6).

Тил тарихида шундай сўзлар борки, улар маъносига қараб, сўзлашув жараёнини ёки ёзма нутқ жараёнини англатиб туради. Бу нарса феъллар семантикасида яхши кўринади. Масалан, *sözlä-, ay-, te-, tïŋla-, ešit-* сингари феъллар маъносига кўра сўзлашув жараёнини, *biti-, yaz-, oqï-* сингари феъллар эса ёзма нутқ жараёнини англатади. Булардан *sözlä-, ay-, te-* бевосита тингловчига қарата «сўз ёки гапни сўзлашга, айтишга, дейишга буйруқ»дир; *tïŋla-, ešit-* эса тингловчига қарата «сўз ёки гапни эшитишга, тинглашга буйруқ». Шунинг учун ҳам бу тушунчаларнинг келиб чиқишини анча эски, ҳатто ёзув пайдо бўлмасдан бурунги, кишилар ўртасида ўзаро фикр билдириш жараёни шаклланган даврларга боғлаш ҳам мумкин.

Энди, кейинги туркум сўзлар семантикасида бошқа бир ҳолат кузатилади: *biti-, yaz-* сўзлари тингловчига қарата айнан «ҳарф, сўз ёки йирикроқ матнни битишга, ёзишга буйруқ», *oqï-* эса, бошқа нарсани эмас, айнан «битилган, ёзилган ҳарф, сўз ёки йирикроқ матнни ўқишга буйруқ»дир. Агар бирор сурат ёки чизма тўғрисида сўз кетганда эди, *oqï-* эмас, *kör-, qara-, baq-* дейилган бўларди. Шунинг учун ҳам *biti-, yaz-, oqï-* тушунчаларининг генезиси фақат ёзув жараёни, матн битиш анъаналари, унинг келиб чиқиши билан боғлиқдир. Хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdï,* адресат кўзда тутилганда *oqïdï* дейилади. Жамият орасида ёзув ўйлаб топилганидан кейингина бу тушунчалар ҳам шаклланган.

Ўрнакларнинг маъносига эътибор қилинг: *Qalam aldï, elgin bitidi bitig.* – «Қалам олди, (ўз) қўли билан мактуб ёзди» (QBN.142a,1); *Oqïdïm bitigni, uquldï bu söz.* – «Мактубни ўқидим, бу сўз(лар) уқилди» (QBN.142b,2).

Юсуф Хос Ҳожиб ёзув ва унинг тарихий аҳамияти тўғрисида сўз юрита туриб шундай дейди: *Bitip qoδmasa erdi bilgä bögü, / Biziŋkä uzaqïy kim erdi tegü.* – «Билимдон, доно ёзиб қолдирмаганида, / Бизга узоқ ўтмишни ким айтиб берарди» (QBN.101a,12). Адибнинг бу айтганларидан ёзув тарихи, матн битиш анъаналари, қолаверса, ёзма адабий тил жуда узоқ даврларга илдиз отганини англаса бўлади.

***biti-*** феъли бевосита ёзув ёки матн билан боғлиқ тушунча; хатни, ҳужжатни ёки китобни «ёзгин» дегани. Айни туришида тингловчига буйруқ. Агар *bitidi* бўлса, ўзга кимсанинг хатни, ҳужжатни ёки китобни ёзганлиги тўғрисидаги хабар англашилади.

***yaz-*** сўзи тарихан «ёймоқ»қа, яъни «бирор нарсани ер узра ёймоқ, тўшамоқ» маъносига боғланади, унинг келиб чиқишини ёзувдан аввалги даврларга боғлаш ҳам мумкин. Лекин унинг ёзув билан боғлиқ «матнни

ёзмоқ, битмак» семаси кейинчалик, ёзув амалиёти шакллангандан сўнг «матнни, киши фикрини қоғоз бетига ёймоқ, баён қилмоқ» маъносида келиб чиққан ва у *biti-* сўзига синоним сифатида ишлатила бошлаган.

Шуларга тескари вазифада оғзаки нутқни англатувчи сўзлар тизими ҳам амал қилади.

Эски туркий тилда ***ay-*** бор, ***ayït-*** бор – улар бошқа-бошқа сўз, лекин иккови оғзаки нутққа тегишли: *ay-* – «айт- дегани: *Elig aydï: Ayγïl bu berkiŋ qayu?* – «Элиг айтди: Айтгин, сени қаттиқ тутишнинг йўли қандай? (QBN.31b,3).

*ayït-* «Қутадғу билиг»да икки маънода ишлатилган:

(1) «сўра-»: *Oqïdï elig bir kün Ögdülmišig, / Ayïttï bodun ḥālï, el-kün išig*. – «Элиг бир кун Ўгдулмишни (ёнига) чақирди, / Халқ аҳволи, эл-юрт иши ҳақида сўради» (QBQ.103b,12).

(2) «суриштир-»: *Ew almaq tiläsäŋ, ayït qošnïsïn, / Yer almaq tiläsäŋ, ayïtγïl suwïn*. – «Уй олмоқ истасанг, сўра [яъни, суриштир] қўшнисин, / Ер олмоқ истасанг, сўрагин [суриштир] сувин» (QBN.164b,15).

«сўров» маъносидаги *aytïγ* сўзи ҳам шу феълдан ясалган: *Tatïγ aytïγï bar yarïnlïq qatïγ*. – «Тотлининг эртанги қаттиқ сўрови (ҳам) бор» (QBN.220a,6).

Бадиий матнларда *tïŋla-, ešit-* сўзлари билан бир қаторда, айни маънода *qulaq tut-* фразеологизми ҳам ишлатилади:

*Kisi alγu ersäŋ, qulaq tut meŋä.* – «Хотин олмоқчи бўлсанг, менга қулоқ тут» (QBN.162b,12).

Ёки «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган ўрнакларга чоғиштириб кўринг:

*Yana bir keräklig sözüm bar, seŋä / Ayayïn men anï, qulaq tut meŋä.* – «Яна бир керакли сўзим бор, сенга / Айтайин мен уни, қулоқ тут менга» (Югнакий 2019,133- байт).

Ушбу байтдаги *seŋä ayayïn* («сенга айтай»), *qulaq tut meŋä* («менга қулоқ тут») бирикмалари сўзлашув жараёнига хос. Уларнинг иккаласи биргаликда диологик нутқ жараёнини («сўзламоқ» ↔ «тингламоқ») англатади.

Бошқа бир мисол:

*Aya mendä kedin keligli, munï / Oqïsaŋ, du'āda unïtma meni.* – «Эй, мендан кейин келгучи, буни / Ўқисанг, дуода мени унутма» (Югнакий 2019,242- байт).

Ушбу байтдаги *mendä kedin keligli* («мендан кейин келгучи») ҳамда *munï oqïsaŋ* («буни ўқисанг») бирикмалари мазмунан ёзма нутққа хос. Улар асар муаллифининг келажак авлодга мурожаати бўлиб, ёзиб қолдирилган панд-насиҳатларни ўқишига ишорадир.

Тилда, кўпинча, муайян тушунчанинг келиб чиқиши унга зид бўлган иккинчи бир тушунчани ҳам тақазо этади. Сўз эски бўлиши мумкин, лекин янги маънолари кейинчалик ҳам шаклланади. Масалан, қадимги туркий тилда *ayïz til* дейилганда «нутқ» англанган. Бунга зид равишда, «ёзма тил»ни эса *bitig söz* дейилган.

Биринчи атамадаги *ayïz* ва *til* сўзларининг илдизи жуда эски, лекин «нутқ» маъносидаги қўшма сўз шакли айнан ёзув пайдо бўлгандан кейин, уни «ёзма тил» (*bitig söz*)дан фарқлаш учун келиб чиққан дейиш мумкин.

Шунинг сингари, иккинчи атама таркибидаги *söz* ҳам эски. Лекин ёзув пайдо бўлгандан кейин, «ёзма тил»ни «нутқ»дан фарқлаш учун *bitig söz* дейилган.

**Ёзма манбалар:**

*QBH* – «Қутадғу билиг»нинг Вена (Ҳирот) нусхаси: *Радлов В.В.* Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. – СПб., 1890; *Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015;

*QBN* – «Қутадғу билиг»нинг Наманган (Фарғона) нусхаси: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1809- кўрсаткичли қўлёзма; *Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tıpkıbasım). –Ankara, 2015;

*QBQ* – «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхаси: *Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015.

*ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

*ДТС* – Древнетюркский словарь. – Л., 1969.

*Югнакий 2019 – Адиб Аҳмад Югнакий.* Ҳибату-л-ҳақойиқ. Қосимжон Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. – Тошкент, 2019.

## KUTADGU BİLİG‘DE EŞ ANLAMLI FİİLLER

***AYNUR ÖZ ÖZCAN***

*Prof.Dr. Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi, Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü Öğretim üyesi*

***Özet.*** *İslami eserlerimizden olan Kutadgu Bilig, Türk kültür tarihi açısından olduğu kadar Türk dilinin söz varlığı bakımından da oldukça önemli bir eserdir. Kutadgu Bilig‘in söz varlığının her açıdan ayrıntılı bir biçimde ele alınması, birçok bilim dalı için çok değerli malzeme içeren bu dil yadigarının değerinin tespitinde oldukça önemlidir.*

*Bir dilin söz varlığında eş anlamlı yapıların önemli bir değere sahip olduğu bilinmektedir., Kutadgu Bilig‘deki eş anlamlı sözcüklerin incelenmesi, Karahanlı Türkçesinin söz varlığının değerlendirilmesi için olduğu kadar Türk dil tarihi için de gereklidir.*

*Kutadgu Bilig, eş anlamlı kelimeler açısından oldukça zengindir. Karahanlı Türkçesinin zenginliğini ve ifade gücünü gösteren eş anlamlı yapılardan Yusuf Has Hacib'in ustalıkla yararlandığı ve ifade zenginliğini bu yolla artırdığı dikkati çeker. Kutadgu Bilig‘deki eş anlamlı yapılar, hem isimlerde hem de fiillerde görülür. Yaptığımız çalışmada eş anlamlı isimlerin fiillere göre çok daha fazla olduğu görüldü. Eş anlamlı filler, leksik eş anlamlılar ve leksik deyimsel eş anlamlılardan oluşmaktadır. Metinde tespit edilen fiillerden en fazla eş anlama sahip olan ölmek fiilidir. Ölmek fiili ana kelime olarak fazla geçerken diğer eş anlamlılar daha az geçmektedir. Kutadgu Bilig‘de eş anlamlı fiillerde örtmece yoluyla oluşmuş yapıların dikkat çekecek oranda fazla olduğu*

*görülür. Bu çalışmada Kutadgu Bilig'deki eş anlamlı fiiller, anlam ilişkileri ve kullanım özellikleri bakımından değerlendirilmeye ve eş anlamlılık oluşturan yapılar, metinden alınan örneklerle incelenmeye çalışılacaktır.*

***Anahtar kelimeler:*** *eş anlam, anlam ilişkisi, Karahanlı Türkçesi, söz varlığı*

**Giriş.** Balasagunlu Yûsuf, *Kutadgu Bilig'*de dilinin bütün sosyal ve kültürel iletişim kodlarını yetkinlikle kullanarak, 11. yüzyıl Türk hükümdarlık *kut*unun öğretisini, Türk devlet erkânı, âdâbı ve usûlünü bütün incelikleriyle edebî-bedîî bir mesaj hâlinde ilk dili Türkçe olanlar ile artık Türk kılığına girmiş olanlara vermiştir. Yûsuf ve eseri tarihsel diyalektolojinin zaman - mekân - konuşur bilgisini dakik olarak sunması bakımından bir yandan Türkçenin standartlaşma süreçlerinin daha iyi anlaşılması bir yandan da bize ulaşan nüshaları ile Türk dilinin hem Erken Orta hem de izleyen aşamalarındaki diyalektal türlenme akışının tanımlanabilmesi için birinci el kaynak değerindedir[1].

Türk dili ve Edebiyatının olduğu kadar, Türk kültür tarihinin de en muazzam eserlerinden biri olan Kutadgu Bilig pek çok bilgiyi içermektedir. Eserin esasını teşkil eden kamil insan tarifi yanında daha birçok fazilet vardır. Bunlar içinde her türlü bilgi edinmek, okumak, yazmak, bütün alfabeleri ve dilleri bilmek, şiir yazmak, belagat, hesap, hendese öğrenmek, tıp bilmek, rüya tabir etmek gibi şubeler bulunduğu ve Türk muhitine has avcılık, kuşçuluk, ok atmak, satranç oyunları gibi bahisler de vardır [2] İçerdiği bilgilerle birlikte Karahanlı Dönemi Türkçesinin söz varlığını yansıtması bakımından da eşsiz bir eserdir.

Kutadgu Bilig'de bu bilgiler verilirken sözcüklerin anlam ilişkilerinden yararlanılmıştır. Kelimelerin anlam ilişkileri sonucunda oluşan eş anlamlılar, aynı anlamlı sözcükler veya bir birine yakın anlamlı sözcükler olarak tanımlamıştır.[3] Aynı anlama gelen leksikal parçalar eş anlamlı ve bunlar arasındaki ilişkiler de eş anlamlılık olarak değerlendirilmiştir.[4]

Cruse, eş anlamlıların semantik örtüşmeye sahip olmalarının gerektiğini belirterek, eş anlamlıları merkezi semantik özellikleri yönünden anlamları özdeş olan leksikal parçalar olarak tanımlamaktadır.[5] Eş anlamlılığın ölçüsünün aynı cümle içinde eş anlamlı sözcüklerin yer değiştirme özelliğinin olmasına bağlayan dilcilerin yanında değişebilirliğin eş anlamlılar için bir ölçü olmadığını belirtenler de vardır.[6]

Warren, eş anlamlılar ile varyantlar arasında ilginç bir ayrım yapmıştır. Eğer kelimeler, benzer anlama sahipse ve bazı bağlamlarda anlam değişmeden yer

---

[1] Barutcu Özönder, F.S., "Kutadgu Bilig I Zaman-Mekân-Konuşur: XI. Yüzyılda Balasagun'dan Kâşgar'a, Balasagunlu'dan Kâşgarlı'ya", Çukurova Üniversitesi Türkoloji Araştırmaları Dergisi, Cilt 2, Sayı 2, Aralık 2017, s. 12-63.

[2] Arat, R. R., Kutadgu Bilig I Metin, TDK yayınları, Ankara 1991, s. VII.

[3] Özbek Tili Leksikologiyası, Taşkent, 1981, s. 235.

[4] Crystal, David, A dictionary of Linguistics and Phonetics, Oxford, 1997, s. 376.

[5] Cruse, D. A., Lexical Semantics, London, 1986, s. 267.

[6] Yael Ravin, Synonymy from a Computational Point of View, Frames, Fields, and Conrasts, New Jersey, 1992, s. 398.

değiştirebiliyorlarsa, eş anlamlıdır. Bunun için İngilizce deep ve profound kelimelerinin bazı cümlelerde yer değiştirebileceğini belirtiyor. Varyantta ise cümlede yer değiştirme olayının olmadığını söyleyerek bunun için de lady ve woman kelimelerini veriyor.

Eş anlamlılar dilde çeşitli yollarla oluşurlar. Eş anlamlılığın oluşmasında en önemli yollardan birisi edebî dildeki aynı tasavvuru ifade eden kelimeler arasında anlamda yakınlık ve benzerliğin oluşmasıdır: İkinci yol dildeki kelimeyle aynı anlama gelen başka dilden kelime alınmasıdır. Örneğin, güç-kuvvet. Edebî dildeki bir kelime varken aynı anlama gelen ağızlardan bir kelime alınması da eş anlamlıların oluşmasında bir başka yoldur[1]. Kirli-pis gibi. Evfemizler bir kelimenin söylenişindeki tabular (örtmeceler) da eş anlamlılığın oluşmasında çok önemlidir. Öl-yerine gözü yumulmak, ebediyete intikal etmek fiillerinin kullanılması gibi. Bu yolla oluşan eş anlamlılar euphemistic (örtmeceli) eş anlamlılar olarak adlandırılmaktadır.[2]

Genel olarak dilciler bir dilde aynı anlama gelen birden çok kelimenin olmasının mümkün olmadığını belirterek terimleri farklı olsa da eş anlamlıları mutlak, tam (total, absolute, strict synonymy) ve kısmî (partial synonymy) olmak üzere ikiye ayırmışlardır. Tam eş anlamlılığın nadiren olduğunu belirten dilciler genel olarak dildeki sinonimlerin kısmî olduğunu ifade etmişlerdir. [3]

Eğer bütün bağlamlarda kelimeler yer değiştirebiliyorsa, bu tam eş anlamlılıktır. Dilciler bu tür eş anlamlılığın bütün dillerde olduğu konusunda şüphe içindedirler. Eş anlamlıları kısmî eş anlamlıları, hiponimlerin özel bir türü, simetrik hiponim. veya hiponim olarak değerlendiren dilciler de vardır. [4]

Eş anlamlı kelimeleri bir arada tutan temel noktanın anlam olduğu bilinmektedir. Eş anlamlılık grubunu oluşturan birlikleri birleştirici bir anlam vardır. Bu anlam, eş anlamlılık grubunu oluşturan kelimelerin hepsinde vardır. Birleştirici anlam olmazsa, eş anlamlılık olayından söz edilemez. Aynı zamanda eş anlamlı kelimeler arasında bu eş anlamlıların özelliğini belirleyen bir ana kelime vardır. Bu kelime, eş anlam grubunun özelliğini belirlemede ve her bir kelimenin kendine özgü özelliğini ortaya koymada, önemli rol oynar.[5]

**Kutadgu Bilig'de Eş Anlamlı Fiiller**: Eş anlamlı sözcükler, konuşmada ve yazıda, tekrarlardan kurtulmayı sağlarken, ifadenin akıcılığına da imkan vermektedir. Bir düşünceyi ifade ederken, sürekli aynı kelimenin kullanımı, okuyanları veya dinleyenleri sıkar. Bu sebeple aynı sözcüğün tekrarı yerine eş anlamlılarından yararlanılır. Kutadgu Bilig'de bunun çok sayıda örneği görülür.

---

[1] Fahri Kemal, vd., Hazirgi Zeman Özbek Tili, Taşkent, 1957, s. 77.

[2] Howard, Jackson, Words and Their Meaning, Newyork, 1988, s. 73.

[3] Howard, Jackson, Words and Their Meaning, Newyork, 1988; Cruse, D.A., Lexical Semantics, London, 1986, Meanings, Models, and Metaphors A Study in Lexical Semantics in English, Stockholm, 1990, s. 110.

[4] Palmer, F. R., Semantics, London, 1984, s. 38, Persson, Gunnar, Meanings, Modesls, and Metaphors A Study in Lexical Semantics in English, Stockholm, 1990, s. 124.

[5] Özbek Tili Leksikologiyası, Taşkent, 1981, s. 245.

Çalışma için Reşit Rahmeti Arat[1] tarafından hazırlanan metin ve çevirisi esas alındı.

Kutadgu Bilig eş anlamlı fiiller bakımından oldukça zengindir. Yusuf Has Hâcib'in bu yapıları büyük bir ustalıkla kullandığı ve bu yolla ifade gücünü artırdığı görülür. Bu filler içinde en fazla eş anlamlıya sahip olan ölmek fiilidir.

Ölüm düşüncesi, hatta bu kelimenin söylenişi, insanda korku ve ürküntü yaratır. Ölüm ve ölmek de tabu olduğundan bu kavramla ilgili kelimeler yerine ölümü çağrıştırmayan kelime ve deyimler kullanılarak bu kavramlar ifade edilir.[2]

Yaşamaz olmak, hayatı sona ermek, ölmek anlamı, Kutadgu Bilig'de **öl-, ajun (dünya) kod-, can çıḳ-, ḳara yir bol-, ḳara yir töşen-, köz yum-, yir töşen-, yağız yir ye-, yağız yir yat-, yirke kir- yapıları ile verilmiştir.** Bu eş anlamlı sözcüklerin ana sözcüğü olan öl- 164 yerde geçmektedir.

| | |
|---|---|
| *ağırlıḳḳa tegse küvez kür bolur*<br>*ölüm tutsa udlur ökünçün **ölür*** | Biraz itibar kazanırsa, mağrur ve kabadayı olur; ölüm yakaladığı zaman süklüm püklüm onun arkasından gider ve pişmanlık içinde ölür (Kutadgu Bilig B.1125). |

öl- fiilinin deyimsel eş anlamlılarını örtmeceli ve metaforik eş anlamlıları oluşturmaktadır.

Örtmece, tercih edilmeyen ifadelere alternatif olarak kullanılır. Tercih edilmeyen ifadeler olarak adlandırılan tabu şeklinde belirtilen halk inancı vardır. Belirli bir kişi veya toplumun tümü için tehlikeli olduğuna inanılan yasaklanmış davranış olan tabunun, ihlali otomatik olarak ihlal edene veya yakınlarına zarara sebep olacağına inanılır.3 Ölüm ve ölmek kavramlarını ifade eden kelimeler de tabudur. İnsanlar ölümden korkarlar ve bunu doğrudan söyleyemezler. Hatta eski İngilizce metinlerde öl-fiilinin hiç kullanılmaması yüzünden bazılarının bu kelimenin İngilizceden çıktığını düşündükleri kaydedilmektedir.4

KB'de de öl- fiilinin tabu olduğu görülür. Canın çıkması ile ölümün gerçekleşmesi, KB'de can çıḳ- şeklinde verilmiştir.

| | |
|---|---|
| *Bayat birdi erdi angar can revan*<br>*yana yandru aldı* çı***ḳıp bardı can*** | Bu fâni canı ona Tanrı vermişti şimdi geri aldı ve can da çıktı gitti. (Kutadgu Bilig A.6296). |

---

[1] Arat, R.R. Kutadgu Bilig I Metin, Iı Çeviri, TDK yayınları, Ankara, 1991.

[2] Öz Özcan A., (2006) "On the Snonyms of the Verb "ölmâq" ( to die) in Uzbek Language" Central Asiatic Journal, Harrassowitz Verlag, 50(2), 298-310.

[3] Allan Keith, Kate Burridge, Euphemism & Dysphemism, New York, 1991, s.

[4] a.g.e., s. 156.

KB'de, ölüm düşüncesi dünyayı bırakmak, terk etmek olarak düşünülmüş bu dünyanın terk edilmesi öbür dünyaya yolculuğun ifadesi olan ve *ajun (dünya) kod-* şeklinde verilmiştir. Diğer taraftan insanın bu dünyada kısa süreli yaşamı, bu dünyadan göçüp gitmesi ile eşleştirilmiş *keçib bar*-yapısı ile de verilmiştir.

| | |
|---|---|
| *ḳadaşıng* ***keçip bardı ḳodtı ajun*** *sen inçin tirilgil yaşa*ğıl uzun | Kardeşin göçtü gitti, bu dünyayı terk etti, Tanrı sana sağlık ve uzun ömürler versin (Kutadgu Bilig B.1125). |

| | |
|---|---|
| *unutma mini ay oḳı*ğlı tirig özüm **dünya *ḳodsa*** töşense yirig | Ey bunu okuyan canlı, ben dünyayı bırakıp toprağa düşünce beni unutma (Kutadgu Bilig A.6507). |

KB'de hayatın sona ermesi, fiziksel olarak dünyaya açılan penceremiz olan gözün yumulması ile ifade edilmiştir.

| | |
|---|---|
| *Bukün ya yarın tut* ***yumulsa bu köz*** *Silerning du'aḳa bolur* munguluġ öz | Bugün ya yarın bu göz kapanınca, ben de sizin duanıza muhtaç olacağım. (Kutadgu Bilig C.6172). |

Ölmek fiilinin leksik deyimsel eş anlamlılarının büyük bir kısmı toprağa düşme, toprak olma ile ilgilidir. Ölmek, insanın toprağa gömülmesi, toprağa düşmesi ve dönmesi şeklinde ifade edilmiştir. Toprağa gömülme ***ḳ****ara yir bol,* (**ḳ**ara, yağız) *yir töşen-, yirke kir-, yağız yir yat-* şeklinde tabu olarak verilmiştir.

| | |
|---|---|
| *isiz edgü barça* ***ḳara yir bolur*** *bitilmiş ecelke yetilse ezel* | Ezelden yazılmış olan ecel iyi veya kötü herkes kara toprak olur(Kutadgu Bilig C.6272). |

| | |
|---|---|
| *İtitglig saray ordu ḳarşı ḳodup* **yağız yir töşenib** *yaturlar küdüp* | Süslü saray, köşk evlerini bırakıp, kara toprağa döşenip bekleyip yatarlar. (Kutadgu Bilig C.6404). |

| | |
|---|---|
| *ne türlüg ne yanglıġ kişi ḳoptı kör* ***yağız yir*** *olarıġ* **yidi** *optı kör* | Ne türlü ve ne çeşit insanlar bu dünyaya geldi; bak kara toprak hepsini yedi ve yuttu (Kutadgu Bilig C.6403). |

| | |
|---|---|
| *ḳanı ol müsülman ḳan tökgüçi nelük* **kirdi yirke** *ḳanı ol küçi* | Hani o Müslümanların kanını döken insan niye toprağa girdi, onun gücü kuvveti ne oldu. (Kutadgu Bilig C.6440). |

Üzüntü, acı, sevinç, pişmanlık etkisiyle gözyaşı dökmek kavramı, Kutadgu Bilig‘de *yıġla-, sıġta-, yaş tökmek –, yaşı yuvıl-, yaş aḳıt- yaş saç-* sözlük birimlerle ifade edilmiştir.

Bu eş anlamlı yapıların ana sözcüğü olan yıġla- 18 ve sıġta- 1yerde geçmektedir.

| | |
|---|---|
| *tutup* ḳuçtı ögdülmiş odġurmışıġ<br>*öpüp* ***yıġladı*** yirke tökti yaşıġ | Ögdilmiş kalkıp Odgurmış’ı kucakladı ve öpüp ağlayarak göz yaşı döktü (Kutadgu Bilig C.6196). |

| | |
|---|---|
| *neçe külse bir gün yana* **sıġtatur**<br>*neçe itse evre buzar artatur* | Ne kadar gülerse gülsün bir gün yine ağlatır; ne kadar düzeltirse düzeltsin bir gün bozar dağıtır (Kutadgu Bilig C.6126). |

Ağlamak fiilinin deyimsel eş anlamlıları, ağlamanın sonucu olarak gözden sıvı akmasıyla ifade edilmiş ve KB’de *yaş saç- yaş aḳıt- yaş tök-, yaş yuvıl-* şeklinde verilmiştir.

| | |
|---|---|
| *köngül bertti ilig* ***yuvıldı yaşı***<br>*ayur ay diri*ġa ol edgü kişi | Hükümdar çok müteessir oldu, ağlamağa başladı ve:- O iyi insana çok yazık dedi (Kutadgu Bilig B.6238). |

| | |
|---|---|
| *sözin kesti ilig közi* ***yaş saça***<br>*tutup çıḳti andın saḳınçıġ ḳuça* | Hükümdar sözünü kesti, gözünden yaşlar akıttı; Ögdilmiş keder içinde oradan kalkıp çıktı (Kutadgu Bilig B.1562). |

| | |
|---|---|
| *Ünin sıġtadı eşşitib ögdilmişe*<br>*Urındı toḳındı* ***aḳıttı yaşa*** | Bunu duyan Ögdilmiş feryad ederek, döğündü ve göz yaşı döktü(Kutadgu Bilig A.6292). |

Herhangi bir kötü davranış için ceza vermekten vazgeçmek, affetmek, bağışlamak kavramı KB’de ***bağışla-, suyurḳa-, keçür-, yarlıḳa-*** *sözcükleri ile verilmiştir.*

| | |
|---|---|
| *seningde adın yoḳ sıġınġu* idim<br>*yazuḳum* **bağışla** yölegil *ḳutun* | Senden başka sığınacak rabbim yok; günahımı bağışla ve saadet yolunda beni destekle (Kutadgu Bilig C.5125). |

| | |
|---|---|
| ***keçürdüm*** *yana sözledim söz sanga*<br>*nelük yüz evürdüng ayu bir manga* | Bunu affettim, sana tekrar hitap ettim; bu sefer de neden yüzünü çevirdin (Kutadgu Bilig B.649). |

| | |
|---|---|
| *sen ök sen yazuḳ* ***yarlıḳa****ğlı idim bir* ***suyurḳa*** *mini sen yazuḳum unuttım* | Günahlarımı bağışlayan sen bir rabbimsin, sen beni affet günahlarımın sayısını ben bile unuttum (Kutadgu Bilig C.6564). |

Korumak, görünmez duruma getirmek için veya gizlemek için üstüne bir şey koymak, örtmek kavramı KB'de **ört-, yap-, eşü-** sözlük birimler ile verilmiştir.

| | |
|---|---|
| *küjek yazdı rumi ḳızı* ***örtti*** *yüz ḳara saç bodu*ğı ajun toldı tüz | Rûmî kızı zülüflerini çözerek yüzünü örttü; Her taraf siyah zülüf rengini aldı (Kutadgu Bilig B.4885). |
| *Neçe kür kögüzlüg küvenür erig ölim yirke kömdi* ***eşüdi*** *yirig* | Nice cesur, mağrur ve kibirli insanları ölüm yere gömdü ve üzerlerini toprak ile örttü (Kutadgu Bilig B.5212). |
| *Tirer sen yumıtsa saçar sen ḳamuġ oḳır sen yüz ursa* ***yapar*** *sen kapuġ* | Yığarsın; toplanınca hepsini dağıtırsın; önce çağırırsın fakat gelince kapını kapatırsın (Kutadgu Bilig B.719). |

**Sonuç:**

Sonuç olarak Kutadgu Bilig eş anlamlı sözcükler bakımından oldukça zengin bir eserdir. Yusuf Has Hacib, eş anlamlı yapıları ustalıkla kullanarak ifade gücünü artırmıştır. Eş anlamlı birliklerden oluşan ikilemeleri aynı beyit ve mısra içinde kullanarak ifadenin etki gücünü artırdığı görülür. Bazı eş anlamlı sözcüklerden üç tanesinin yan yana kullanıldığı da görülür.

KB'de eş anlamlılık isimlerde ve fiillerde görülür. Eş anlamlı isimlerin fiillere göre daha fazla olduğu dikkati çekmektedir. Eş anlamlı isimlerden en fazla eş anlamlısı olan sözlük birim tişi ve adaş, fiillerden ise ölmek ve yığlamak filleridir.

**Kaynaklar:**

1. Abik, D., (2009), "Kutadgu Biig'de Hayvan Adları", Türklük Bilgisi Araştırmaları (Cem Dilçin Armağanı), C. 33/1 s. 1-32.
2. Ata, A., (1993), "Kutadgu Bilig Üzerinde Bir Düzenleme Denemesi Kör mü? Kür mü?", Türkoloji Dergisi, C. 11 S. 1 s. 301-308 ( DOI: 10.1501/Trkol_0000000148 Yayın)
3. Arat, R. R., (1991), Kutadgu Bilig I Metin, TDK yayınları, Ankara.
4. Arat, R. R., (1991), Kutadgu Bilig II Çeviri, TDK yayınları, Ankara.
5. Arat, R. R., (1979), Kutadgu Bilig III İndeks, TDK yayınları, Ankara.
6. Barutcu Özönder, F., S., "Kutadgu Bilig I Zaman-Mekân-Konuşur: XI. Yüzyılda Balasagun'dan Kâşgar'a, Balasagunlu'dan Kâşgarlı'ya", Çukurova Üniversitesi Türkoloji Araştırmaları Dergisi, Cilt 2, Sayı 2, Aralık 2017, s. 12-63.

7. Bayraktar, Fatma, Sibel, (2014) "Kutadgu Biligde Üçlemeler, Dörtlemeler ve Beşlemeler"

8. *Uluslararası Türkçe Edebiyat Kültür Eğitim Dergisi,* S. 3/2 s. 29-53.

9. Çağatay, Saadet (1963), "Türkçede 'Kadın' İçin Kullanılan Sözler", TDAY Belleten 1962, s. 13-49, Ankara Türk Dil Kurumu Yayınları.

10. Dilâçar A., (1972), 900. Yıldönümü Dolayısıyle Kutadgu Bilig İncelemesi, TDK yayınları, Ankara.

11. Ercilasun, A.B., (1984), Kutadgu Bilig Grameri Fiil, Gazi Üniversitesi yayını, Ankara.

12. (ÖTL) (1981), Özbek tili leksikologiyası, Taşkent.

13. Karahan, Akartürk (2006), "Tarihî Türk Dilinin Söz Varlığına Katkılar: Kadınla İlgili Kelimeler Üzerine", Bilkent Üniversitesi l. Uluslararası Büyük Türk Dili Kurultayı Bildirileri. Ankara.

14. Öz Özcan A., (2006) "On the Snonyms of the Verb "ölmåq" (to die) in Uzbek Language" Central Asiatic Journal, Harrassowitz Verlag, 50(2), 298-310.

15. Öz Özcan, A., (2018) "Kutadgu Bilig'de Eş Anlamlı İsimler". VIII. Uluslararası Türk Dil Kurultayı, Kırgızistan (Karakol), 22-26 Eylül 2018.

16. Öztürk, Faruk (2005), "Kutadgu Bilig'de Bitki Adları", *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi*, VI(I), 201-208.

17. Palmer, F.R., (1984) Semantics, London.

18. Persson, Gunnar, (1990) Meanings, Modesls, and Metaphors A Study in Lexical Semantics in English, Stockholm.

19. Taş, İbrahim (2015), Kutadgu Bilig'de Söz Yapımı, TDK Yayınları, Ankara.

20. (TS) Türkçe Sözlük (1998), Türk Dil Kurumu Yayınları

21. Tezcan, Semih (1981). "Kutadgu Bilig Dizini Üzerine", TTK- Belleten, C. XLV/2, S. 178, Ankara: Türk Tarih Kurumu Yayınları.

22. Yılmaz A., (2004) "Kutadgu Bilig'de Kadın", *Hacı Bektaş Veli Araştırma Dergisi*, 324-341.

23. Yusuf Has Hacib (1993), Kutadgu Bilig (Kahire Nüshası), Kültür Bakanlığı.

# "QUTADG'U BILIG"DA XITOB YUKLAMA VA UNDOVLARI ASOSIDA O'ZBEK TILIDAGI BA'ZI SO'ZLARNING ETIMOLOGIYASI

***BOLTABAYEV SAIDBEK***

*Turkiya Karabuk davlat universiteti,*

*filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

***Annotatsiya.*** *Turkiy tilda musulmonlik muhitida yozilgan ilk va eng yirik asar bo'lgan "Qutadg'u bilig"da asosan dialoglar jarayonida uchrovchi xitob yuklama va undovlari ma'ruzada tadqiq etilgan. Shuningdek xitob yuklamasining qo'shilishi oqibatida qoliplashib qolgan munu, unu, munuqï so'zlarining o'zbek adabiy tilidagi mana, ana, bunaqa, unaqa va qanaqa so'zlariga bo'lgan munosabati etimologik jihatdan ko'rib chiqilgan.*

***Tayanch so‘z va iboralar:*** *undov, yuklama, morfologiya, olmosh, vokativ, etimologiya.*

***Abstract.*** *Kutadgu Bilig is the first and a great work written in Turkic in the Islamic period. In our paper the adressing interjections and postpositions were examined. In addition, the relationship between the words munu, unu, munuḳı and the words mana, ana, bunaqa, unaqa, qanaqa used in the Uzbek written language, which emerged as a result of the Formulaicity of the adressing interjection, was studied etymologically.*

***Keywords and expressions:*** *interjection, postposition, morphology, pronoun, vocative, etymology.*

***Özet.*** *Bildiride İslami dönemde Türkçede yazılan ilk, aynı zamanda büyük bir eser olan Kutadgu Bilig'de genellikle karşılıklı konuşmalarda görülen seslenme ünlemi ve edatları incelenmiştir. Ayrıca seslenme ünleminin gelerek kalıplaşması sonucunda ortaya çıkan munu, unu, munuḳı kelimelerinin Özbek yazı dilinde kullanılan mana, ana, bunaḳa, unaḳa, ḳanaḳa kelimeleriyle ilişkisi etimolojik bakımdan ele alınmıştır.*

***Anahtar kelimeler:*** *ünlem, edat, biçim bilgisi, zamir, köken bilgisi.*

Insonlar muloqot jarayonida turli maqsad va sabablarga ko‘ra bir-biriga yoki boshqa jonli yoki jonsiz narsalarga xitob qiladi. Chaqirish, undash, ogohlantirish, e’tibor tortish, hurmat yoki rasmiylikni ko‘rsatish, tasdiq, turli his-tuyg‘ularni (hayajon, sevinch, mehr, sevgi, nafrat, qo‘rquv, achinish, g‘azab kabi) ifoda etish, so‘kish, yerga urish kabi turli maqsad va sabablar asosida ishlatiladigan undov so‘zlar beruvchi va oluvchi tomonlar, boshqa so‘z bilan aytganda, xitob qilayotgan va xitob qilinayotgan tomonlar orasida muloqotni yuzaga keltiradi. Xitobni kuchaytirish, ta’kidlash uchun ba’zan ko‘rsatkichli, ba’zan esa ko‘rsatkichsiz/belgisiz (ø) shaklda undovlardan foydalaniladi.

Islomiy muhitda yozilgan ilk va eng hajmli turkiy asar bo‘lgan “Qutadg‘u Bilig”da xitob uchun qo‘llanilgan quyidagi turdagi morfologik birliklarni ko‘ramiz.

1) Ot, otlashgan so‘zlar, buyruq maylidagi fe’llarning oxiriga urg‘u (ø), /-*a*/ yuklamasi, /-*i*/ va /-*m*/ qo‘shimchalarini keltirish;

2) Ot, otlashgan so‘zlardan oldin *ey*, *ayo*, *yo* undovlari, keyin esa urg‘u (ø), /-*a*/ yuklamasi, /-*i*/ va /-*m*/ qo‘shimchalarini keltirish (Mert, 2002: 17).

**I. urg‘u (ø)**

Ko‘rsatkichsiz, urg‘u bilan qilingan xitoblar matnda keng uchraydi:

Yanut berdi Ögdülmiş aydï <u>elig</u>,
Tiläk keldi tuttï tegürdi elig. (QBN: 115a/7)

Ma’nosi: *O‘gdulmish javob berib aytdi: Ey elig, tilak kelib hammaga qo‘lini uzatdi (hamma o‘z orzusiga erishdi.)*

Uçuz tutma erdemni ögren <u>oğul</u>,
bu erdem yorïqï ürüŋ quş teg ol. (QBN: 112a/2)

Ma’nosi: *Ey o‘g‘il, fazilatni qadrsiz deb o‘ylama, uni o‘rgan. Bu fazilatning yo‘rig‘i, xulqi oq qush kabidir.*

**II. -*m* egalik qo‘shimchasi**

Egalik qo‘shimchalari ifodalangan narsaning qaysi shaxsga qarashli ekanini bildiruvchi, ismlarni egalik munosabatida bir-biriga bog‘lovchi qo‘shimchalardir.

Turkiy tilda egalik qoʻshimchalari belgili va belgisiz qaratqichli birikmalarda namoyon boʻladi. Qaratqichli birikmalar an'anaviy ravishda qaratqich va qaralmish deb nomlangan ikki unsurdan iborat boʻladi: *uyning tomi, daryo oʻzani* kabi. Lekin uslubiy sabablardan yoki tildagi qisqalikka moyillik sababli bu ikki unsurdan biri tushib qolishi mumkin. Masalan oʻzbek tilida *ahammiyati yoʻq* deganimizda birikmaning qaratqich qismi tushganini payqash qiyin emas. Toʻligʻi *buning ahammiyati yoʻq* boʻladi. Bu yoʻsinda qaratqichning tushishi qaralmishdagi egalik qoʻshimchasining soʻz bilan qoliplashuviga olib keladi. Masalan tilimizdagi *kechasi, kunduzi* kabi soʻzlarda uchinchi shaxs egalik qoʻshimchasining qoliplashib qolganini koʻramiz.

Bunga oʻxshash ixchamlashish hodisasini birinchi shaxs egalik qoʻshimchasining xitob undovi tariqasida qoʻllanilishida koʻrish mumkin. Misol uchun eski uygʻur harfli moniy matnlarida uchraydigan *täŋrim* soʻzi "oliy janob" ma'nosini ham bildiradi. Yoki oʻzbek tilida oʻz bolasi yoshidagi notanish kimsaga ham "oʻgʻlim", "qizim", "bolam" deb murojaat qilish egalik qoʻshimchasining xitob undovi vazifasini bajara olishini koʻrsatadi.

Ayni ravishda Yusuf Xos Hojibning "Qutadgʻu bilig"ida *-m* egalik qoʻshimchasining xitob undovi sifatida qoʻllanilganini koʻramiz:

Yana aydï Aytoldï <u>oğlum</u> eşit,
Özüŋ eδgü birle tamudïn küşit. (QBN: 53b/3)

Ma'nosi: *Oytoʻldi yana aytdi: "Ey oʻgʻlim, eshit! Yaxshiliklar bilan sen oʻzingni doʻzaxdan saqla."*

Bu barça asïğ sanï boldï <u>begim</u>,
Asïğ qïlğuçïğ eδgü tutğu <u>begim</u>. (QBN: 111b/8)

Ma'nosi: *Bularning barchasi foyda singaridir, ey begim. Foyda beruvchini yaxshi tutish kerak, ey begim.*

**III. *-a/ä***

Avvalo *-a/ä* xitob yuklamasining turkologiyada grammatik jihatdan qanday oʻrganilganligiga toʻxtalib oʻtsak. Dunyodagi koʻplab tillarda, jumladan ba'zi Hind-Yevropa tillarida murojaat qilingan kishining ismi yoki biror xususiyatiga qoʻshilib keladigan alohida morfologik unsur bor. Bu morfologik unsur oʻsha tillarda otlarning kelishik kategoriyalaridan biri hisoblanadi. Gʻarb turkologiyasida turkiy tildagi *-a/ä* xitob yuklamasiga *vokativ* deb nom beriladi, hatto Gabain kabi ba'zi tilshunoslar kelishik kategoriyasida koʻrsatadi. Xoʻsh, turkiy tilda haqiqatan Hind-Yevropa tillarida boʻlganidek alohida xitob kelishik kategoriyasi bormi? Yoki *-a/ä* xitob yuklamasini kelishik kategoriyasi ichida koʻrsatish qanchalik toʻgʻri? Aytish kerakki, turkiy tilda alohida xitob kelishik kategoriyasi deb koʻrilishi mumkin boʻlgan qoʻshimcha yoʻq. Ilk namunalari koʻkturk harfli bitiglarda uchraydigan *-a/ä* xitob yuklamasi na soʻz yasovchi, na shakl yasovchi qoʻshimcha boʻla oladi.

Turk olimlaridan Shinasi Tekin ham vokativ kelishik qoʻshimchasi sifatida -*a* qoʻshimchasini koʻrsatadi. Asosan eski uygʻur harfli matnlarda ishlatilganini qayd etgan holda unli bilan tugagan soʻzlarga kelganda *y* undoshi yordamida

bog‘lanishini yozadi (Tekin, 1992: 88). Shuningdek tadqiqotining “Undovlar” qismida ham *-(y)a* undovi haqida so‘z yuritadi, bu undovning yo‘g‘on-ingichka so‘zlarning hammasiga bir xil kelishini, morfologik jihatdan xitob qo‘shimchasi sifatida qabul qilish mumkin ekanini bildiradi (Tekin, 1992: 95).

Qadimgi turkiy til grammatikasi bo‘yicha tadqiqot olib borgan Marsel Erdal esa vokativ qo‘shimchasini kelishiklar orasida ko‘rsatmaydi. Unga ko‘ra xitob, chaqiriq ifodalaridan keyin keluvchi *-a/ä* bir undov bo‘lib, tuslangan fe’llarga ham qo‘shilib achinish, qayg‘urish kabi qo‘shimcha ma’nolarni yuklaydi. Shinasi Tekin singari bu undovning *a* va *e/ä* tovushlari uchun alohida harflarga ega bo‘lgan braxmi harfli matnlarda ingichka qatorli so‘zlarga ham yo‘g‘on variyanti kelishini ta’kidlaydi (Erdal, 2004: 351).

Tilimizning eng eski obidalaridan beri qo‘llanilayotgan *-a/ä* yuklamasi O‘rxun yodgorliklaridan faqat O‘ngin yodgorligida bir joyda ko‘riladi: *“Beglärim-ä!” ter ermiş.* Biroq asosiy qismi qabrtosh bo‘lgan Yenisey yodgorliklarining deyarli barchasida bu yuklamani uchratamiz. So‘z boyligi chegaralangan bo‘lishiga qaramay *esizim-ä, esiz-ä açïğ-a, qunçuyïm-a, buŋ-a, qadaşïm-a, qaŋïm-a, adïrïltïm-a, bökmädim-ä* kabi qoliplashgan ifodalar Yenisey yodgorliklarining har birida hatto bir necha martadan uchraydi. Yenisey yodgorliklari tilining o‘ziga xosliklaridan birini aynan shu undovlar tashkil qiladi. Buddaviylik va moniylik muhitida yaratilgan uyg‘ur harfli asarlarda ham asosan ot va ot xususiyatiga ega so‘zlarning so‘ngiga kelgan holda achinish, chaqirish, ta’kidlash kabi vazifalarda qo‘llanilgan.

“Qutadg‘u bilig” tilining o‘ziga xosliklaridan biri *-a/ä* yuklamasidan muallifning mohirona foydalanishida ko‘riladi. Bayt va to‘rtliklarning qofiyalarida Yusuf Xos Hojib *-a/ä* yuklamasini tez-tez ishlatib turadi. Bu holat asosan asar qahramonlarining o‘zaro muloqotlarida, ba’zan esa xalq maqollarida uchraydi. Mavzu e’tibori bilan to‘g‘ri davlatchilik asoslari, xalq-davlat-shaxs munosabatlari qanday bo‘lishini ko‘rsatishni qamrab olgan asarlar odatda o‘quvchining e’tiborini darhol jalb eta olmaydi. Chunki bunday asarlarning tili og‘ir, folklor unsurlari va turli badiiy san’atlardan xoli bo‘ladi. Lekin “Qutadg‘u bilig”ning tili esa xalq tili bilan hamohang. O‘sha hamohanglikni ta’minlab beruvchi jihatlardan biri xalq muloqotida tez-tez ishlatiladigan *-a/ä* yuklamasi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

“Qutadg‘u bilig”ning uch nusxasida *-a/ä* xitob yuklamasi umumiy hisobda 62 xil so‘z bilan 155 marta qo‘llanilgan bo‘lib, bularni quyidagi holatlarda ko‘ramiz.

**3.1. ot/sifat + *-a/ä***

Asarda eng ko‘p xitob yuklamasi ot va sifat turkumidagi so‘zlarga kelgan (91 o‘rinda). Bular quyidagilar: *yer, tüz, teŋ, qut, tez, bir, kün, ton, tüp, köz, söz, neŋ, qaş, men, meŋ, baş, eş, miŋ, sen, men, yol, keŋ, eŋ, beg, ot, aş, tün, tïn, yaş, iş, er, emgäk.* Bulardan tashqari kishi ismlaridan keyin *-a/ä* yuklamasidan tez-tez foydalanilgan. Xususan matnda O‘gdulmish ismidan keyin 24 marta, O‘zg‘urmishga murojaat qilinganda esa 8 marta bu yuklamadan foydalanilgan.

Ayïttï qaδaşlarïn <u>Oδğurmïş-a</u>
Esän tep xabär berdi <u>Ögdülmiş-ä</u> (QBN: 122a/12)

Ma’nosi: *O‘zg‘urmish qarindoshlarini so‘radi, O‘gdulmish ular eson-omon deb xabar berdi.*

Küsämiş turup çïqtï andïn yana

Kelip aydï Aytoldï toğdı kün-ä (QBN: 25a/3)

Ma’nosi: *Kusamish u yerdan turib tashqari chiqdi. Kelib aytdi: Ey Oyto‘ldi, senga kun tug‘di.*

Bu kün tavba birlä yanayïn men-ä

İδimdin bu ‘uẕruġ qolayïn men-ä (QBN: 205a/15)

Ma’nosi: *Bugun tavba qilib unga qaytayin men-a, Egamdan bunga avf tilayin men-a.*

Ünün sïğtadï eştip Ögdülmiş-ä

Urundï toqïndï aqïttï yaş-a (QBH: 89b/34)

Ma’nosi: *Buni eshitib O‘gdulmish yig‘lab-siqtadi, urindi, koyindi, yoshini oqizdi.*

**3.2. “ey” + ot + *-a/ä***

Ba’zi hollarda xitob yuklamasi birikmasi oldidan “ey” undovi ham keladi.

Elig aydï öglän ay Ögdülmiş-ä

Du‘ā birlä itgil aŋar sen iş-ä (QBQ: 187b/2)

Ma’nosi: *Hukmdor aytdi: ey O‘gdulmish, o‘zingni qo‘lga ol. Duo bilan sen unga foydali ish qil.*

Eδiz boldï ornï ey qutluğ qut-a

Teŋisä quδï insä boldï yut-a (QBN: 61a/4)

Ma’nosi: *Ey qutlug‘ davlat egasi, uning joyi ko‘klardadir. Uning yuksalishi qut, tuban tushsa falokat bo‘ladi.*

**3.3. buyruq maylidagi fe’l + *-a/ä***

Turkiy tilda har qanday fe’l negizi hech qanday qo‘shimcha qabul qilmay buyruq-istak maylining II shaxs birlik ma’nosini ifodalay oladi. “Qutadg‘u bilig”da *aç-*(4 marta), *qaç-* (3), *yïğ-* (2), *tur-* (3), *buz-* (1), *yaq-* (1), *kör-* (15), *sür-* (1), *eg-* (1), *yor-* (1), *seç-* (1), *uδ-* (1), *teg-* (1), *tuş-* (1), *kel-* (1), *keç-* (1), *ertür-* (1) fe’llarining negiziga *-a/ä* yuklamasi qo‘shilib kelgan. Matnda jami 39 marta ko‘riladigan bu o‘rnaklarda *-a/ä* yuklamasi fe’ldagi buyruqni kuchaytirishga, uning so‘zsiz bajaralishi kerak ekanini ta’kidlashga xizmat qiladi. Masalan:

Biliglig bilig berdi bilgä kör-ä,

Köni çïn kişi bolsa közkä sür-ä. (QBN: 67b/10)

Ma’nosi: *Bilimli dono kishi shunday o‘git berdi, ko‘rgin: To‘g‘ri, chin kishi uchrasa, uni ko‘zga surgin.*

Yawuz qïlma köŋlüŋ tiliŋni yïğ-a,

Yazuqqa käfārät bolur ig tuğa. (QBN: 214b9/)

Ma’nosi: *Ko‘nglingni yomon qilma, tilingni yig‘. Dard va kasallik gunohlar uchun kaforat bo‘ladi.*

Ba’zan buyruq maylidagi fe’ldan oldin “ey” undovi ham qo‘shilib keladi.

Sen emdi qayu-sen maŋa ey aç-a,

İkidä biri bol üçidä qaç-a. (QBN: 16b/14)

Ma'nosi: *Sen endi qay birisan, menga ochib ayt. Bu ikkisidan biri bol, uchinchidan qoch.*

Fe'l negiziga *-ğïl/-gil* qo'shimchasining qo'shilishi bilan ifodalanadigan II shaxs birlik buyruq-istak maylining shakli bo'yicha turkologiyada ikki xil qarash bor. Ba'zi olimlar *-ğïl/-gil* qo'shimchasini II shaxs birlik buyruq-istak mayli qo'shimchasi deb qabul qilsa, ba'zilari II shaxs birlik buyruq-istak maylining alohida qo'shimchasi mavjud emasligini, *-ğïl/-gil* qo'shimchasi buyruqni kuchaytirish, ta'kidlashga xizmat qilishini ilgari suradi. "Qutadg'u bilig"da *-ğïl/-gil* qo'shimchasini olgan buyruq-istak maylidagi ikki fe'lga *-a/ä* yuklamasi qo'shilgan.

Ayur tur qaδaşïŋ gōrïn <u>körgil-ä</u>,

Ziyārät qïlïp sen yana <u>yanğïl-a</u>. (QBH: 89b/40)

Ma'nosi: *Dedi: Qarindoshing mozorini bir ko'rsang-chi, uni ziyorat qilib qaytsang-chi.*

**3.4. shart maylidagi fe'l + *-a/ä***

Negizga *-sa/sä* qo'shimchasining kelishi bilan hosil qilinadigan shart maylidagi fe'lga bir o'rinda *-a/ä* yuklamasi kelgan. Mana o'sha bayt:

Yanut berdi Ögdülmiş aydï bu ma,

Keräklig turur ey qaδaş <u>aysam-a.</u> (QBN: 150b/13)

Ma'nosi: *O'gdulmish javob berib aytdi: Bu ham, ey qarindosh, senga aytsam, keraklidir.*

**3.5. o'tgan zamondagi fe'l + *-a/ä***

O'tgan zamonning ikki xil shakliga "Qutadg'u bilig" asarida *-a/ä* yuklamasi kelganini ko'ramiz. Aniq o'tgan zamondagi *oldur-* fe'liga bir marta, noaniq o'tgan zamondagi *bil-* (2), *ög-*, *qal-*, *kel-*, *bul-* fe'llariga *-a/ä* undovi qo'shilib kelgan. Bu undov o'tgan zamondagi fe'lga kelgan barcha holatlarda fe'l III shaxs birlikda tuslangan.

Yuklamaning o'zi birgina unlidan iborat bo'lgani uchun unli bilan tugagan so'zga kelganda "*y*" yordamchi undoshi yordamida bog'lanadi. Bunday holat matnda bir marta ishlatilgan.

Yana turdï ança bu <u>oldurdï-ya</u>

Sarïğ taŋ ata keldi <u>öŋdürdi-yä</u> (QBN: 214b/1)

Ma'nosi: *Yana turib, ancha vaqt o'tirdi. Sarig' tong ota boshladi, yoyini sozladi.*

Noaniq o'tgan zamon shakli fe'l negiziga *-mïş/miş* qo'shimchalarining qo'shilishi bilan yasaladi. "Qutadg'u bilig"da fe'lning bu zamon shaklini o'tgan zamonning eshitganlik shakli deyish to'g'riroq bo'ladi. Matnda 6 o'rinda *-mïş/miş* qo'shimchasini olgan o'tgan zamondagi fe'lga *-a/ä* yuklamasi kelgan.

Ayur emgädiŋ sen ey <u>Oδğurmïş-a,</u>

Yaδağïn bu yerkä özüŋ <u>kelmiş-ä.</u> (QBN: 182a/10)

Ma'nosi: *Aytdi: Ey O'zg'urmish, sen mashaqqat chekding. Bu yerga yayov o'zing kelibsan.*

Esirkär-men emdi ey <u>Ögdülmiş-ä,</u>

Bir-ök se ataŋdïn maŋa <u>qalmïş-a.</u> (QBN: 116a/11)

Ma'nosi: *Endi afsuslanaman, ey O'gdulmish. Otangdan menga birgina sen qolibsan-a.*

**3.6. *oq + -a/ä***

"Qutadg'u bilig"da bir o'rinda "darhol" ma'nosini bildiruvchi *oq* yuklamasidan keyin *-a/ä* yuklamasi ishlatilgan.

Atïn mindi bardï yana qarşïqa,
Tüşüp kirdi elig taparu oq-a. (QBN: 209a/14)

Ma'nosi: *Otini mindi, yana saroyga bordi. Tushib, darhol hukmdor huzuriga kirdi.*

**IV. munu / unu**

"Qutadg'u bilig"da xitob undovi vazifasida qo'llanilgan yana ikki so'z bor: "mana" ma'nosida *munu* va "ana" ma'nosida *unu*. Qoraxoniylar davrda yozilgan yana bir asar "Hibatul-haqoyiq"da *munu* va *unu* so'zlari uchramas ekan, "Devonu lug'atit-turk"da *munu* so'zi quyidagicha izohlangan:

*munu* "mana" ma'nosidagi so'z. Bu so'z qanï/qanu "qayerda" degan so'z-ning javobidir (Sodiqov, 2017: 405). *Qanu kişi* "qaysi kishi" ma'nosini bildiradi (Ercilasun, Akkoyunlu, 2014: 449)

"Qutadg'u bilig"da *munu* va *unu* so'zlaridan qofiya tuzish maqsadida ham foydalanilgan bo'lib, bular matnda uch o'rinda ko'riladi.

Sözin kesti Ögdülmiş aydï munu,
Bu yaŋlïğ bolur beg tapuğçï unu (QBN: 150b/1)

Ma'nosi: *O'gdulmish so'zini tugatdi, aytdi: Mana, begga xizmat qilish ana shunday bo'ladi.*

Ayur emdi oğlum barïr-men munu,
Saŋa qaldï ornum barï neŋ unu. (QBN: 48b/9)

Ma'nosi: *Aytdi: o'g'lim, mana endi men (u dunyoga) ketyapman. Ana o'rnim va barcha mulkim senga qoldi.*

*Munu* va *unu* so'zlarining etimologiyasi haqida turkologlar turli fikr bildirgan. Klauson mashhur lug'atida so'zni *mu:nu*: shaklida ayirgan holda *bu* ko'rsatish olmoshining tushum kelishigini olgan holati, *unu* so'zining ziddi deb izohlaydi va "Qutadg'u bilig"dan yuqoridagi baytni o'rnak ko'rsatadi (Klauson, 1972:767).

Gulsev Sev *munu* shaklidagi so'z "qaysi" ma'nosini bildiruvchi *qanu* so'zidan ta'sirlanish (ing: *contamination*) orqali yuzaga kelganini, *qa-nu* va *mu-nu* shaklida ajralishini qayd etadi. Har ikkala so'zda ham o'zakning olmosh bo'lishi olimaning bu fikrga kelishini ta'minlagan (Sev, 2015: 37).

Turk olimi Kemal Eraslan esa uyg'ur harfli matnlarda o'tgan *muna, mïna* so'zlarini *bu/mu* olmoshiga kelgan *-a* xitob qo'shimchasi deb baholaydi. So'zdagi *n* tovushi esa albatta olmoshlardan keyin keluvchi *n* yordamchi tovushidir (Eraslan, 2012: 277).

Qadimgi turkiy tilda olmoshlarni tadqiq qilgan nemis olimasi Gabain uyg'ur harfli buddizm va moniylik matnlarida uchrovchi *muna, mïna* so'zlarini "bu" ko'rsatish olmoshiga kelgan vokativ kelishik qo'shimchasi deb qayd etadi (Gabain, 2013: 135). Xitob uchun qo'llanilgan *-a/ä* yuklamasini kelishik qo'shim-

chasi sifatida qayd etish uning aynan “bu” ko‘rsatish olmoshiga qo‘shilishi natijasida kelib chiqqanini ko‘ramiz. Gabain singari g‘arb turkologlari *muna, mïna* so‘zlarining *bunda* (*munda*), *bunï* (*munï*) so‘zlarida bo‘lgani kabi unli bilan tugagan olmosh va kelishik qo‘shimchasi orasiga kelgan *n* yordamchi tovushi deb qismlarga ajratadi: *mu+n+a*.

“Qutadg‘u bilig”da *munu*, uyg‘ur harfli yodgorliklarda *muna*, *mïna* shaklidagi so‘z o‘zbek tilida *mana* bo‘lib, bevosita berishni ko‘rsatuvchi *ma* so‘zi o‘zagidan emas, ko‘rsatish olmoshidan yuzaga kelgan. Buni *ana* so‘zi ham isbotlab turibdi. *Mana* “bu” olmoshidan yuzaga kelgan bo‘lsa, *ana* “u” olmoshidan yuzaga kelgan. *Ul* olmoshining ko‘plik va kelishik qo‘shimchalarini olganda *an* negizi asosida qo‘shimchalarni qabul qilishi (*anlar, anïŋ, anï, anda, andïn* kabi) *ana* so‘zining *ul* olmoshiga taqalishiga shubha qoldirmaydi. *Mana* va *ana* so‘zlarida birinchi bo‘g‘in so‘zning o‘zagi hisoblanadi, *n* olmosh va qo‘shimchalar orasiga keluvchi yordamchi tovush, *a* esa xitob yuklamasining qoliplashgan holatidir. So‘zlar tarixiy takomili quyidagicha bo‘lib, qismlarga ajraladi: *ma+n+a* < *mu+n+a* < *bu+n+a*; *a+n+a*. Shu o‘rinda uyg‘ur harfli matnlarda “ana” ma’nosida “Qutadg‘u bilig”da o‘tganidek *unu* emas, balki *una* shakli uchrashi e’tiborli holat. *Muna* > *mana*ga o‘zgarganidek, *una* > *ana*ga o‘zgargan bo‘lish ehtimoli ham bor. Biroq *una* so‘zini qadimgi turkiy tildagi “*ul/ol*” olmoshiga bog‘lash ham grammatik jihatdan mushkil.

Shuningdek *munu* < *muna* < *mana* shaklida tarixiy takomilini ko‘rsatish to‘g‘ri bo‘lmaydi. Chunki so‘zning eng qadimgi matnlarda o‘tgan shakli *muna*dir. Urg‘u sababli *muna*dan *munu*ga o‘zgarmasligini, *mana*ga o‘zgarishini hisobga olsak, demak turkiy tilda *muna*ga parallel ravishda *munu, ana*ga parallel ravishda *unu* so‘zlari bo‘lganini ko‘ramiz. E’tiborlisi *munu* va *unu* faqat qoraxoniylar davridagi matnlarda ko‘riladi.

“Qutadg‘u bilig”da *munu* so‘ziga otdan sifat yasovchi, egalik bildiruvchi -*qï* qo‘shimchasi qo‘shilgan shakli ham tez-tez ishlatiladi. Matnshunoslar “Qutadg‘u bilig”dagi *munïqï* so‘zini *munu* bilan ayni shakldа “mana, mana bu” deb tarjima qilgan bo‘lsa-da, ko‘p o‘rinlarda sifat vazifasida “shunday, bunday” ma’nosiga ham yaqin turadi:

Kişi ölsä andïn qumaru qalïr,
<u>Munuqï</u> qumarum saŋa ey bilir. (QBN: 59a/6)

Ma’nosi: *Kishi o‘lsa undan meros qoladi. Ey bilimdon mening merosim senga mana bu(nday)dir .*

Atasïn yitürdüm <u>munuqï</u> oğul,
Ata ornï tuttï bulup eδgü yol. (QBN: 66a/14)

Ma’nosi: *Otasini yo‘qotdim. Lekin bu(nday) o‘g‘il ezgu yo‘lni bilib otasini o‘rnini bosdi.*

*Munuqï* so‘zining “Qutadg‘u bilig”dagi ma’nolaridan yo‘lga chiqqan holda *munuqï* > *munaqa/bunaqa* shakllari yuzaga kelganini, o‘zbek tilidagi *unaqa, qanaqa* so‘zlarining ham etimologiyasi ravshan bo‘lishini qayd etish zarur. Demak,

*munuqï/munaqï* > *munaqa/bunaqa; unuqï/unaqï* > *unaqa; qanuqï* ("qaysi" ma'nosidagi *qanu* va *-qï* egalik bildiruvchi qo'shimcha) > *qanaqa* shaklida etimologik tahlil qilish mumkin bo'ladi.

Xulosa o'rnida avvalo "Qutadg'u bilig" turkologiyada uzoq yillardan beri o'rganilayotgan bo'lishiga qaramay ummonday asar bo'lgani bois hali hanuzgacha ilg'anmagan qirralari bor ekani namoyon bo'lmoqda. Asarda xitob undov va yuklamalari mohirlik bilan foydalanilib, xalq tiliga uyg'unlashtirilgan, xalqona uslub yuzaga keltirilgan. *-a/ä* xitob yuklamasi ko'rsatish olmoshiga kelganda vokativ kelishik qo'shimchasidek ko'rinsa-da, fe'llar bilan qo'llangan holatlari uni kelishik qo'shimchasi bo'lish ehtimolidan uzoqlashtiradi. Shu bilan birga braxmi harfli matnlarda faqat yo'g'on unli bilan yozilgani uning so'z yoki shakl yasovchi qo'shimcha ham bo'la olmasligini ko'rsatadi. Demak turkiy tilda eng eski matnlardan beri qo'llanila kelgan xitob bildiruvchi *-a/ä* unsurini yuklama yoki ba'zi tadqiqotlarda ko'rsatilganidek undov sifatida qayd etish mumkin.

O'zbek tilidagi *mana, ana, bunaqa, unaqa, qanaqa* so'zlarining etimologiyasini asarda tez-tez qo'llanilgan *munïqï* so'zidan dalillashga harakat qilganimiz ham bejiz emas. Chunki "Qutadg'u bilig"da uchrovchi har bir so'z bizga hozirgi turkiy tillardagi so'zlarning etimologiyasini topishda buyuk manba bo'lib xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Eraslan, K. (2012). Eski Uygur Türkçesi Grameri, TDK Yayınları, Ankara.
2. Ercilasun, A.B., Akkoyunlu, Z. (2014). Dîvânü Lugâti't-Türk, TDK Yayınları, Ankara.
3. Gabain, A., Akçalı, B. (2013). Eski Türkçede Zamirler. Türk Dili Araştırmaları Yıllığı - Belleten, 61 (1), s. 131-142.
4. Klauson, S.J. (1972). An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth Century Turkish, Oxford.
5. Mert, O. (2002). Kutadgu Bilig'de hâl kategorisi (Basılmamış Doktora Tezi). Erzurum: Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü.
6. Sev, İ.G. (2015). Kutadgu Bilig'de *Munu* Gösterme Edatı, TÜRÜK Uluslararası Dil, Edebiyat ve Halkbilimi Araştırmaları Dergisi Yıl:3, Sayı:5 Sayfa:24-36.
7. Tekin, Ş. (1992). Eski Türkçe. Türk Dünyası El Kitabı, C. II (Dil-Kültür-Sanat), Ankara: Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü Yayınları, 69-119.
8. Erdal, M. (2004). A Grammar of Old Turkic. Leiden: Brill.
9. QBN – "Qutadg'u bilig" Namangan nusxasi: O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti, 1809- ko'rsatkichli qo'lyozma; Kutadgu Bilig Fergana nüshası. Tıpkıbasım. II. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
10. QBH – "Qutadg'u bilig" Hirot (Vena) nusxasi: Kutadgu Bilig Viyana nüshası. Tıpkıbasım. I. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
11. QBQ – "Qutadg'u bilig" Qohira nusxasi. Kutadgu Bilig Viyana nüshası. Tıpkıbasım. III. Cilt. Ankara: Türk Dil Kurumu, 2018.
12. Sodiqov, Q. (2017). Mahmud Qoshg'ariy. Devonu Lug'ati-t-turk (Turkiy so'zlar devoni). Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.

## “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” ПОЭТИКАСИ

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ҲАҚИДА

***ТЎХЛИЕВ БОҚИЖОН***
*филология фанлари доктори, профессор*
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

Тарихда номлари қолган буюклар кўп. Улар ўзларининг кенг ижодий фаолияти, кўплаб илмий, тарихий, адабий асарлари билан замондошларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонишган, кейинги авлодларнининг ҳам эътирофларига сазовор бўлишган.  Аммо шундай итжодкорлар ҳам борки, улардан фақат биргина асар етиб келган холос. Маҳмуд Кошғарий (“Девону луғот ит-турк”), Юсуф Хос Ҳожиб (“Қутадғу билиг”), Аҳмад Югнакий (“Ҳибат ул-ҳақойиқ”)лар мана шу силсилага киради.

Уларнинг учаласи ҳам Шарқ Ренессанси – Уйғониш даврида яшаган аниқроғи, ўша илк Ренессанснинг равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Адам Мец “Мусулмон Ренессанси”, акд. Н.И.Конрад “Шарқ уйғониши” деб номлаган ушбу давр кўплаб мутафаккирларни, буюк алломаларни майдонга келтирган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Ибн Синолар ўша даврлардаёқ жаҳоний эътирофларга сазовор бўлишган. Юқоридаги уч мутафаккир ҳам шу силсиланинг муносиб ҳалқаларидир.

Биз бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Уйғониш даврининг асосий хусусиятларидан бири маданий ва тафаккурдаги юксалишнинг очиқ намоён бўлиши билан белгиланади. Унинг асл моҳиятини жаҳолат ва мутаассибликка ўт очиш, инсонни улуғлаш, унинг истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқариш, умуминсоний ва миллий-маънавий фазилатлар уйғунлигни тарғиб ва ташвиқ этиш ташкил этади. Айни мана шу жиҳатлар Юсуф Хос Ҳожибни ҳам илк Уйғониш даврининг муносиб вакилига айлантирган.

Юсуф Хос Ҳожиб туркий дунёнинг бахти ва иқболидир. У айни мана шу миллат шарафи деб яшади, ижод қилди, ўзининг буюк қумаруси – миллат учун меросини қолдирди. “Турк” деган сўзнинг ўзи Юсуф Хос Ҳожибнинг фахру ифтихори манбаи бўлган. Эътибор берайлик, Юсуф Хос

Ҳожиб туркий давлатчиликнинг қайта тикланаётганидан, бу давлатнинг юксалиш йўлига кираётганидан фахр туйғуларини туяди:

Байат бэрди давлат э түркән қуты
Аныӊ шукры қылғу оқыб мыӊ аты

Эй, туркларнинг бахти , худо (сенга) давлат берди,
Мингта номини ёд этиб, унинг шукрини қилиш керак. )

(Юсуф хос Ҳожиб, 1972 : 78-79. Барча мисоллар шу нашрдан олинган)

Адиб турк ҳоқонининг номини китобга киритилишини алоҳида қайд этади. Шунда ҳам унинг бошқалардан ажралиб туришини, ўзига хослдигини алоҳида урғукдлайди. Бу урғулаш ҳам яна “турк” сўзига боғланади:

Китабка битинди бу хақан аты
Бу ат мәӊү қалды э түркән қути

Бу хоқоннинг оти китобга ёзилди,
Бу от мангу (бўлиб) қолди, эй, турклар бахти

Адибнинг дуолари, тилаклари ҳам мана шу турк мамлакати, турк миллати билан чамбарчсас боғлиқ:

Тирилсүни түркән қуты мыӊ қутун
Тэлинсүни көрмәз қарақы отун

Турклар қути минг бахт(лар) билан яшасин,
Кўра олмайдиган(ларнинг) кўзи ўт билан тешилсин.

Адибнинг “Қутадғу билиг”да бошқаларнинг эътиборига етказиши лозим бўлган фикрлари кўп ва бу фикрларнинг ифода тарзи ҳам шунга мос ва муносиб тарзла ранг-барангдир. Шунга қарамасдан уларнинг энг саралари қаторида у миллий-маънавий омилларни алоҳида ажратади. Табиийки, бу омиллар орасида туркийларнинг ўзигагина тегишли бўлган маънавий манбалар бош планда туради. Уларнин асосий қисми эса яна турк билан, туркчилик билан алоқадор:

Масал кэлди түркчә муӊар мэӊзәтүр,
Аны сөзләдим мэн муну йаӊзатур.
Уқуш көрки сөз-ул бу тил көрки сөз,
Киши көрки йуз-ул бу йүз көрки көз.

Бунга ўхшатадиган туркча масал бор,
Бунга мослаб шу (масал)ни сўзладим:
Зоковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир.

Юсуф Хос Ҳожиб мисолларни танлайди, саралайди. Ўнлаб ва юзлаб намуналар орасидан миллий-маънавий қобиқ билан қоплангани аниқ билиниб турган намуналарга устуворлик беради:

Көрү бэрсә эмди бу турк бэгләри
Бу турк бэгләриндә тақы йэгләри
Бу турк бэгләриндә аты бэлгулуг
Туға алп эр эрди қуты бэлгулуг
Бэдуг билги бирлә өкуш эрдәми
Билиглиг уқушлуғ будун көдруми
Тәжикләр айур аны Афрасийаб
Бу Афрасийаб тутты элләр тилаб

Энди боқиб **кўрсанг** бу турк беглари,
Бу турк бегларининг янада яхшилари.
Турк беглари орасида оти белгилик,
Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.
Билими — буюк ҳунар(лар)и — талай.
Билимли, заковатли, халқ_ орасида сараси.
Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар,
Бу Афросиёб элларни ўз тасарруфига олиб тутди.

Туркий мақол намуналари ҳар доим халқнинг орасида тарбиянинг энг таъсирчан воситаси ҳисобланган. Халқ буни яхши билган. Табиийки, шу халқ вакили бўлган Юсуф Хос Ҳожиб ҳам уларнинг маънавий имкониятларини, таъсир доираси ва кучини жуда ёрқин тасаввур этган. Шунинг учун ҳам бу борада ҳам устуворликни яна туркий мақолларга берган:

Муңар мэңзәту кэлди туркчә масал
Оғықыл муны сэн кәңул өгкә ал.
Уқушлуғ кишикә эши таб уқуш,
Билигсиз кишикә аты таб сөкуш.

Туркчада бунга ўхшайдиган масал мавжуд,
Сен бу масални уққин, кўнгилга ва миянгга жойла:
Заковатли киши учун заковат етарли эшдир,
Билимсиз кишининг оти фақат таҳқирга лойиқдир.

Қадимги туркийлар боболар культига алоҳида эътибор беришган. Аждодларнинг тажрибалари, панд ва ўгитлари муқаддас ҳисобланган. “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” мақоли бежиз яратилмаган. Асарда айни мана шу омил ҳам алоҳида эътибор билан кузатилади:

Нэку тэр эшит эмди туркчә масал
Башында кэчурмиш бу көкчин сақал.
Энди (бу) туркча масални эшитгин, (унда) нима дейди,
Ўз бошидан кечирган оқсоқол (ёши улуғ киши).

“Кўкчин сақал” фақат соқолнинг ранги ва кўринишини ифодалаётгани йўқ. Метонимия сифатида у айни пайтнинг ўзида шу соқол эгасини ҳам акс эттирмоқда. У кўпгина туркий халқларда ҳозир ҳам қўлланадиган “оқсоқол”нинг ўз ва кўчма маънолари билан уйғун келади. Кейинги маънода у тажрибали, билимдон ва ёши улуғ инсонларни англатиб келади. “Башында кэчүрмиш, йашамыш киши” (бошидан (кўп нарсаларни) кечирган, (узоқ йиллар) яшаган” ифодалари ҳам, “авичға” сўзи ҳам шу маънони англатади.

Айрим касб-ҳунарлар, амал ва лавозим номлари ҳам айни мана шу вазифага бўйсундирилган:

Йэмә йақшы аймыш бу турк буйруқы
Көрур кез йаруқы оғул-қыз уқы

(Бу ҳақда) турк саркори янада яхши сўзлабди:
Кўрар кўзнинг нури ўғил-қиздир, билгин.

Айрим қабила бошлиқлари, улус раҳнамолари тилга олинган ўринларда (“Йағма беги” (Каримов, 1972: 304-305), “Ила атлқғы” (Каримов : 380), «Уч орду ханы» (Каримов: 380) ҳам худди мана шу боболар культининг излари анчайин ёрқин сезилиб туради.

Буларнинг барчаси битта мақсад билан, яъни инсон маънавиятига дахл қилиш, ундаги яхши ва эзгу жиҳатларни шакллантириш, кўпайтириш ва барқарор ҳолга келтириш нияти билан қилинган ишлардир. Адиб энг аввало инсондаги табиийлик ва самимийликни, ичи билан ташининг бир хил бўлишини талаб этади:

Ташы-ул ичи-ул ичи-тэг ташы
Бу йаңлығ болур-ул көни чын киши

Ичи сиртидек, сирти зса ичидек,
Тўғри, рост киши мана шу янглиғ бўлади.

Шунга қарамай, фақат язхши одамларнинг ўзи ҳам икки хил бўлади. Уларнинг бири асл эзгу бўлиб, Юсуф уларни “туғма”деб айтади. Иккинчи тоифа эса гарчи дастлаб эзгулар гуруҳида бўлса-да, ёмонларга яқинлашиши билан ўша томонга эгилиб кетиб қолиши ҳам мумкин. Уларга адиб томонидан “ўткинчи” номи берилган.

Айни пайтда ёмонлар (адиб уларни “эсизлар” деб атаган) ҳам икки тоифага бўлинади: улар ҳам туғма ёки ўткинчи бўлади. Адиб уларни умум-

лаштириб, эзгудан олам аҳлининг эзгуликлар олишини, ёмонлардан эса дунёга бало ва офатлар ёғилишини қайд этади. Адибнинг назарида:

Өруң сут билә кирсә эдгу қылық
Өлум тутмағынча эвурмәс йорық
Яъни эзгу қилиқ оқ сут билан китрар экан,
умрнинг охиригача ҳам шу йўлни йўқотмайди.

Шунинг учун ҳам халқ бошлиқлари эзгу бўлиши шарт. Шунда ажойиб натижа бўлади:

Қалы эдгу болса будун башчысы
Қамуғ эдгу болды аның ишчиси
Агар халқнинг бошчиси яхши бўлса,
Унинг хизматчилари барчаси яхши бўлади.

Албатта, кишиларнинг яхши ёки ёмон деган гуруҳларга ажратишнинг ўйизига хос ўлчов бирликдлари ҳам мавжуд. Ўулардан бири билимдир. Адиб бунинг учун ниҳоятда гўзал қиёсни топади. Билимлининг сўзи оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Билимсизнинг кўнгли эса саҳродаги қум билан баробардир:

Билиглиг сөзи йэркә сув-тэг турур
Ақытса сувуғ йэрдә нэъмат унур.
Билиглиг кишиниң савы әксумәс
Ақығлы сузуг йўл сувы әксумәс
Өйуг чим осуғлуғ болур билгәләр
Чықар сув қайуда адақ урсалар
Билигсиз киши көңли қум-тэг турур
Өкуз кирсә толмас ап от йэм унур

Билимлининг сўзлари ер учун сув кабидир,
Сувни оқизилса, ерда анвойи неъматлар унади
Билимли кишининг овозаси камаймайди,
Оқувчи зилол булоқнинг суви камаймайди.
Донолар чим (кўк) ўсадиган сероб ер каби бўладилар,
Унинг қаерига оёқ урилса, (зилол) сув чиқади.
Нодон киши кўнгли қум (чўл) каби бўлади,
Емиш, ўт ўсиши у ёқда турсин, унга дарё оқиб кирса
ҳам тўлмайди.
Адиб Ойтўлди тилидан шундай хулосаларини баён этади:

Қамуғ нәңгә вакт-ул куни бэлгулуг
Нафас тын тоқырқа саны бэлгулуг
Йыл ай кун кэчәр-тэг тириглик кэчәр
Кэчәр кун кэчургәй сэни бэлгулуг.
Барча нарсанинг вақти-соати ва куни белгиликдир,
Нафас ва тин олишнинг сони белгиликдир.

Йил, ой, кун ўтганидек тириклик ҳам ўтади,
Ўтаётган кунлар сени ҳам албатта ўтказади.

Шундай экан, қандай йўл тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг жавобини адиб Ойтўлдининг ўғлига берган ўгитлари сифатида тақдим этади:

Увутсуз кишидин йырақ тур тэз-ә
Мэниңдин миң алқыш увутлуғ узә
Қамуғ иштә эвмә сэрин өз бақа
Сэримлуг кишиләр тэгир арзуқа
Қайу йэрдә эрсә йорық отру тут
Йорық отру тутса сэңә өргә қут
Тилиңни көдәзгил көзуңни көдәз
Боғузны көдәзгил ҳалал йэгил аз
Будун муңқа болса йырақ тур қача
Қара булғақынга қатылма сэчә

Мазмуни:

Уятсиз кишидан зинҳор йироқ тур,
Уятлиларга мендан минг-минг олқишлар бўлсин.
Барча ишда ҳам шошилма, сабрли бўл, ўйлаб кўр,
Сабрли кишилар орзуга етади.
Қаерда бўлмасин феъл-рафторни мўътадил тут,
Феъл-рафторни мўътадил тутсанг, қут сенга ўрмалаб
келаверади.
Тилингга эҳтиёт бўл, кўзингни асра,
Нафсингни сақла, ҳалол ва оз егин.
Халқ хиёнатга ҳозир турган бўлса,
улардан йироқ тур, қоч,
Авомнинг исёнига била туриб аралашма.

Адибнинг назарида, энг муҳим қадриятлардан бири инсон умридир. Уни беҳуда ва ҳайф қилмаслик керак. Ҳаётда аниқ мақсади бўлган кишилар ўзига нима керагини билади. Шунинг учун ҳам улар беҳудакорликдан тийилишади, азиз умрни муносиб нарсаларгагина сарфлашади. Бир нарсани эсдан чиқармаслик лозимки, бу дунёда ҳар ким экканинигина ўради, холос:

Тарығлағ эрүр дунйа элиг қуты
Тарыса орар эр тирилгү оты
Нэкү эксә йэркә йана ул үнүр
Нэкү бэрсә эврә аны-оқ алур.

Бахтиёр элиг, бу дунё бир экинзордир,
Экин унса, киши ўз ейдиган ўтини ўради.
Ерга нима экса, ўша нарса унади,
Сенга (табиат) нимани берса, ўшани яна қайта олади.

Дунё моли шўр сувга ўхшайди, ичган билан кишининг чанқоғи қонмайди. У кўланкага ўхшайди, қувсанг қочади, қочсанг, сенга ёпишиб олиб ортингдан келаверади. Ёки у бир рўёга ўхшайди: узоқдан кўриниб турганга ўхшаса-да, яқинлашиб борсанг бирданига йўқолади.

Албатта, жамиятда турли тоифалар бор. Уларнинг зиммаларидаги вазифалар ҳам ранг-баранг. Шунга қарамай, бошлиқ ва халқ деган тушунчалар бор. Уларнинг ўртасида эса турли-туман амалдорлар ҳам фаолият кўрсатади. Адиб шундай ўхшатишни келтиради: халқ қўйга, мамлакат бошлиғи унинг қўйчисига ўхшайди. Сарой амалдордлари эса оч бўридай гап. Агар қўйчивон қўйларни авайлаб асрамаса, уларни оч бўрилар еб битиради.

Бу дунёдаги одам сафарга чиққан кишига ўхшайди. Бу сафар узун йўлдан иборат. Узоқ йўлга тушган киши эса унга муносиб тайёргарлик кўриши керак. Барча орзуларга эришдим деган киши, умрининг ҳам тугаганини билмай қолади. Ҳашаматли уй ва саройлар қуришнинг нафи йўқ – сени қора ердан иборат қабр кутиб турибди. Шунинг учун ҳам баъзи нарсалардан тийилиб, баъзи нарсаларга куч бериш лозим. Хусусан, ҳаромга аралашмаслик, зулм қилмаслик, киши қонини тўкмаслик, хусумат ва ўчдан тийилиш шарт.

Адиб зулм ва адолатни жуда ёрқин ифодаларда тасвирлаб кўрсатади:

Күйәр от турур күч йағуса күйәр
Төрү сув турур ақса нэъмат үнәр
Узун эл йэйи тэб тэсә эй бөгү
Төрү түз йурытғу будунуғ көгү
Эл артар төрү бирлә этлүр ажун
Эл эксүр бу күч бирлә бузлур ажу

Мазмуни:

Зулм ёниб турган ўт (каби)дир, яқинлашса куйдиради,
Адолат (эса) сув (каби)дир, у оқса, неъмат унади.
Элни узоқ идора қилайин десанг, эй доно,
Сиёсатни тўғри юритиш, халқни шарафлаш керак.
Адолат билан эл ривожланади, олам гулистон бўлади,
Зулм туфайли эл инқироз топади, олам бузилади.

Олам карвонсарой. Ҳар бир одам эса шу йўлдаги карвонларнинг биттаси. Энди тасаввур қилинг, карвон карвонсаройда қанча муддат тўхтаб туради? Демак, сен кўчишингдан олдин кўчларингни юборишни ўйла. Табиийки, олдин юборилиши лозим бўлган ”кўч” инсоннинг эзгу амалларидир.

Юсуф Хос Ҳожиб уят-андишани эзгуликнинг ҳимоячиси ва ёмонликнинг тўсиғи деб билади. Муҳими, обрў, уят сингари тушуналар соф туркий ифодалар билан номланади:

Байат кимкә бэрсә овут көз сувы
Аҥар бэрди давлат тугәл йүз сувы

Худо кимга андиша-уят ва фазилат бахш этса,
Унга давлат ва тугал иззат-обрў беради.
Адибнинг энг олий шиорларидан бир эса мана бундай:
Кишилар ара, кўр, киши ул бўлур,
Анингдин кишилар асиғлар булур.
Кишилар орасида (ҳақиқий) инсон шу бўладики,
ундан бошқалар наф, манфаат топади.

Назаримизда айни мана шу ҳақиқат бугун ҳам ўз кучида турибди. Адибнинг ўгитлари бугун ҳам ҳаётийлигин тўла сақлаган. Биздан эса унга амал қилиш ва замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни шу йўлдан бирга-бирга юришга ҳамкорлик талаб этилмоқда, холос.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Саодатга йўловчи билим.
2. Трансккрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. - Тошкент, фан, 1972.

# IDEAL PEOPLE AND THEIR CHARACTERISTICS IN KUTADGU BILIG

***AYŞE YÜCEL ÇETİN***
*Prof. Dr. G.Ü.Gazi Eğitim Fakültesi Öğretim Üyesi*

Humans, who are accepted as a bio-psycho-social beings, have a structure that tries to challenge themselves since they were born, try to get to know themselves, the environment they were born in or live, and the universe they live in, thus they are constantly active and constantly developing themselves with the knowledge they acquire.

Throughout historical periods, it is seen that there are constant searches for human types idealized by human and human characteristics. Every civilization, every religion and every period have its own human description both philosophically and within the framework of religion.

Aristoteles glorifies human as a being that learns, knows, acts, builds the society and makes production (Aristoteles 1975: 9). According to him, these characteristics of human beings are wisdom, and wisdom connects human with the superior world. Plato considers human within the framework of an eternal spirit that enters a body by descending from the universe of ideas to the material life and returns to where it comes from by following cycles and he also handles

human within the structure of the society and State he lives in (Yakıt 1987). According to Cicero, the fact that the soul one of the body-spirit duo which constitutes human, is given by God makes man valuable. According to him, all actions of people are related to belief and man is sacred for him (Cicero 2013: 8). Fârâbî ideates human as a being that lives, thinks, has a purpose and that is created in order to reach the highest perfection by stating that what glorifies people is to have wisdom. According to Ghazali, human being is a candidate for having knowledge on reality and human is glorified as a sole being to achieve this function.

The basic reference sources of thinkers who ideate humans throughout various periods of history are undoubtedly the belief structure and field of knowledge of the period. Human beings are glorified in the beliefs that feed universe description of the human and society, and exemplary characters among the glorified people are idealized.

Even though it was systematized by Ibn Arabi, description of superiorly created human bases of which also exist in Turkish thought system, flourished after the Islamic period and reshaped as a perfect human being/mature-perfect human.

In the Orkhon Inscriptions; the statements of " When the blue sky above and the brown earth below were created, between them a human being was created. " (Ergin 2009: 8) conveys the information in the Turkish thought system about the creation of human.

In Turkish-Islamic Philosophy, the concept of an "ideal person" is expressed in the phrase of "perfect human being". It means a mature or perfect human. This expression is used to explain the nature and greatness of human. With this concept, the human nature of human beings is idealized” (Yakıt 1987).

In Kutadgu Bilig, the idealized human being is the one who communes with the One. When describing his idealized human, Yusuf Has Hacib characterizes him as a honorable creature that has been honored by the love of God.

*Mini ol tiledi en aşnu sevip / He loved me first,*

*Anı men tiler boldım imdi ivip/ I am in a hurry I also want him* (KB: 4786).

The human idealized by Yusuf Has Hacib is a virtuous/moral person. The wisdom given to human beings, knowledge acquired by wisdom and use of knowledge make them moral human beings. Virtue is not only obtained through the knowledge that human can acquire through wisdom. Virtue is about goodness and, more importantly, with happiness given by God. If God blesses the human race, only then those virtuous people will be superior to others. Superiority is granted when a person is blessed and equipped with knowledge by God. Yusuf Has Hacib expresses the concept of goodness with the word virtue, which is closely related to human acts. If a person collects the good virtues in himself, gets rid of negativities and wants all the good things he wants for himself for others as well, then he has virtue. A virtuous manager is a fair manager, and it constitutes the center of heroism/heroic behavior in management approach.

*idi artuk erdem kerek ög bilig / To dominate and manage the world.*
*ajun tutğuka ötrü sunsa elig/ a great deal of virtue, wisdom and knowledge is required.*

*idi yakşı aymış azığlığ kür er/ The brave and young man hit the right note;*
*azığlığ eren berk tügünler yazar/ brave man unties knots well..*

*miñ erdem kerek bu cihân tutğuka/ It takes a thousand kinds of virtue to rule this world;*
*kür arslan kerek bu kulan basğuka/ To defeat the wild donkey, you gotta be a lion.*

*ajunçıka erdem kerek miñ tümen / Thousands kinds of virtues are needed to rule the world;*
*anın tutsa él kün kiterse tuman/ he manages everyone with it and lifts the veil of mystery (KB 281-284)*

According to Yusuf Has Hacib, the ideal person is four elite friends matched with their behaviors and described with their integrated characteristics. The characteristics of the four caliphs constitute the idealized type of human. The author, expresses his thoughts about role model typology by counting characteristics of Abu Bakr, Umar , Uthman and Ali:

*anıñ tört éşi ol awıñu körüp / These were his four loved friends;*
*kéñeşçi bular erdi birle turup/ These were his consultants by him.*

*iki kadın erdi küdegü iki / two were his father-in-law, two were his son-in-law,*
*bular erdi üdrüm bodunda yégi/ they were the best and most distinguished of all people.*

*'atîk erdi aşnu kamuğda oza/ Having believed in God ,*
*bayatka bütügli köñül til tüze Abu Bakr is the best with his honesty in heart and tongue.*

*yuluğ kıldı mâlı teni cânını / He sacrificed his property, skin and life;*
*yalawaç sewinçi tiledi köni / His wish was only the consent of the Prophet.*

*basa fârûk erdi kişi üdrümi /Having been elite and distinguished among people*
*tili köñli bir teg bodun ködrümi /There was Omer who was straight-out*
*bu erdi basutçı köni dînka kök/ He was the supporter and the basis of the true religion;*

*şerî'at yüzindin kiterdi eşük/ He lifted the curtain from the face of the sharia*
*basa 'usmân erdi uwutluğ silig- Then having been modest, gentle and elite*
*kişide üdürmiş akı kéñ elig /Uthman was the one that was generous and free-handed.*
*fidâ kıldı barın neñin hem özin / He sacrificed all his wealth and himself;*
*yalawaç añar bérdi iki kızın/ The Prophet gave him his two daughters.*

*'alî erdi munda basakı talu /There was Ali who was brave, hero and wise.*
*kür ersig yüreklig meñesi tolu/ Elite and couaegeous as well;*

*akı erdi elgi yüreki tedük/ He was free-handed and pure-hearted;*
*biliglig sakınuk kör atı bedük/ He was a wise person with taqwa and a great person.. (KB 49-59)*

Yusuf Has Hacib emphasizes the concept of "bey (mr)" while explaining the idealized type that will set an example for society. He emphasizes that seigniory should be a person with unique characteristics, just like the characteristics of the four caliphs. Being aware of the socio-cultural structure, general acceptances and values of the society he lives in, the author expresses the exemplary types with the concept of "bey" and shows the Turkish gentlemen as an example, emphasizing that the characteristics of different exemplary people are gathered in Alp Er Tunga (Çetin 2019).
*körü barsa emdi bu türk begleri /If you pay attention, you will see that,*
*ajun beglerinde bular yégleri / Turkish gentlemen are the best among gentlemen in the World.*

*bu türk beglerinde atı belgülüg /The famous one among these gentlemen and*
*toña alp er erdi kutı belgülüg /with clear prosperity was Tonga Alp-Er.*

*bedük bilgi birle üküş erdemi / He had high knowledge and a great deal of virtue;*
*biliglig ukuşluğ bodun ködrümi/ he was wise, sensible and elite.*

*ne üdrüm ne ködrüm ne ersig eren/ He was very elite, superior and brave;*
*ajunda tétig er yédi bu cihân/after all,wise people rule this World.*

*tejikler ayur anı efrasiyâb/ Iranians call him Efrâsiyâb;*
*bu efrasiyâb tuttı éller talap/ This Efrâsiyab invaded and conquered countries.*

*idi artuk erdem kerek ög bilig/ In order to rule and manage the World*
*ajun tutğuka ötrü sunsa elig/ A great deal of virtue, wisdom and knowledge is needed.*

*tejikler bitigde bitimiş munı/ Iranians put it in the book;*
*bitigde yok erse kim ukğay anı/ If he wasn't in the book, who would know him.*

*idi yakşı aymış azığlığ kür er/ The brave and young man hit the right note;*
*azığlığ eren berk tügünler yazar/ brave man unties knots well.*

*miñ erdem kerek bu cihân tutğuka / It takes a thousand kinds of virtue to rule this world;*
*kür arslan kerek bu kulan basğuka / To defeat the wild donkey, you gotta be a lion.*

*ajunçıka erdem kerek miñ tümen/ Thousands kinds of virtues are needed to rule the world;*
*anın tutsa él kün kiterse tuman/ he manages everyone with it and lifts the veil of mystery.*

*kılıç ursa bıçsa yağı boynını/ He steals a sword with these and cuts the enemy's neck;*
*törü birle tüzse éli bodnını/ keep his country and people under order by law. (KB 276-286)*

For human which is idealized in Kutadgu Bilig and got shaped in the Turkish cultural field and Islamic belief, four caliphs and Islamic sources, in particular Muhammad were shown as a reference. Turkish gentlemen from Turkish culture and Alp Er Tunga among these gentlemen, draws attention as a sign of reference to Turkish culture.

It is seen that Yusuf Has Hacib also used the Sufistic area as a source. Especially, social harmony depends on the knowledge of people. The ability of people to live in harmony in social life is valuable only in proportion to its benefit to that society. For this, people should be wise. In Kutadgu Bilig, knowledge and value of knowledge is explained with the following couplets:

*biliglig idi az biligsiz üküş / There are few wise people; there are lots of unilluminated people*
*ukuşsuz üküş bil ukuşluğ küsüş/ Note that there are many people with no understanding; those who are understanding are rare.*

*kişide kişi adrukı bar telim / There is a lot of difference from person to person;*
*bu adruk biligdin ayur bu tilim / this difference comes from knowledge, so that's what I say. (KB 199-201)*

*kişike tusulur kişi edgüsi/ good people are beneficial to others;*
*bu edgü kişi ol bodun todğusı/ Such an individual is necessary for people. (*KB 3248)

*kişi tép ayurlar kayu ol kişi / they call human, who is human;*
*kişike asığ kılsa itse işi / it is aperson who is beneficial to others and help them. (KB 3269)*
*kişike tusulmaz kişi ol ölüg/ Those who are not beneficial to others is like dead;*
*tusulğıl ölüg bolma ersig külüg/ Brave man, be beneficial not dead. (*KB 3408)

Tolerant and patient and respectful people with each other make it possible to live in peace. Yusuf Has Hacib frequently emphasizes the concept of "patience" in his books and emphasizes the patience of patient people:
*amulluk siliglik ukuş kılkı ol/ Calmness and grace are characteristics of mind;*
*ukuşsuz kişiler kamuğ yılkı ol/ unreasonable people are like a herd.*

*muñar meñzetü aydı şâ'ir bu beyt/ The poet said the following couplet similar to this;*
*işiñ tüşse iwme sabır birle ayt /If you need somebody's help, take your time, say it patiently.*

*iwe kirme işke sabır kıl serin/ don't set to work in a hurry, act patiently and deliberately;*
*iwe kılmış işler ökünçi yarın/ The rushed works bring regret tomorrow.*

*kamuğ işte iwme serin öz tutun/ Do not rush in any work, be patient, keep calm;*
*serinse bulur kul bu beglik kurın/ If man is patient, he finds seigniory at a high level. (KB 585-588)*

Justice is one of the indispensable values of society. Kün Toğdı emphasizes the necessity of being fair, especially the necessity of ruling people to act fairly and administering justice at the right time. It is among the characteristics of Turkish gentlemen to treat everyone equally and to manage them with justice. Yusuf Has Hacib says, "If you pay attention, you will see that, Turkish gentlemen are the best among gentlemen in the World "So that, he briefly describes the features of both state structure, governing people and governed people:

*kalı üç adakta emitse biri/ If one of the three legs tilts,*
*ikisi kamıtar uçar ol eri / the other two slip and the one sitting on it rolls over.*

*kamuğ üç adaklığ köni tüz-turur/ Everything with three legs stays sound and straight;*

*kalı bolsa tört kör bir egri bolur/ if it has four legs, one may be crooked.*

*kayu neñ tüz erse kamuğı uz ol/ Everything flat is good;*

*kamuğ uz körü barsa kılkı tüz ol/ if you pay attention you will see that every good person has good attitude and behaviour.*

*kayu neñ emitse kör egri bolur/ Whatever tilts over, it gets crooked;*

*kamuğ egriler isiz urğı bulur/ every crookedness has seed of evil.*

*kayu tüz emitse turumaz tüşer / If the flat tilts over, it can't stand, it falls;*

*kayu neñ köni bolsa tüşmez serer/ whatever is true, it won't fall off, it stays in place.*

*meniñ kılkım ol kör emitmez köni/ Look, my nature doesn't also tilts over,*

*köni egri bolsa könilik küni/ is straight; if straight one leans, all hell broke loose.*

*könilik özele keser-men işig/ I handle things fairly;*

*adırmaz-men begsig ya kulsığ kişig/ I don't discriminate people as lord or human and servants*

*bu bögde biçek kim eligde-turur You skilled person, this knife in my hand*

*bıçığlı kesigli-turur ay unur/ tool that cuts and crops.*

*biçek teg bıçar-men keser-men işig /I settle once and for all;*

*uzatmaz-men da'vî kılığlı kişig / I do not extend the work of those who claim their right (KB 803-811*

Yusuf Has Hacib wrote his book Kutadgu Bilig, with the idea of creating an ideal society by taking into account the general acceptances of the period, world view and Turkish lifestyle in his book. Each member of the society that aims to create an ideal society in his book must also be equipped with the precious provisions of the society that is desired to be created. Therefore, Yusuf Has Hacib drew a role model profile according to the understanding of the period. When writing his work based on the Islamic understanding and the Turkish civilization having lived in his period, he took advantage of other cultures and civilizations and he critically examined the social structure of his period, highlighted exemplary behaviors in the society, and studied on how society and people should be. The book conveyed the characteristics of the type of human idealized by Turkish society in an idealized lifestyle and ideal life style rather than being a moral book of politics or ethics.

**Bibliography:**

1. Alıcı, Mehmet (2015), *Maniheizm*, (Ed.: B.Adam ), Dinler Tarihi El Kitabı, Ankara , Grafiker Yayınları, 267-288
2. Aristoteles (1975), Politika, (Çev.: Mete Tuncay), İstanbul, Remzi Kitabevi.
3. Cicero (2013), Yükümlülükler Üzerine, (Çev.: C.Cengiz Çevik), İstanbul, Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları.
4. Çetin, İsmet (2019), Kutadgu Biligde İdeal İnsan Tipolojısı: Kahraman, XIV. Uluslararası Büyüktürk Dili Kurultayı Bildirileri Kitabı, Ankara, 304-311.
5. Çetin, İsmet (2019), Edebiyat, Tenkit, Toplumsal Dönüşüm ve Siyasetnâmeler: Kutadgu Bilig Örneği, Yazılışının 950. Yılı Anısına Uluslararası Kutadgu Bilig ve Türk Dünyası Sempozyumu Sempozyum Bildiri Kitabı, Ankara, (Ankara Hacı Bayram Veli Üniversitesi, Web Tabanlı Elektronik Yayın), 961-970. Ergin, Muharrem (2009), Orhun Abideleri, İstanbul, Boğaziçi Yayınları.
6. Yakıt, İsmail (1987), Türk-İslam Düşünürü Mevlânâ'ya Göre İdeal İnsan Tasavvuru, İstanbul Üniversitesi Felsefe Arkivi Dergisi, 26, 167-183.
7. Yitik, Ali İhsan (2015), *Budizm*, (Ed.: B.Adam ), Dinler Tarihi El Kitabı, Ankara , Grafiker Yayınları, 351-379.
8. Yusuf Has Hacib (2007), Kutadgu Bilig-I-Tercüme (Terc.: R.R.Arat), Ankara, TTK Yayınları.
9. Yusuf Has Hacib (2007), Kutadgu Bilig-Metin, (Haz. M. Kaçalin), Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayını (e kitap).

# KUTADGU BILIG AS A SOURCE OF VALUES EDUCATION

***İSMET ÇETİN***
*Prof. Dr. Gazi University, Ankara*

The entrance of societies into a new century, the beginning of the industrialization process, the social mobility and migration to industrial centers began to be used as a social-moral concept from the 19th century. Especially in the process of the mobility of societies, the concern about the social structure that caused value-centered studies to start. The value, which is perceived and conceptualized differently in every period and every society in parallel with social developments, has gained the meaning as a set of rules that generally provides harmony in the social structure, guides for individuals and society, and can vary according to the structure of the society. Regardless of which period, society or belief, the value judgments are different from each other, but harmonious and consistent.

The concept of value is also related to morality in one aspect, as it reflects the acceptance of positive and good in the distinction between positive and

negative of individuals and the society they live in. It is interpreted as the general acceptance of demanding or rejecting individual and social behaviours and practices. The value that forms the basis for the meaning of the human being and therefore the society's contribution to the process of gaining personality and identity is a dimension of consciousness. (Kuçuradi 1996:181). In addition to being the basic criterion that individuals use in the formation of their individual preferences, it is also the basic criterion in the formation of the preferences of the social structure. These values, which are stored one by one in personal memory, are accepted and implemented by the society and stored in collective memory. Therefore, value is seen as the consciousness dimension of both the person and the society. The value system, which is integrated with the belief of the society and whose sanctions become stronger in the society, is also seen as a tool for disciplining the society. Even if not written, laws that determine the behaviours should be obeyed and should not be obeyed, are also built on social values and may change over time according to the structure of the society. However, its main structure is kept in the social memory.

Morality, which is accepted as individual, is live on the basic values that the society subconsciously hides and gains a general meaning by living on the belief of the society according to the conditions of the time. This structure, which can be expressed as social morality, also opens a new door into the creation of a developed society that is idealized by the society. The formation of a developed society can be explained by the virtue of the people. Farabi builds the relationship between people and society on the city formed by a society where real happiness and solidarity are achieved. According to him, people living in the happy city, which is defined as the perfect city, form a virtuous society only to the extent that they help each other. (Farabi, 2013:97-98).

Yusuf Has Hacib idealizes a virtuous society during his lifetime. He uses his sources of knowledge to make the society “happy”. He wants to reshape the values hidden in the subconscious of the society by reforming them with the information sources of his period and to create the happy society that he idealizes.

Political treatises, while dealing with the issue of how the ruler-managed relationship should be in the state administration, advise statesmen to demonstrate a fair administration. Kutadgu Bilig, in harmony with the belief structure of the period, "written in the spirit of Islam from beginning to end" (Barthold 2017). Kutadgu Bilig explaining the things that should and should not be done according to the structure of the society was written "In order to show man the way to be blessed in the full sense in both worlds”.

Yusuf Has Hacib builds Kutadgu Bilig on four foundations. These are justice, state, mind and persuasion. Justice, as Kün-Toğdı, is conceived as a ruler and represents the idealized leader profile with the task of ruling the society in harmony. The state, which is an institution to live in happiness / peace, is included in the work as Ay Toldı. The mind, which symbolizes the rational behaviour that

should dominate the government of the state, has been used instead of the vizier. The vizier is the ruling character. It is the "state mind" that should be in the state administration. The mind, who was imagined as the son of the vizier, is named as Öğdülmiş. Living by rules in the social structure, showing mutual respect for the rights of individuals and being content with what they have in a fair management, is taken part as Odgurmuş, which is conceived as health / happiness at the end of the opinion.

Kutadgu Bilig focuses on the type of person with superior values to create a happy society. The mind given to human beings, the use of the knowledge and knowledge obtained by mind make them a virtuous human being. Virtue is not only through the knowledge that a person can acquire through reason. It is about the sacred given by God. If God blesses the person, he will only be a virtuous person, superior to other people. The virtue of a person is a set of values envisioned before the period when Kutadgu Bilig was written. Because the expressions engraved on the Göktürk Bengü Stone "When the black ground at the bottom and the blue sky at the top were created, human beings were created between the two..." and the couplets in Kutadgu Bilig express that human and distinguished people will rise with knowledge. This indicates that the government of the state is based on the knowledge given by God in the first degree and prioritizing the person / leader / mind. Knowledge as a value is the element that can be reached by the human mind. It enables people to distinguish between positive and negative, good and bad contrasts that can be reached with their minds. Values indicating whether something is good or bad are the elements that enable people to characterize their thoughts and behaviours (Güngör, 2000: 27). Norms, rules, values that form the basis of social life are learned from the existing lifestyle and cultural background. Güngör who expresses this type of learning as "role learning", "social learning" points out that it covers a whole life of a person (2000: 59-70, Yücel Çetin 2019). This learning / knowledge acquisition, which covers human life, is valid for the whole society. It is stated in Kutadgu Bilig that the importance of mind / knowledge and glorification of God:

| | |
|---|---|
| *törütti üdürdi seçü yalñukuğ*<br>*añar bérdi erdem bilig ög ukuğ* | *God created man, raised him by choosing; he gave him virtue, knowledge, mind and understanding.* |
| *bilig bérdi yalñuk bedüdi bu kün*<br>*ukuş bérdi ötrü yazıldı tügün* | *He informed him and man rose today; he gave him understanding and so the knots were broken.* |
| *biligni bedük bil ukuşnı uluğ*<br>*bu iki bedütür üdürmiş kuluğ* | *Know knowledge great and understanding almighty; these two things raise the elite creature. (KB 148-152)* |

"Goodness" as a value is one of the dominant features of the wise leader. The leader has to be "good" with his rational management and make the society

"good / happy". This is one of the properties wanted since the early ages of humanity. In the words of Kemal Abdulla, the leader has been a wise, teacher and writer since the cave period (Abdulla 2020: 91). Kutadgu Bilig expresses gentlemen as role models as follows:

| | |
|---|---|
| *kalı edgü bolsa bu begler kutun<br>kamuğ edgü boldı karası bütün* | *If men, by chance, are decent; their community will be decent too.* |
| *kalı edgü bolsa bodun başçısı<br>kamuğ edgü boldı anıñ işçisi* | *If the head of the community is decent, all his officers will be decent too. (KB 891, 894)* |

One of the important features of a good manager is that he has the initiative to apply existing laws and to govern according to custom in cases where there is no law. This indicates that he is correct. One of the social values, righteousness is necessary for both the leader, the manager / administrator and the governed. If the leader is accurate, the people will be accurate.

| | |
|---|---|
| *bedüklük tilese bodunka uluğ<br>ödürke açuk tut könilik yoluğ* | *If you want to be great and lead the public, do not go astray. (KB 1293)* |
| *isiz kılkı tutma ay elgi uzun<br>isiz kılk ulıtur ikigün ajun* | *Ey administrator, do not adopt misbehaviours; misbehaviour causes you to groan in both worlds. (KB 1463)* |

*Morality is the foremost of both the person and society, and perhaps the set of values. In Kutadgu Bilig, virtue and morality are seen as two essential elements that are inseparable from each other. Therefore, virtue is the subject of morality, and morality is the basic element whose existence cannot be discussed in the person and society. Four basic values are discussed within the general framework of "morality" in Kutadgu Bilig. Being truthful / not telling lies, obeying the rules set for maintaining social harmony, being compassionate, being determined and brave are the basic principles of being a governor and the values to be adhered to. These values are necessary not only for governor but also for all members of society.*

| | |
|---|---|
| *tuçı beg bolayın tése belgülü<br>bu tört neñ kerek ötrü tegse ülüg* | *To always remain a famous governor (bey), if Allah ordains, these four things are necessary.* |
| *biri til köni bolsa kavli bütün<br>ikinçi törü kılsa ilke kutun* | *One of them is to be truthful, the second is to apply the law in the country with the state.* |
| *üçünçi elig yazsa bolsa akı<br>tegürse bodunka bağırsaklıkı* | *The third is to be open-handed and generous, showing compassion to the public.* |
| *bu törtinç titimlig kerek bolsa alp<br>yağı boynın egse işin kılsa yarp* | *The fourth is to be determined and brave, subjugating his enemy and doing homeland affairs.* |

| | |
|---|---|
| *kayu beg bu tört iş tükel kılmasa*<br>*irüklük kirür ilke anda basa* | *If any governor does not fulfil these four thing; properly, hometown teeters.* |
| *bu ol emdi beglik köki yıldızı*<br>*bu ol edgü begler yorıkı izi* | *This is the root and foundation of the governorship;*<br>*This is the way that governors, who have good leadership qualities, live in and will live in. (KB 5902-5907)* |

In various countries, root values have been determined according to the social structure, and it is aimed to adopt these values to individuals and therefore to the society in the education process. In Turkey; justice, patience, love, honesty, friendship, self-control, respect, patriotism, responsibility and benevolence have been determined as root values and it is aimed to bring these values to educational institutions.

In the USA; freedom, privacy, integrity, superiority of law, human dignity, justice, loyalty, international human rights, equality, responsibility, honesty, diversity, respect for authority are determined as root values. Objectivity, respect for truth, respect for reasoning, justice, equality, consideration for the well-being of others, freedom, accepting diversity and seeking peaceful solutions to conflicts have been identified as the root values in Australia.

6. Бертельс, Е. Э. (1965). *Избранные труды. Суфизм и суфийская литература*. Москва: Наука.

7. Григорян, С.Н., Сагадеев, А.В. (1961). *Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIVвв.*. Москва: Издательство социально-экономической литературы.

8. Зубов, В.П. (1963). *Аристотель*. Москва: АН СССР.

9. Ибн Сина (1980). *Избранные философские произведения*. Москва: Наука.

10. Клавдий Гален (1971). *О назначении частей человеческого тела*. Москва: Медицина.

11. Лурье, С.Я. (1970). *Демокрит. Тексты. Переводы. Исследования*. Ленинград: Наука.

12. Петровский, Б.В. (1977). *Большая медицинская энциклопедия*. Москва: Советская энциклопедия.

13. Тенишев, Э.Р. (1988). *Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология*. Москва: Наука.

14. Фирдауси (1957). *Шахнаме. Том первый*. Москва: АН СССР.

15. Якубанис, Г. (1994). *Эмпедокл: философ, врач и чародей*. Киев: СИНТО.

16. Alberts, O. (1901). Archiv für Geschichte der Philisophie. *Der Dichter des in uigurisch türkischem Dialect geschriebenen Kutadgu bilik (1069-70 p. Chr.) ein Schüler des Avicenna*. Berlin: Druck und Verlag von Georg Reimer. 319-336.

17. Arat, R. R. (1991). *Kutadgu Bilig. I. Metin (3.b.)*. Ankara: TDK.

18. Arat, R. R. (1998). *Kutadgu Bilig. II. Çeviri*. Ankara: TTK.

19. Hunutlu, Ü. (2020). Uluslararasi Kutadgu Bilig Kurultayi Bildirileri. *Kutadgu Bilig'de Pozitif Bilimlerin İzleri*. Ankara: TDK. 604-619.

20. Yusuf Has Hacib (2015). *Kutadgu Bilig. Fergana Nüshası (eser tıpkıbasımdır)*. Ankara: TDK.

## "ҚУТАДҒУ БИЛИГ"НИНГ ТАЛҚИН ВА ЎГИРМАЛАРИ

# ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ СЕРГЕЯ НИКОЛАЕВИЧА ИВАНОВА – ПЕРЕВОДЧИКА ЮСУФА БАЛАСАГУНИ НА РУССКИЙ ЯЗЫК

***АВРУТИНА АПОЛЛИНАРИЯ СЕРГЕЕВНА***
*доктор филологических наук, доцент,*
*Санкт-Петербургский государственный университет*

***Аннотация.*** *Доклад посвящен анализу творческого наследия выдающегося тюрколога, профессора Санкт-Петербургского государственного университета, Сергея Николаевича Иванова (1922-1999), который помимо научной деятельности, долгие годы занимался литературными переводами с различных тюркских языков. Благодаря его заслугам на русский язык переведены и изданы такие узбекские поэты, как Юсуф Баласагуни, Алишер Навои, Лютфи, Атаи, Бабур, Хафиз Хорезми, поэтессы Надира, Дильшод и Увайси, а кроме того, турецкие (Юнус Эмре), азербайджанские (Насими), туркменские (Махтумкули) и татарские авторы (Габдулла Тукай).*

***Опорные слова и выражения:*** *тюркская филологи, классическая узбекская поэзия, чагатайский язык, староузбекский язык, узбекский язык, турецкий язык, туркменский язык, татарский язык, литературный перевод, поэтический перевод.*

***Abstract.*** *The report is devoted to the analysis of the creative heritage of the outstanding Turkologist, professor of St. Petersburg State University, Sergei Nikolaevich Ivanov (1922-1999), who, in addition to his scientific activity, for many years was engaged in literary translations from various Turkic languages. Thanks to his merits, such Uzbek poets as Yusuf Balasaguni, Alisher Navoi, Lutfi, Atai, Babur, Hafiz Khorezmi, poetesses Nadira, Dilshod and Uvaysi, as well as Turkish (Yunus Emre), Azerbaijani (Nasimi), Turkmen (Makhtumkuli) and Tatar authors (Gabdulla Tukai) have been translated and published into Russian.*

***Keywords and expressions:*** *Turkic philology, classical Uzbek poetry, Chagatai language, Old Uzbek language, Uzbek language, Turkish language, Turkmen language, Tatar language, literary translation, poetic translation.*

***Özet.*** *İşbu tebliğ, bilimsel faaliyetine ek olarak, uzun yıllar çeşitli Türk dillerinden edebi çeviriler yapan, St. Petersburg Devlet Üniversitesi Professsörü, bir zamanlar Türk Dil ve Edebiyatı Başkanı ve seçkin Türkolog Sergey Nikayeviç İvanov'un (1922-1999) yaratıcı mirasının analizine ayrılmıştır. Özbek şairleri Yusuf Balasaguni, Alişer Navoi, Lütfi, Atai, Babur, Hafiz Khorezmi, şairler Nadira, Dilşod ve Uvaysi gibi Özbek şairleri*

*ile Türk (Yunus Emre), Azeri (Nasimi), Türkmen (Makhtumkuli) ve Tatar yazarları (Gabdulla Tukai) onun sayesinde Rusça'ya çevrilmiş ve yayınlanmıştır.*

***Anahtar kelimeler:*** *Türk filolojisi, Klasik Özbek şiiri, Çağatayca, Eski Özbek dili, Özbekçe, Türkçe, Türkmence, Tatarca, edebi çeviri, şiir çevirisi*

Сергей Николаевич Иванов – тюрколог-филолог, непревзойденный поэт-переводчик, доктор филологических наук, профессор, заслуженный работник культуры УзССР (1968), заслуженный деятель науки УзССР (1981). Член Союза писателей СССР с 1972 г. [3]

Родился 11 июня 1922 года в Петрограде, в семье военных. В 1940 г. – сразу после окончания средней школы, он был призван в ряды Рабоче-крестьянской Красной Армии. После призыва был направлен на обучение в Ленинградское артиллерийское училище. Начало войны заставило начальство училища форсировать подготовку офицеров. Девятнадцатилетний лейтенант практически сразу стал артиллерийским техником в частях зенитной артиллерии [1].

С.Н.Иванову довелось участвовать в сражениях при защите родного Ленинграда, за освобождение Прибалтики, в разгроме Курляндского «котла». За военные заслуги будущий тюрколог был награжден Орденом Отечественной войны, медалями «За боевые заслуги», «За победу над Германией» [1].

После демобилизации в 1946 г. С.Н.Иванов поступил на Восточный факультет Ленинградского ордена Ленина государственного университета, на кафедру тюркской филологии. По окончании обучения был направлен на стажировку и работу в УзССР, в Бухарский государственный педагогический институт, где проработал с 1951 по 1953 гг. Здесь С.Н.Иванов стал скрупулезно заниматься изучением узбекского и староузбекского языка, литературы и культуры Средней Азии. В 1953 г. С.Н.Иванов возвращается в Ленинград и поступает в аспирантуру Восточного факультета ЛГУ, а с 1956 г. начинает преподавать на Кафедре тюркской филологии, в 1958 г. защитил кандидатскую диссертацию на тему «Синтаксические функции формы на -*ган* в современном узбекском литературном языке». В 1959 г. работа была издана отдельной книгой под названием «Очерки по синтаксису узбекского языка (форма на -*ган* и ее производные)». Монография С.Н.Иванова считается серьезным трудом в рамках учения о природе тюркских глагольно-именных форм, впоследствии усовершенствованного другим профессором кафедры тюркской филологии ЛГУ – СПбГУ, В.Г.Гузевым. Работа С.Н.Иванова является важным вкладом в теоретическое тюркское языкознание [5].

С 1961 г. С.Н.Иванов работал на должности доцента Кафедры тюркской филологии. В 1969 г. вышел в свет его труд «Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк: Имя и глагол. Грамматические категории» (Ташкент, 1969), который в том же году был защищен автором в качестве диссертации на соискание ученой степени доктора

филологических наук. Эта книга была удостоена премии Ленинградского университета за 1971 г. [5]

«Родословное древо…» и учебное пособие «Курс турецкой грамматики» (Ч.1: Грамматические категории имени существительного. Л., 1975; Ч.2: Грамматические категории глагола. Л., 1977), удостоенное премии ЛГУ за 1979 г., продолжают изыскания С.Н. Иванова в сфере строя тюркских языков. В названных трудах факты чагатайского (староузбекского) и турецкого языков осмысляются с позиций новой концепции, которую приложил к тюркскому материалу сам автор. Выдвинутое в работах С.Н.Иванова положение о диалектическом единстве противоречивых значений в пределах одной грамматической формы явилось принципиально новым не только в тюркском, но и в общем языкознании. Главным в своих грамматических изысканиях С.Н.Иванов считал интерес к системе внутренних связей грамматических фактов, к выявлению системного единства, которым регулируется многообразие [5].

Перу С.Н.Иванова принадлежит ряд работ по истории отечественной тюркологии. Его книга о Н.Ф.Катанове, первом хакасском тюркологе, этнографе и языковеде, выдержала два издания (1962 и 1973 гг.). С.Н.Иванов опубликовал несколько статей по истории тюркологии в Санкт-Петербургском университете, а также о своих учителях, выдающихся учениках и коллегах: в частности, об акад. А.Н.Кононове, В.С.Гарбузовой, В.Г.Гузеве, А.Е.Мартынцеве, И.С.Сеидове.

С 1971 г. вплоть до выхода на пенсию в 1996 г. С.Н.Иванов являлся профессором Кафедры тюркской филологии. С 1972 г. профессор С.Н.Иванов возглавил воспитавшую его кафедру. Выполнял он эти обязанности более 15 лет, а потом еще 10 лет являлся ее профессором [3]. В течение 40 лет педагогической деятельности им были прочитаны такие курсы, как «Теоретическая грамматика турецкого языка», «Введение в тюркскую филологию», Староузбекский язык», «Современный узбекский язык», «Поэтика классической тюркоязычной литературы», «Арабизмы в турецком языке», «Турецкие (старописьменные) тексты особой сложности» и др. В числе учебных пособий, опубликованных С.Н.Ивановым, важное место занимает работа «Арабизмы в турецком языке» (Л., 1973), активно используемое студентами и преподавателями при изучении османского (турецкого старописьменного) языка. Созданный им «Курс турецкой грамматики» в 2-х частях был удостоен университетской премии [5].

С.Н.Иванов известен не только как ученый и педагог, но и как блестящий поэт-переводчик классической и современной тюркоязычной поэзии. Ему принадлежит более 20 книг переводов восточных и среднеазиатских поэтов. С 1960 г. им были опубликованы многочисленные переводы с древних тюркских языков, азербайджанского, татарского, турецкого, туркменского, староузбекского (чагатайского), узбекского, персидского и

таджикского языков, выполненные непосредственно с текста оригинала. Некоторые переводы еще ждут своей публикации. Эта деятельность ученого и поэта С.Н.Иванова не имела и не имеет себе равных ни в мировой тюркологии, ни в русской науке и культуре. Своей задачей как поэта-переводчика С.Н.Иванов считал воспроизведение средствами русского языка духа, формы и содержания ближневосточной классической поэзии — сложных образов и технических приемов, сравнений и игры слов. С.Н.Иванов был не просто переводчиком, но и истолкователем текста в единстве его поэтического содержания и поэтико-образных средств. С.Н.Ивановым поэтически переведены и изданы такие крупные произведения тюркской поэзии, как поэмы «Благодатное знание (Кутадгу Билиг)» Йусуфа Баласагуни (XI в.), «Сказание о Йусуфе (Кысса-и Йусуф)» Кул Гали (XIII в.), «Язык птиц (Лисан-ут-тайр)» Алишера Навои (XV в.), и сотни произведений малых поэтических форм. Среди наиболее крупных сборников поэтических переводов С.Н.Иванова следует назвать следующие: «В красе нетленной предстает: Узбекская классическая лирика XV-XX веков» (М., 1977), «Кровное слово: Переводы из узбекской поэзии» (Ташкент, 1981), «Свиток столетий: Тюркская классическая поэзия XIII-XX веков» (Л., 1991), «Алишер Навои: Избранное / В переводах С. Иванова» (СПб., 1996) [2,4,5].

С.Н.Иванов – автор более 200 научных работ по теории тюркской грамматики, истории тюркских языков, истории востоковедения, истории тюркских литератур, теории перевода и сопоставительной поэтике. С.Н.Иванов с 1972 г. являлся членом Союза писателей СССР, до 1992 г. руководил секцией художественного перевода в Ленинградской (Санкт-Петербургской) писательской организации. За свою деятельность ученый и поэт был удостоен званий «Заслуженный работник культуры Узбекской ССР» (1968) и «Заслуженный деятель науки Узбекской ССР» (1981). Ученики С.Н.Иванова в настоящее время работают, продолжая его традиции, на Кафедре тюркской филологии СПбГУ, в других вузах и научно-исследовательских организациях России, Узбекистана, Германии, других стран ближнего и дальнего зарубежья.

На кафедре тюркской филологии Санкт-Петербургского государственного университета в настоящее время работает доцент Алексей Игоревич Пылев, ученик Сергея Николаевича Иванова, который, продолжая дело своего учителя в совершенстве владеет узбекским языком, преподает его, узбекскую литературу, а специализируется на тюркском суфизме, в особенности изучает жизнь и творчество великого тюркского философа и мыслителя Ходжи Ахмада Ясави. Также на Восточном факультете не угасло и переводческое дело Сергея Николаевича. Доктор филологических наук, доцент Восточного факультета Аполлинария Сергеевна Аврутина является одним из ведущих литературных переводчиков России, лауреатом международной премии «Ак Торна» (2012) за переводы тюркской поэзии, а

также международной премии «Ясная Поляна» за 20й6 год в номинации «Иностранная литература» за перевод романа Орхана Памука «Мои странные мысли». Среди произведений турецкой литературы, переведенных А.С.Аврутиной на русский язык, – романы крупнейших современных турецких писателей, таких, как Орхан Памук, Назым Хикмет, Зюльфю Ливанели, Сабахаттин Али, Бильге Карасу, Ахмед Хамди Танпынар, Перихан Магден, поэт Атаол Бехрамоглу.

Продолжая дело своего великого наставника, А.С.Аврутина также является членом петербургского отделения Союза писателей, той самой секции художественного перевода, которую некогда возглавлял Сергей Николаевич Иванов.

**Использованная литература:**

1. *Бережной А.Ф. Они сражались за Родину: Универсанты в годы войны и в послевоенные годы. Вып. 4. СПб.: Изд-во С.-Петербургского университета, 2003. С. 47-48.*

2. *Милибанд С.Д. Востоковеды России. Биобиблиографический словарь. Т. 1., М., 2008. С. 549.*

3. *Колесников А.А., Камалов И. Биобиблиографический словарь тюркологов Евразии. Том 1. Книга 1. Российские тюркологи (XX век), Türk Tarih Kurumu Basımevi, Ankara. 2011.*

4. *Сайт Санкт-Петербургского государственного университета* https://pobeda.spbu.ru/museum/item/59-ivanov-sergej-nikolaevich-1922-1999

5. *Сайт кафедры тюркской филологии СПбГУ* https://turkicstudies.ru/about/

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ АФОРИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРЖИМАДА ҚАЙТА ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

***СИДИҚОВ ҚОСИМЖОН***
*Наманган давлат университети доценти,*
*филология фанлари номзоди*

***Аннотация.*** *Мақолада мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларини хорижий, хусусан инглиз ва рус тиллаигаа таржима қилиш масалалари таҳлил этилган. Унда таржимонларнинг мазмун ва шаклни сақлашдаги маҳоратлари мисоллар ёрдамида очиб берилган. Таржималардаги айрим ғализликлар кўрсатиб ўтилган. Афоризмлар таржимасида турли тил имкониятлари очиб берилган. Шунингдек, мақол ва афоризмларнинг ўзаро семантик муносабатига ҳам муносабат билдирилган..*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *афоризм, тўртлик, таржимон, мақол, семантика, бадиий таржима, шакл ва мазмун, аслият, ритм, услуб, луғат, қадимги туркий тил*

***Аннотация.*** *В статье раскрываются проблемы воссоздания афоризмов великого мыслителя Юсуфа Хас Хаджиба на английском и русском языках. Были раскрыты опыт переводчиков в сохранении формы и смысла в переводе. Были показаны некоторые недостатки в переводах. Указывались различные языковые возможности в переводе афоризма. Обсуждались также мнения о семантической связи пословиц с афоризмами.*

***Опорные слова и выражения:*** *афоризм, четверостиший, переводчик, пословицы, семантика, литературный перевод, форма и мысль, оригинал, ритм, словарь, древне тюркский язык.*

***Abstract.*** *The article reveals the problems of recreating aphorisms of outstanding thinkers Yusuf Has Khadjib in English and Russian languages. The experiences of translators in saving the form and meaning in translation were exposed. Some defects in translations were shown. Different language opportunities in translation of aphorism were pointed out. Opinions on semantic relation of proverbs with aphorisms were also discussed.*

***Keywords and expressions:*** *aphorism, quatrain, translator, proverbs, semantics, literarily translation, form and meaning, original, rhythm, dictionary, old Turkic language.*

***Özet.*** *Makale, seçkin düşünürler Yusuf Has Khadjib'in aforizmalarını İngilizce ve Rusça olarak yeniden yaratmanın sorunlarını ortaya koyuyor. Çevirmenlerin çeviride biçim ve anlamı korumadaki deneyimleri açığa çıkarıldı. Çevirilerde bazı kusurlar gösterildi. Aforizmanın çevirisinde farklı dil olanaklarına dikkat çekildi. Atasözlerinin aforizmalarla anlamsal ilişkisi üzerine görüşler de tartışıldı.*

***Anahtar kelimeler:*** *aforizma, dörtlük, çevirmen, atasözleri, anlambilim, edebi çeviri, biçim ve anlam, orijinal, ritim, sözlük, eski Türk dili.*

Ҳикматли сўз, яъни афоризм алоҳида кишилар, машҳур алломалар, буюк шахс ёки давлат ҳамда жамоат арбоблари томонидан воқеликка билдирилган ибратли фикрлардир.

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бу жанрларни қўллаш билан боғлиқ санъат турларидан Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур каби алломалар ўринли фойдаланганлари сингари, инглиз адабиётида бу борада Ж.Чоусер, В.Шекспир, Ж.Байрон ва бошқаларнинг хизматлари катта.

"Қутадғу билиг" ҳам мақол, матал ва афоризмларга бой нодир асарлардан ҳисобланади. Асосли таъкидланганидек, "Қутадғу билиг" асарига ўша даврда яратилган бошқа асарлар каби халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири сезилади. Буни асар вазнидан бошлаб, унинг қофия тизимида, жанрлар структурасида, асар композициясида, тили ва услубида, умуман, асарнинг барча композицион ҳамда ғоявий-бадиий структурасида кузатиш мумкин" [6.421].

Асарда халқ мақоллари билан бирга мутафаккир адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига тегишли афоризмлар ҳам кўп.

"Қутадғу билиг"да Ойтўлди Кунтуғдига тилнинг фойдаси ва зарари тўғрисида сўзлар экан, ушбу байтларни келтиради:

Қара баш йағысы қызыл тил турур,
Нэчә баш йэди бу тақы ма йэйур.
Башыңны тилəсә, тилиңни көдәз,
Тилин тэкмә күндә башыңны йэйур.

(Қора бошнинг ёви қизил тилдир,
У қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.
Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил,
Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди).

Тўртликда инсоннинг боши, демакки, ҳаёти учун хавфли унсур сифатида тилга урғу берилади ва унинг фойдали жиҳатлари билан бирга зарарли томонлари ажойиб афористик услубда намоён этилади. Гарчи тил ва бош бир танада бири-биридан ажралмас қилиб яратилган бўлса-да, баъзан бири иккинчисига таҳдид солиши мумкин. Бу шаклдаги афоризм Юсуф Хос Ҳожибнинг кашфиётидир. Уни Р.Денкофф шундай таржима қилган:

The red tongue is black head's foe:
Many a head has it devoured.
Hold your tongue if you would keep your head;
Before the tongue the head's coward.

Мазмуни:

Қизил тил қора бошнинг душманидир,
У кўп бошларни еди.
Агар бошингни сақламоқчи бўлсанг, тилингни тий,
Тил олдида бош қўрқоқдир.

Аслиятдаги "Қара баш йағысы қызыл тил турур" афоризмининг ўзбекча табдили ва инглизчага сўзма-сўз таржимаси унинг афористик мазмунини тўла очиб берган. Аммо байтнинг иккинчи мисрасидаги "Тилин

тэкмә кундә башыңны йэйур" ҳақида бундай деб бўлмайди. Аввало, мисранинг кириллча транскрипцияси (Қ.Каримов) ва туркча (Р.Р.Арат) танқидий матнларида тафовут мавжуд.

Қ.Каримовда: Тилин тэкмә кундә башыңны ***йэйур***.

Р.Р.Аратда: Tiling tegme künde başıngnı ***yanur***.

Бизнингча, Наманган нусхасидаги матнда мазкур сўз "йэйур" тарзида мавжудлиги учун, Қ.Каримов уни шу тарзда транскрипция ва табдил қилган. Қолаверса, бу ўринда олим асар қўлёзмасига садоқат кўрсатган. Аммо, айни тўртликнинг ўзида жиддий заруратсиз бир қофиянинг такрорий равишда қўлланиши кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Шунга кўра, иккинчи байт охиридаги қофиянинг "йэйур" эмас, балки "йанур" бўлиши мантиқий жиҳатдан кўпроқ ўзини оқлайди. Ана шу ҳаётий мантиққа эътибор бериладиган бўлса, "Тил бошга доим таҳдид солади" мазмунидаги яна бир афоризмнинг мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Р.Денкофф "Tiling tegme künde başıngnı yanur"ни "Тил олдида бош қўрқоқдир" тарзида ўгирган. Таржимада аслиятдаги афоризм мазмуни ўз ифодасини топмагандек. Инглиз тилли китобхон учун уни тушуниш қийин. Таржимада бош бирдан қўрқоқ аъзога айланиб қолган.

Матн мазмунини аниқроқ тасаввур этиш учун "XIII аср туркий тил этимологик луғати"га мурожаат қиламиз. Муаллиф Г.Клаусон луғат тузишда фойдаланилган манбалар ва улардаги сўзларнинг таҳлили юзасидан шундай дейди: "Иккинчи асосий матн туркий халқларнинг энг қадимги обидаси, XI асрнинг учинчи чорагида ёзилган Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг "Қутадғу билиг" асаридир. Мен келтирган парчалар Р.Р.Аратнинг 1947 йил нашр этилган танқидий матнидан олинган. Айрим иккиланган ҳолларда асарнинг учта қўлёзмаси факсимилеларига мурожаат қилдим"[1. XVIII]. Мазкур луғатда юқоридаги мисра айнан келтирилган ва шу ўринда факсимилега мурожаат қилинганига ҳам ишора бор: **Yan** – KB (keep a guard on your tongue – Тилингга қўриқчи қўй) *tiling tegme künde başıngnı yanur* – your tongue threatens your head (i.e. life) every day 967 – Тилинг ҳар куни бошингга (яъни ҳаётингга) таҳдид солади (967). *Qutb* facsimile 52 r. 9 ("Қутадғу билиг" факсимил) [1.942].

Қадимги туркий луғатда ҳам шу маъно қайд этилган: **Jan** – III угрожать (таҳдид солмоқ), пугать (қўрқитмоқ) [3.231].

Байтнинг Р.Р.Арат қаламига мансуб усмонли туркча таржимаси:

Başını kurtarmak ıstersen, dılını gözet: dılın her gün senın başını tehdıt eder – Бошингни асрашни хоҳласанг тилингни сақла, тилинг ҳар куни бошингга таҳдид қилади).

Афоризм маъносини таржимада акс эттиришда Р.Р.Арат ҳам муваффақиятга эришган дейиш мумкин. Фикримизча, байтнинг охирги мисрасидаги **йэйур** транскрипцияда **йанур** тарзида берилиб, мисра ўзбекча табдилда "Бу тил ҳар куни бошингга таҳдид қилади" шаклида берилса, Юсуф Хос Ҳожиб афоризмларининг бадиий қиммати ва теран мазмуни замонавий ўзбек ўқувчисига янада жозибалироқ етиб борарди. Таржима жараёнида

Р.Денкофф “XIII аср туркий тил этимологик луғати” дан кенг фойдаланган бўлса-да, айни байт таржимасида унга мурожаат қилмаган кўринади.

Айрим таржималарда аслиятнинг мазмуни берилган, сўз ва иборалар ҳам сақланган, бироқ асарнинг бадиий таъсирчанлик қуввати аслидагидай бўлиб чиқмаган. В.Мей тўртликни қуйидагича ўгиради:

His hair may be dark, but his tongue is blood-red,
How often it swallows a thoughtless hot head!
If you need your head, hold your tongue, do not shout,
If not — they will cut your offending tongue out!

Мазмуни:

Унинг сочи қора бўлиши мумкин, аммо тили қондек қизил,
Ўйламайдиган бошларни қанчалаб ютади.
Агар бошинг керак бўлса, тилингни тий, бақирма,
Агар тиймасанг, жоҳил тилингни кесиб ташлашади.

“Шаклий имконият мазмунни ўқувчига етказишда катта воситадир. Шеър ҳақида гапирганда, мазмун билан шаклни бир-биридан ажратиб кўрсатишнинг ўзи жоиз эмас. Шакл ва мазмун яхлитликда, диалектик бирликда мавжуд ҳодисалардир” [5.57]. Модомики, шеърий таржимага шундай талаблар қўйилар экан, мутаржим шакл ва мазмун бирлигига доимо эътибор қаратиши лозим. Зеро, таржима асари шаклдор байтлар тўплами эмас, балки ўзга тил вакилларига ўз тилларида эстетик завқ берувчи асар бўлиши лозим.

Тўртликнинг В.Мей таржимасидаги ғализликлар бир қарашдаёқ яққол кўринади. Биринчи мисрада гап нима ҳақида кетмоқда ўзи? Ким (нима)нинг сочи қора. Ким (нима)нинг тили қондек қизил? Бу саволларга жавоб йўқ. Тилни тийиш бу фақатгина бақирмаслик эмас-ку! Гапларнинг шахссиз ҳолда берилиши мазмунни мавҳумлаштирган.

Бизнингча бу ғализликларнинг келиб чиқишига сабаб мутаржим таржимани воситачи тил орқали амалга оширганлигида. Қиёсий-типологик таҳлил натижалари бу фаразларимизнинг тўғри эканлигини кўрсатди. Воситачи тил орқали таржима масаласида профессор Ғ.Саломов шундай дейди: “Афсуски, ўзбек тилидан бошқа тилларга воситачи тил орқали қилинаётган кўп таржималар ҳозирги талабга жавоб бермайди. Бадиий асарларнинг катта лексик, фразеологик ва услуб бойлиги, ёзувчиларнннг бадиий маҳорати, сўз санъати, индивидуал услуб жилоси ва улар қўллаган турли-туман бадиий воситаларнинг ранг-баранглиги бу таржималарда етарли даражада ўз аксини топмаган. Китобхонни ҳаяжонга соладиган ва унга катта эстетик завқ берадиган энг нозик нуқталар уларда сўниб қолган” [4.148]. Бунинг яққол мисолини юқоридаги байтнинг русча таржимасида кўриш мумкин:

Темна голова, а язык – то багров,
И сколько он съел неразумных голов!
Нужна голова – придержи свой язык,
Не сдержишь – отрубит он голову вмиг!

Бизнингча, таржима қай йўсинда, аслиятданми ёки воситачи тил асосида амалга оширилмасин, асосий масала – таржима сифати унинг аслиятга қай даражада яқин келганлиги билан баҳоланади. С.Н.Иванов талқинидаги бу ғализликлар В.Мей таржималарида ҳам ўз аксини топгани тайин.

Таҳлиллардан аён бўладики, асар тўртликлари композициясини таржимада сақлашга интилиш аслиятдаги поэтик мантиқ моҳиятига яқинлашишнинг муҳим омилидир. Бу муҳим жиҳат учала мутаржим таржималарида ўзига хос тарзда ҳал этилган.

Шеърий таржимада композицион-семантик хусусиятлар ечимининг таъминланиши фақатгина аслият мазмун-мантиғини китобхонга тўғри етиб бориши учунгина эмас, балки аслият бадиияти, шунингдек, муаллиф услубининг сақланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳамдир.

Шарқ шеърий тизимини генетик жиҳатдан узоқ бўлган тилларга таржима қилиш талай қийинчиликларни келтириб чиқаради. В.Мей ва С.Н.Иванов таржималарининг кўпчилигида аслият композицияси ўзига хос тарзда қайта яратилган. В.Мей киритган айрим ижодий ёндашувлар таржимада тўртликларнинг янада бадиий мукаммал бўлишини таъминлаган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-thirteen Century Turkish. – London: Oxford University Press, 1972. – 760 p.
2. Абдуллаев Ҳ. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – 160 б.
3. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
4. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.
5. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 222 б
6. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг” поэтикаси масалалари // Исҳоқов М. Рахмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Т.: Фан, 1989. – 442 б
7. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 971 б.

## ТАҚРИЗ ВА МУНОСАБАТ

### «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» СЎЗЛИГИ

**Тузувчи: Қосимжон Содиқов – Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 302 б.**

Тил тизимида сўзнинг аҳамияти, унинг матндаги етакчи ўрнини кўрсатади; сўз матннинг асосий бирлигидир. Ўтмишда яратилган матнларда қўлланган лексик воситаларни ўрганиш, муайян нутқ вазиятида ишлатилаётган сўзнинг маъносини таҳлил этиш тарихий лексикологиянинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Замонавий семасиология қўлга киритган ютуқларни қўллаган ҳолда ёзма ёдгорликлардаги мавжуд сўзларни турли-туман маъноларини ўрганиш, маълум бир доирада тилдаги лексик воситаларнинг ишлатилиши масаласи герменевтикада чуқур ўрганилмаган муаммолар қаторида туради.

Сўз – матнни англаш асосидир. Ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликлар устида тадқиқот олиб бориш, биринчи галда, унинг лексикаси устида текшириш олиб боришдир. Аёнки, матнни англаш сўз маъносини билишдан бошланади.

Кўпинча, ёзма обидаларда қўлланган сўзларда жамиятнинг мафкураси, дунёқараши, жамиятдаги тил вазияти акс этади. Маълум давр ўтиши билан матнларда қўлланган бирликлар сақланиб қолиши мумкин. Бироқ уларнинг маъноси, талқини давр ва жамият ўз кўзқарашларини ўзгартиб боргани сингари ўзгариб боради. Шу боис, муайян матндаги сўз танланишининг таҳлили ўша матн битилган давр жамиятининг нутқ маданияти ва адабий меъёрларини белгилашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади.

Шу жиҳатдан, туркий тиллар тарихи билимдони, профессор Қосимжон Содиқовнинг ўн йиллар давомида машаққатли меҳнатининг натижаси ўлароқ яқинда дунё юзини кўрган «Қутадғу билиг» сўзлиги» (Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 302 б.) китоби туркшуносликдаги энг сара луғатлар қаторидан ўрин эгаллади.

Сўзлик филологлар, илк ўрта асрларнинг туркий ёзма ёдгорликлари бўйича изланиш олиб бораётган ёш илмий ходимлар ва билим ўрганаётган толиби илмларга мўлжалланган.

Ушбу сўзлик «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот (Вена), араб ёзувли Наманган (Фарғона) ва Қоҳира қўлёзмалари асосида тузилган. Сўзлар ва уларнинг маъноларини очиқловчи ўрнаклар асар қўлёзмаларидан келтирилади.

Сўзликни яратишдан мурод муаллиф қўллаган сўз ва сўз шаклларини луғатда қайд этиш принципларини ишлаб чиқиб, асарнинг луғат бойлигини, имкон қадар, жамлашдан иборатдир.

Китоб кириш ва сўзлик бўлимларидан иборат. Кириши ҳам каттагина: ушбу бўлимда асар қўлёзмаларининг текстологик фарқлари, асарнинг фонетик ва ёзув ўзгачаликлари, ёзма ёдгорликда қўлланган сўзни лексик бирлик сифатида белгилаш ва уни луғатда келтириш масаласи ишлаб чиқилган, шунингдек, сўзликнинг тузилиш принципи ва мисолларни беришда ишлатилган транскрипция тўғрисида сўз боради.

Луғат сўз-мақолаларининг берилиш тартиби қуйидагича: дастлаб транскрипцияда сўзнинг бош шакли, сўнг қавсда унинг қўлёзмадаги ёзилиш шакли келтирилади. Мисол араб ёзувли қўлёзмадан олинган бўлса, қавсдагиси ҳам араб хатида, уйғур ёзувли қўлёзмадан олинган бўлса, у ҳам ўша ёзувда. Шундан кейин чизиқча билан сўзнинг маъноси изоҳланади. Сўнгра унинг гап ичидаги мисоли транскрипцияда келтирилиб, кейин ҳозирги ўзбекча ўгирмаси берилади. Охирида қавсда мисол олинган манбанинг қисқартмаси (коди), бети ва сатри кўрсатиб қўйилади.

Қўлёзма манбалардан мисоллар келтирилганда изланувчи ёки ўқувчи гапнинг чегараси ва гап қурилишини фарқлаб бормоғи учун тиниш белгиларидан фойдаланилган.

Матндан олинган гаплар, байтнинг янги сатри, шунингдек, атоқли отлар: киши отлари, жой отлари ва бошқалар ҳам бош ҳарф билан бошланади.

Сўзлик муаллифи «Қутадғу билиг»нинг ёзув ва фонетик ўзгачаликларига таяниб, асар тилида тўққиз унли фонема ишлатилган, деган хулосага келади. Булар: [*a*], [*ä*], [*e*], [*ï*], [*i*], [*o*], [*ö*], [*u*], [*ü*] фонемаларидир.

Араб ёзувида бу тизимни ифодалаш учун учта ҳарф – *alif, vāv, yā* ҳамда ҳаракатлар, турли ҳарфий ишоратлардан фойдаланилган.

Унинг урғулашича, қадимги туркий битиглардан фарқли ўлароқ, асар тилида [*e*] фонемаси ҳам ишлатилган, у маъно фарқлаш хусусиятига эга. Кўк турк (ўрхун-енисей) битиглари, уйғур ёзувли будда, моний ёдгорликларида сўз боши ва биринчи бўғинда [*ä*] билан, баъзан [*i*] билан келувчи сўзлар «Қутадғу билиг»да [*e*] га ўзгаради: *el, elig, edgü~eδgü, eš, belgü* сингари. Матнда, ўрни билан, уларни [*e*] деб ўқилмаса, сўзнинг маъносига ҳам таъсир этиши мумкин.

Келтирган мисоли шундай:

**ایسیز ایش توتونما بیراق تور تزا**
**ایسیز ایش ازیتور سینی یول اوزا**

Келтирилган байтдаги *alif yā* билан ёзилган **ایسیز** сўзини *esiz* деб ўқиймиз; маъноси «ёмон» дегани; ундан кейинги *alif yā* билан ёзилган **ایش** ни

эса *iš* эмас, *eš* деб ўқилади; маъноси «эш, ўртоқ» деганидир. Шунда байтнинг транскрипцияси қуйидагича бўлади:

*Esiz eš tutunma, yïraq tur tez-ä,*
*Esiz eš azïtur seni yol üzä.*

Мазмуни: «Ёмон (билан) эш [яъни, ўртоқ] тутунма, тезда йироқлаш,
Ёмон эш сени йўлдан оздиради [йўлдан уради]».

Уйғур хатида унлилар ёзувда изчил ифода этилар эди. Турклар араб хатини ўзлаштирганларида қадимги туркий ёзувнинг ана шу принципини сақлаб қолдилар. Оқибатда, араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам унлилар учун *alif, vāv, yā* ҳарфлари, кўпинча, тўлиқ ишлатиладиган бўлди.

Уйғур ёзувли матннинг яна бир қулайлиги шундаки, сўзнинг биринчи бўғинида (сўз боши ва сўз ичида) ингичка [*ö*]–[*ü*] унлилари йўғон [*o*]–[*u*] унлиларидан ёзувда фарқланади: сўз бошида *alif* ли *va* дан кейин *ya* ҳарфи уланади; сўз ичида эса *va* га *ya* уланади.

Уйғур хатида ундошларнинг ўқилиши, талаффузини аниқлаб олишда бироз қийинчилик бор. Унда [k]–[g], [b]–[p], [t]–[d], [s]–[z], [q]–[γ]–[x], [č]–[j]–[ž] товушлари ёзувда фарқланмайди. Қизиғи шундаки, булар орасида [t]–[d], [s]–[z] ларнинг айри-айри ҳафлари борлигига қарамай, матнда бири бошқасининг вазифасини бажараверади. Алифбо ана шу принципга асосланган.

Асарнинг катта ютуғи унинг икки хил ёзувда сақланганида. Қолаверса, XI–XV юзйилликлардан қолган туркий ёдгорликларнинг уйғур ва араб ёзувларида битилгани уларнинг фонетик тизимини ўрганишда жуда катта имкониятлар яратади. «Қутадғу билиг» бўйича олиб бориладиган изланишлар ҳам асар қўлёзмаларини чоғиштириш асосида олиб борилмоғи керак.

Ундошларнинг ифодаланишида ҳам баъзи ҳарфларнинг вазифаси арабча ва форсча матнлардан фарқ қилади.

«Қутадғу билиг»дан олинган мисоллар мутахассисларга тушунарли бўлиши учун лотин алифбоси асосидаги илмий транскрипцияда берилган. Сўзликда қабул қилинган илмий транскрипция асарнинг фонетик хусусиятларини мукаммал акс эттирган дея оламиз.

Луғат тузувчисининг ёзма ёдгорликларда сўзни лексик бирлик сифатида белгилаш ва уни луғатда келтириш масаласи ҳақидаги мулоҳазалари жуда ўринли. Унинг алоҳида урғулашича, ҳали ўзбек тилшунослигида ёзма ёдгорликларда ишлатилган сўзлар, айниқса, қўшма ва мураккаб сўзларни белгилашнинг илмий принциплари, йўл-йўриқлари тугал бир шаклда ишлаб чиқилган эмас.

Муаллифнинг таъкидлашича, туркий матнларда сўзларнинг сони эмас, унинг қандай маъноларни англатаётгани муҳим. Туркий асарнинг луғат бойлиги ҳам унда қўлланган сўзлар қандай ва неча хил маънода ишлатилгани билан белгиланади.

Олим сўзларнинг маъносига теран кириб борган. Буни асарда кечган *söz* нинг ажратилган маъноларида ҳам яққол кузатса бўлади. Луғатда унинг қуйидаги маънолари келтирилади:

*söz* – (1) «сўз»; тушунча бирлиги;

(2) «кишининг нутқи»;

(3) «айтилган фикр, мулоҳаза»;

(4) «ёрлиқ, фармон, буйруқ»;

(5) «ўгит, панд-насиҳат, ибратли сўз»;

(6) «сир, яширин сўз»;

(7) «таълим»;

(8) «маслаҳат, кўрсатма»;

(9) «таъриф, баён»;

(10) «ваъда»;

(11) «маълумот; хабар».

Яна бунга кўмакчи феълларни қўшиб, янги сўзлар ҳам ясалган: *söz ač-* – «сўз оч-»; *söz ay-* – «сўз айт-»; *söz čïqar-* – «сўз чиқар-, сир айт-» сингари.

Матндаги сўзларни лексик бирлик сифатида аниқлаш ва луғатга киритишда унинг қуйидаги белгиларига эътибор қаратилади:

Жумладан, кўмакчи феъллар билан ишлатилган феъл шакллари луғатда бирга олинган. Масалан: *ketä ber-* «кетавер-»; *körü tur-* «боқиб кўр-»; *tuta bil-* «тута бил-» сингари.

Олимнинг таъкидлашича, бунинг сингари бирикувларда янги сўз ясалаётгани йўқ. Лекин уларда кўмакчи феъллар қўшилиши туфайли, сўзнинг маъноси услубий ўзгаришга учрайди. Масалан: *kör-* «кўр-, қара-» дегани, *körü tur-* деганда эса «боқиб кўриш, разм солиш; фикрлаб кўриш»; ёки: *tut-* «тут-, ушла-» дегани, *tuta bil-* деганда эса «тута билиш, уддалай олиш» маъноси бор.

Шунинг сингари *yaγa tur-* «ёғиб тур-» дегани; бу ўринда янги сўз ясалаётгани йўқ, бироқ унинг таркибидаги *tur-* кўмакчи феъли ҳаракат давомийлиги, изчиллиги маъносини шакллантиради; *yaγa tursu yaγmur* дейилганда «ёмғир ёғиб турсин», яъни «ёмғир тез-тез ёғсин» деган мазмун англашилади ва б.

Ишда қайд этилишича, кўмакчи феъллар от туркумидаги сўзларга қўшилиб, қўшма феъл ясашга ҳам хизмат қилади. Масалан: *at ur-* «ном бер-»; *elig tut-* «қўл тут-, қўл узат-»; поэтик маънода «ёрдам бер-» сингари.

Келтирилган бирикувларда кўмакчи феъллар янги сўз ясашга хизмат қилаётир. Масалан, *at* сўзи билан *ur-* кўмакчи феъли бирикиб, «ном бер-, от қўй-» маъносидаги қўшма феъл ясалмоқда.

Луғатда жуфт сўзлар ҳам бирга келтирилган. Масалан, *tuz-etmäk* – «тузу нон»; *oγul-qïz* – «ўғил-қиз, фарзанд» сингари.

Сўзларни жуфт кўринишда қўллаш феълларда ҳам бор. Жумладан: *aldï-berdi* - «жамоалар ўртасидаги илиқ муносат»; *kelišgü-barïšγu* биргаликда «келишиш-боришиш», яъни «муроса қилиш» маъносини беради.

Китобнинг ютуқларидан яна бири, унда фан соҳаларига тегишли атамалар туркологияда биринчи бор келтирилмоқда. Улар бир тушунча, яъни бир сўз сифатида луғатга киритилган. Масалан: *bitig söz* тилшунослик атамаси бўлиб, «ёзма нутқ тили», яъни «ёзма адабий тил» маъносида ишлатилган. Ёки *söz bilig* адабиётшунослик атамаси бўлиб, «адаб; адаб илми; сўз илми» маъносида келган.

«Қутадғу билиг»да Юсуф Хос Ҳожиб Аллоҳнинг гўзал исмларини тилга олганда *zuljalāl, ’azza va jall(a)* («энг азиз ва улуғ»), *qādir kamāl* («қодир камол»), *γafūr* («ғофир»), *xāliq* («холиқ») сингари араб тилидан ўзлашган сифатлар билан бир қаторда кўпини туркийда берган.

Улар икки хил: бирлари, *erklig* – «эркли, қодир»; *yaratqan, törütkän* – «яратган»; *igiδgän* – «парваришлаган», *kečürgän* – «кечирган»; *bir* – «ягона [воҳид]»; *uγan* – «қодир»; *baγïrsaq* – «меҳрибон»; *biliglig* – «билимли, билгучи»; *köšüš* – «азиз» сингари содда сўз шаклида.

Шунингдек, гўзал исмлар орасида: *yer kök eδisi* – «Ер ва кўкнинг эгаси»; *yerli kökli yaratγan* – «Еру кўкни яратган»; *uluγluγ edisi* – «улуғлиқ эгаси»; *bir-ol bir* – «яккаю ёлғиз»; *baγïrsaq eδi* – «меҳрибон эга»; *ič-taš biligli* – «ич (ва) таш (сирларини) билувчи», *ḥaqu-l-yaqïn* – «энг яқин ҳақиқат, ҳақиқатнинг энг яқини»; *sïrqa yaqïn* – «сирга яқин» сингари бирикмалардан тузилганлари ҳам бор. Бундай бирикмалар луғатда бир тушунча сифатида берилган.

Маълумки, ёзма манбаларда кишиларнинг оти уларнинг лавозими, унвони, куняси билан қўшиб айтилган. Кимсанинг оти билан боғлиқ ушбу компонентларни бўлиб ташлаш мумкин эмас. Атоқли отлар, кишиларнинг оти нечта компонентдан тузилган бўлишига қарамай, улар яхлит кўринишда, бир сўз сифатида олинган: *Yūsuf; Yūsuf čïlbašï; Xāṣ Ḥājib; Yūsuf Xāṣ Ḥājib; Yūsuf Uluγ Ḥājib; Yūsuf Uluγ Xāṣ Ḥājib* сингари.

Умуман, сўзликни яратиш жараёнида Қосимжон Содиқов «Қутадғу билиг»да қўлланган сўзларни ҳозир учрайдиган маънолари бўйича эмас, унинг тарихий маънолари асосида талқин қилган. Айниқса, асрда келган сўзларни ҳозирда сақланган маъносидагина тушуниш матнни нотўғри талқин қилишга олиб келишини яхши англаган муаллиф сўзлар семантикасини матн ичида, ўзи бирикаётган сўз қуршовида талқин қилган. Айёнки, сўзнинг ҳақиқий маъноси, қолаверса, асар муаллифининг қай бир маънони эътиборга олгани матн доирасидагина реаллашади. Ана шу жиҳатдан ҳам сўзлик муаллифи асосли ва тўғри йўлни танлаган. Ушбу лексикографик изланиш ўзбек туркшунослигининг энг сара тадқиқотлари қаторидан ўрин эгаллайди. Асосийси, «Қутадғу билиг» сўзлиги» ва унда сўзларни бериш мезонлари ёзма ёдгорликлар ҳамда ўтмишда ижод қилган муайян адиб асарлари бўйича бўйича яратилажак луғатлар учун улгу вазифасини ўтаб беради.

**«Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналида чоп этиш учун бериладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар**

Чоп этиш учун оригинал, илгари чоп этилмаган мақола, илмий ахборот, журнал мавзусига мос келадиган материал, илмий тақризлар қабул қилинади. Мақолада туркшунослик билан боғлиқ тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик, матншунослик, фалсафа, маданият, тарих, иқтисодиёт, сиёсат каби фан соҳаларининг долзарб масалалари ва илмий янгиликлари ёритилган бўлиши керак. Мақоланинг кўлами (аннотация, таянч тушунчалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати бундан мустасно) 1 оралиқда 10–12 бет, матни Microsoft Word, A4 бичимида, Times New Roman ҳарф шаклининг 14 кг катталигида, электрон вариантда камида 2 та тақриз билан журнал электрон почтасига йўлланади. Матннинг икки ёнидан қолдириладиган ўлчами – 2 см, хат боши (абзац) – 1,25 см.

**Мақоланинг тузилиши бўйича тавсиялар:**

Мақола ва журналга берилган бошқа материаллар сарлавҳаси қисқа, мазмунга мос келиши ва 12 сўздан ошмаслиги керак.

Мақола эгасининг тўлиқ исми-шарифи, улар икки ёки ундан ортиқ киши бўлса, вергул билан ажратиб берилади.

Мақола эгасининг иш жойи, лавозими ва илмий даражаси кўрсатилади.

Кетидан унинг телефони, факси, электрон почта рақамлари келтирилади.

Мақоланинг сарлавҳаси, мақола эгаси тўғрисидаги маълумотлар лотин алифбоси (транслитерация)да берилади.

**Аннотация, таянч сўз ва тушунчалар:**

Аннотацияда мақоланинг умумий мазмуни акс эттирилиб ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилади. Унинг кўлами 200–250 сўздан ошмаслиги керак. Таянч тушунчалар эса мақолага доир муҳим тушунчаларни жамлаган бўлиб, 10 та бирликдан ошмаслиги керак.

**Кириш:** бу ўринда тадқиқотнинг мақсади ва кўтарилаётган илмий жумбоқнинг ҳозирги ҳолати акс этиши керак.

**Мақсад ва вазифа:**

Мақоланинг мазмун-моҳияти мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда очиб берилади.

**Усуллар:** тадқиқот усуллари тўлиқ тавсифланади.

**Натижалар ва мулоҳаза:**

Натижа ва мулоҳазалар кенгайтирилган шаклда тақдим этилади (жадваллар ва тасвирлар ёрдамида), шунингдек, илгари нашр этилган натижаларнинг қиёсий таҳлили ва талқини берилади.

**Хулоса:** мақоланинг кириш қисмида қўйилган саволларга жавоблар берилади, хулосалар аниқ кўрсатилади.

**Ҳаволалар саҳифа тагида берилади:**

Zagurenko A.G., Korotovskikh V.A., Kolesnikov A.A., Timonov A.V., Kardymon D.V. Tekhniko-ekonomicheskaya optimizatsiya dizaina gidrorazryva plasta [Techno-economic optimization of the design of hydraulic fracturing]. Neftyanoe khozyaistvo – Oil Industry, 2008, no.11, pp. 54-57.

**Жадвалларни бериш:**

Ҳар бир жадвал 2 ораликда алоҳида саҳифага жойлаштирилади. Жадваллар фотосурат сифатида топширилмайди. Жадваллар рақамланади ва махсус номланади. Жадвалдаги ҳар бир устун қисқа номланади (қисқартмалардан фойдаланиш мумкин). Ҳар бир жадвал матнда изоҳланади.

**Тасвирлар (расмлар)нинг берилиши:**

Чизмаларнинг бари тақдим қилинади. Тасвирлар профессионал тарзда бўялиши керак. Тасвирлар оқ қоғозда тайёрланган, уларнинг сифати сканерлаш талабларига жавоб бериши керак. Чизмаларнинг электрон версиялари алоҳида файлларда тақдим этилади. Тасвирнинг тавсия этилган кенглиги 14 см. дан ошмаслиги, баландлиги 18 см. дан ошмаслиги тавсия этилади. Сканерлаш материаллари камида 300 dpi бўлиши керак.

**Қисқартма ва белгилар:**

Мақола матнида фақат стандарт қисқартмалардан фойдаланилади. Мақоланинг сарлавҳасида қисқартма берилмайди. Аннотацияда умумистеъмолда бўлмаган қисқартма ва шартли белгиларга изоҳ берилади.

Босишга рухсат этилди 20.11.2020. Бичими 1/16. Шартли 9,5 б.т.
100 нусхада, оригинал-макет асосида босилди.
Буюртма №____ Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг
кичик босмахонасида босилди.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2020